

ISSN 2181-9521

№ 10-son, 2021



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# АДОЛАТ, ҲАҚИҚАТ


**“Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим.”**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ*

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан “Судья маънавияти, одоби ва маърифати” деб номланган китоб нашр этилди.

Китобда судьяликдек гоятда мураккаб ва масъулиятли касб эгаларига қўйиладиган мезонлар тарихий далиллар ва бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

2021 йил 19 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ушбу китобнинг тақдими ўтди.



# ВА ПОКЛИК ИСТАГИ

**Маънавияти юксак судьянинг қиёфаси қуйидагиларда намоён бўлади:**

у адолат тарозисини қўлида маҳкам ушлаган ҳолда ўз вазифасини безғараз, холис адо этади;

судьялик қасамёдига содиқ қолади;

судьялик этикасига оғишмай амал қилади;

одоб-ахлоқли бўлиб интизомга қатъий риоя этади;

ҳалол, қонунни ҳурмат қиладиган ва унга бўйсунадиган, соф виждон ва мустаҳкам ирода эгаси бўлади;

У Ватанига, юртига садоқатли, фидойи, камтарликни одат қилган, уни вояга етказган, ишониб судья деган шарафли лавозим берган халқни олдида доимо қарздорликни, шахсан жавобгарлиги ва масъуллигини ҳис қилади.”



*“Қуёш балқиган ҳар бир кунда икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этишинг – эҳсондир.”*

**Ҳадис**

**“Маънавият” тушунчасига қуйидагича илмий таъриф берилади:**

**Маънавият – инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб, устун қилиб турадиган жамики фазилатлар мажмуи.”**

*“Уч нарса билан уч нарса бирга бўлмайди: баднафслик билан ҳалоллик, газаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик.”*

**Жунайд БАҒДОДИЙ**



*Буюк аллома Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқ ул муҳсиний” асариди адолат ҳақида алоҳида боб бўлиб, унда “адолат” жамият ҳаётида ҳамманинг тенг ҳуқуқли эканини таъминлашдан иборат тушунча экани, агарда жамиятда адолат тарозиси бўлмас экан, у парокандаликка юз тутиши муқаррарлиги айтилади.*

**Саҳифаларни Тошкент шаҳар суди судьяси Анвар ИБРАГИМОВ тайёрлади.**



**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБОЕВ  
Шерзод ЮЛДАШЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шаҳбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.10.2021 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12 Адади 1470  
Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида  
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

**МУНДАРИЖА****6****МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ**

**МАЪНАВИЯТ, ОДОБ ВА MASЪУЛИЯТ – СУДЪЯНИ АДОЛАТГА ЧОРЛАЙДИ**

**ИБРАТ****13****ҚАРФАЛАР СУДИ****14****ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ**

**НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ  
ҚОНУНЧИЛИҚДА БЕЛГИЛАНГАН,  
ЛЕКИН...**

**МУНОСАБАТ****17**

**СУДЪЯНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ,  
ДАҲЛСИЗЛИГИ, АДОЛАТ УЧУН  
МУҲИМДИР**

**18****ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**27 ФОИЗ ТАЛАБА БАҲО ОЛИШ УЧУН  
ПУЛ БЕРИШНИ КОРРУПЦИЯ  
СИФАТИДА ТУШУНАДИ**

**ЭЪТИРОФ****22****БУНИ УМР ДЕРЛАР...****23****МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ**

**ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ:  
ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ**

**МЕНИНГ ФИКРИМ****26**

**ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИНГ  
ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ**

**29**

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

МАҲАЛЛА ВА СУД

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**30**

ЮРИДИК ФАОЛИЯТ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АДВОКАТЛИК  
ЛИЦЕНЗИЯСИ  
(АҚШ ТАЖРИБАСИ)

**34**

ТАҚДИМОТ

“АДОЛАТ – ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ  
ОЛИЙ НУҚТАСИ”

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**36**

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ  
ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛ-  
ЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:  
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА  
ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**40**

ТАДҚИКОТ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ  
МОЛ-МУЛКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
ХАРАКТЕРИ ҚАНДАЙ  
НАМОЁН БЎЛАДИ?

МУЛОҲАЗА

**44**

МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ  
ЎРТАСИДАГИ УЙҒУНЛИК –  
АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ  
ГАРОВИ

**46**

НУҚТАИ НАЗАР

ХАЛҚАРО СУДЛОВГА  
ТЕГИШЛИЛИК ТЎРИСИДАГИ  
МЕЪЁРЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА  
ТУШУНЧАЛАРНИ ТАСНИФЛАШ  
МУАММОСИ

**49**

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ:  
ЯПОНИЯ ВА ХИТОЙ МИСОЛИДА

СУДЕБНО-ПРАВОВАЯ РЕФОРМА

**52**

СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ И  
НОРМОТВОРЧЕСТВО

**54**

НОВЫЙ ЭТАП

ВНУТРИОРГАНИЗАЦИОННАЯ  
СТРУКТУРА АППАРАТА  
ПАРЛАМЕНТА КАК МЕХАНИЗМ  
ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
ЗАКОНОТВОРЧЕСКОГО ПРОЦЕССА

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

**57**

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ  
МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРИНЦИПОВ  
ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРАВОСУДИЯ,  
КАК ОСНОВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ  
ВЛАСТИ И СУДЕЙ

**60**

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О  
РЕГУЛИРОВАНИИ ТРУДА  
СПОРТСМЕНОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

ANALYSIS

**62**

NEW TYPES OF EXPERTISE AS  
THE BURNING ISSUE OF THE  
CURRENT TIME

**63**

ҲУҚУҚШУНОС ЁН ДАФТАРИДАН

“ҲАҚИНИ БЕРМАСАНГ, ИТИНГ ҲАМ  
ЎЗИНГГА ҚАРАБ ҲУРА  
БОШЛАЙДИ.”

*Маънавият, одоб ва масъулият жамият тараққиётига пойдевор бўладиган энг муҳим омиллар сирасига киради. Маънавиятли ва маърифатли инсон ҳеч қачон ёмонликка, ёвузликка қўл урмайди. Аксинча, ҳар доим эззулик тарафида бўлади. Инсонни маънавият ва маърифатга китоб ошно қилади.*

# МАЪНАВИЯТ, ОДОБ ВА МАСЪУЛИЯТ – СУДЪЯНИ АДОЛАТГА ЧОРЛАЙДИ

*Яқинда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан нашр этилган “Судья маънавияти, одоби ва маърифати” деб номланган китоб судьяларни адолатга чорлаши шубҳасиз.*

*Куйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатда мазкур китобнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида Парламент аъзолари, Судьялар олий кенгаши судьялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутасаддилари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари билан батафсил танишасиз.*

### Хуршид ДЎСТМУҲАММАД:

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ёзувчи:*

– Китоб моҳиятан судья фаолиятида ниҳоятда муҳим бўлган маънавият, одоб ва масъулият борасида муфассал сўз очади. Унда яқин ва узоқ тарихимизда қозилик ишларининг қандай ташкил этилганлиги, қозилик лавозимига тайинладиган инсонга қўйилган талаблар батафсил очиб берилган. “Навоий наздидаги қози”, “Боболар тафаккуридаги адолат”, “Қозининг ҳалоллиги” боблари менда жуда катта таассурот қолдирди. Китоб саҳифаларида келтириб ўтилган ибратли ривоят, ҳикоят, нақл, масал ва маталлар ҳар қандай инсонни мулоҳаза қилишга чорлайди.

Маънавият-маърифат онгли инсонни ҳар қандам, ҳар нафасида таъқиб этади, имтиҳон қилади, синовдан ўтказилади. Ҳукм ёзишга чоғланган судьянинг маънавий-маърифий сўрови “кульминация” – авж пардага кўтарилади. Судьянинг зиммасидаги имтиҳон-синовнинг юки юз, минг қарра оғирлашади.

Бу сўз ва таърифлар муболаға эмас, чунки гап ўқилажак ҳукмнинг нақадар мутлақ ҳаққонийлиги, адолатлилиги ва холислиги ҳақида бормоқда. Мутлақлик ва нисбийлик ўртасидаги мувозанатни топиш нечоғлик мураккаблиги ҳақида бормоқда.

Судья – касби нуқтаи назаридан ана шундай ғоятда мураккаб ҳолатда фаолият юритувчи шахс. Унинг ҳукм-хулосаси, юриш-туриши, гап-сўзи, муомала маданияти, ҳатто кийинишигача, пировардида, жамиятнинг соғломлашувида, одамларнинг туриш-турмуши фаровон бўлишида, мамлакатнинг тараққиётида, адолатнинг қарор топишида бемисл аҳамиятга эга. Китобдаги барча фасллардан ўрин олган мақолаларда бошланишидан охирига қадар



судьялик касбининг тарихий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, эътиқодий, ахлоқий ва ҳоказо қирралари хусусида сўз юритилар экан, эзгу мақсад-муддао ҳам, истагимиз ҳам битта – у ҳам бўлса, судьяларимизнинг ҳозирги ўзгараётган, янгиланаётган, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлаётган жамиятимизга муносиб бўлишларига эришмоқлик! Бошқача айтганда, судьялардан комил инсонларга хос фазилатлар мужассам бўлиши талаб этилмоқда, маънавият ва маърифатда мукамаллик мақомлари сари юксалиш эҳтиёжи орта бораётгани таъкидланмоқда, уқтирилмоқда.

Ниҳоятда самимий руҳда ёзилган мақолалар мутолааси судьяларимиз тафаккури, дунёқараши ва албатта, касбий малакаси ҳамда инсоний ахлоқининг тобланишида яқин ёрдамчига, маслаҳатчига ва амалий кўмакчига айланиши муқаррар. Зеро, том маънодаги адолат инсонни севишгина эмас, балки уни тушуниш, тушунган ҳолда ўзга инсон устидан холис ҳуқуқий ҳукм чиқаришдан иборатдир.

**Усмон Азим,**

*Ўзбекистон халқ шоири:*

– Тўғриси айтсам китоб қўлимга тушганидан кейин судьяларимиз учун азборойи мажбурият туфайли чиқарилган одатдагидек ҳуқуқий мавзудаги бир китобда, деб ўйладим. Фурсат топилганида варақлаб дастлабки бобларидан бири – “Ватанни севмаганлар, биздан эмасдирлар”ни ўқиб чиқсам, янглишган эканман. Китоб мен ўйлагандан мутлақо бошқача руҳда, бошқача ёндашувда ёзилган экан. Китобнинг ушбу бобида инсоннинг қалбига таъсир кўрсатадиган қуйидаги фикрлар берилади: **“Кишининг ўзи таваллуд топган тупроғи, эл-юртига садоқати улўф одамийлик белгисидир. Одам боласига ўзидан ортиб, ватан, эл-юрт манфаати ва равнақи йўлида меҳнат қилиш имконияти берилганининг ўзиёқ – англаганга олий саодатдир. Ким қайси касбда ишлаганга олий саодатдир. Ким қайси касбда ишлаганга ўз ҳиссасини қўшиши, ўзини камарбаста қилиши, ҳар ишдаки ҳолислик, ҳалоллик ва садоқатини намоеъ қилиши – элпарварлик ва ватанпарварликнинг энг ёрқин кўринишидир. Судья ўзини вояга етказиб, билимли қилиб судьялик ваколатини берган ўз халқига садоқатда бошқаларга ўрнатқан бўлмоғи жоиз.”** Бундай фикрлар нафақат судьяга, балки, умрини онгли ўтказаяётган ҳар қандай инсонга жиддий таъсир қилади. Ўйлашга, мушоҳада юрийтишга ундайди. Ёки китобнинг айнан шу саҳифаларида келтириб ўтилган “Кимки бир кеча-кундуз Аллоҳ йўлида Ватанини қўриқласа, худди бир ой кундузи рўза ва кечаси ибодат билан ўтказгандай ажрга эга бўлади” ҳадиси Ватанга нисбатан жуда катта меҳру-муҳаббатни пайдо қилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодийёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**

*Судьялар олий кенгаши раиси:*

– Бугунги ўзгараётган жамият судьяларнинг олдига ҳам жуда катта вазифаларни қўймоқда. Янгича яшаш, янгича фикрлаш, ҳаётга янгича муносабат билан қарашни тақозо этмоқда. Бунинг учун судья нафақат ўз соҳасининг билимдони, балки кўплаб инсоний фазилатларга эга, ўзи чиқарган суд ҳужжатлари бўйича тўла жавобгарликни ҳис қиладиган, бир сўз билан айтганда, юксак маънавиятга эга инсон бўлиши лозим. Зотан, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда адолат билан маънавият ўзаро чамбарчас тушунчалардир.

Дарҳақиқат, инсоннинг маънавий юксалиши китобдан бошланади. Шундан келиб чиққан ҳолда “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” номи китобни тайёрлаш устида узоқ вақт ишланди. Китобни тайёрлаш учун тузилган ижодий гуруҳ таркибига таниқли адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, қозилик тарихи устида тадқиқот олиб борган мутахассислар,



устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодийёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Табиийки, инсон – ана шу тана ва руҳ бирлигидан иборат. Унинг бирини деб иккинчисини қурбон қилиш асло мумкин эмас. Аммо бу иккаласининг уйғунлигига эришиш осон иш эмас. Буни хоҳ бир шахс, хоҳ бутун бир жамият мисолида олиб қарасак ҳам, ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа экани аёнлашади. Шунга қарамасдан, инсоният ҳамиша комилликка интилаверади. Ҳар бир макон ва замон бу олий даражани мақсад ва муддао қилаверади”. Дарҳақиқат, “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китоби судьяларимизнинг маънавий юксалишига амалий кўмак беради.

Менга энг маъқул бўлган жиҳатларидан бири, ушбу китобга судья бадий ижод билан ошно тутиниши лозим деган гоё сингдирилганлиги бўлди. Ҳаёт ҳақиқатларидан бири шуки, бадий ижодга ошно бўлган инсон қалби эзгуликка интилади, ёвузликдан қочади. Китобдан халқимиз ва бошқа қардош халқларнинг улўф шоирлари Махтумқули, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Ўлжас Сулаймонов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева каби шеърят дарғаларининг адолат, ҳақиқат, ҳалоллик ҳақидаги шеърлари ўрин олган.



қолаверса, диний уламоларимизнинг ҳам айримларини жалб этдик. Сабаби, китоб ҳар томонлама юқори савияда тайёрланишини мақсад қилган эдик.

Китобда қадим тарихимизда ўтган машҳур қозиларнинг ҳаёти ва фаолияти, фикршунос олимларимизнинг қозилик ишлари тўғрисидаги қарашлари акс эттирилган. Бугунги кунда судьянинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, судья маънавиятини юксалтиришга таъсир кўрсатадиган омиллар ҳақида диний

уламоларимиз, шоиру ёзувчиларимиз, суд тизимида катта тажрибага эга, обрўли-эйтиборли суд фахрийларимиз фикр-мулоҳазалари баён этилди.

Китоб бежиз судьянинг қасамёдидан бошлангани йўқ. Судьянинг зиммасидаги масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажариши жуда кўп жиҳатдан унинг қасамёдига содиқ қолишига боғлиқ. Қачонки, судья фақат виждонига кулоқ солиб, қонун талаби доирасида қарор чиқарса, албатта у адолатли қарор бўлади. Китобни чиқаришимиздан кўзланган асосий мақсад, судьянинг маънавиятини янада юксалтириш, масъулиятини ошириш орқали одил судловга эришишга кўмаклашишдир. Китобда янги жамиятнинг

судьяси қандай маънавий фазилатларга эга бўлиши лозимлиги, унинг маърифий қарашлари, одоби, давлат ва жамият олдидаги масъулияти мезонлари ҳақида батафсил сўз юритилади.

Судья кўриб чиқаётган низоли ишга ҳуқуқий баҳо бераётганда жуда кўплаб омилларни, иш билан боғлиқ далилларни тош-тарозига солиб кўради, таҳлил қилади. Шу жараёнда биринчи навбатда мантиқий мушоҳада юритиб, ҳар томонлама адолатли ва қонуний қарор қабул қилиши керак. Бунда судьянинг тафаккури кенг бўлиши талаб этилади. Ҳайратангизки, “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китоби судьяларимиз тафаккурининг янада бойишига хизмат қилади.

### **Робахон МАҲМУДОВА,**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари:*

Зиёлилар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида тақдимоти ўтказилаётган “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китоби судьяларимиз фаолиятининг янада такоммиллашувида амалий аҳамият касб этади. Сабаби, унда судьянинг маънавий баркамоллигига ижобий таъсир кўрсатадиган жуда кўплаб фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган.

Узоқ тарихимиздаги қозилик ишларининг ташкил этилиши ҳам диний нуқтаи назардан ҳамда ҳуқуқий томондан таҳлил этилган. Айниқса, унда келтириб ўтилган ривоят, ҳикоят, мақол ва маталлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Китобнинг “Исломда қозилик” деб номланган бобидан ўрин олган “Қозиликни рад этган имом” сарлавҳаси остида берилган ривоятни ўқиб, чуқур ўйга толдим. Ушбу ривоятда келтирилишича, “Ибн Ҳубайра Кўфа шаҳрига ҳоким этиб тайинланганида Абу Ҳанифани қозилик мансабига таклиф этади. Лекин, Аллоҳдан қўрққан, комил имонли, тақволи аллома Абу Ҳанифа, бандаларга зулм қиладиган ҳукм чиқаришдан хавфсираб, бу таклифни рад этадилар. Шу боис кўп азобларга гирифтор бўлиб, қийноқларга солиниб, дарралар урилади. Ҳаммамизга маълумки, Абу Ҳанифа – охирадини бу фоний дунёга алмаштирмаган ҳақиқий тақводор, Аллоҳдан қўрққан буюк фақиҳ эдилар. “Бу



дунёда калтакланишим охирада темир гурзида жазоланишимдан кўра енгилроқ, Аллоҳга қасамки, мени ўлдирса ҳам қозилик қилмайман!” деб жавоб қилган эдилар”. Китобда келтириб ўтилган мана шу биргина ривоятдан ҳам кўриниб турибдики, азал-азалдан ислом динида қозилик лавозимига тайинланадиган инсон илмли, одил, ҳалол, покиза, сабр-тоқатли ва нафсига ғолиб бўлган кишилар орасидан танланган. Энг муносиби судья (қози)ликдек шарафли ва масъулиятли мансабга жалб этилган. Судья (қози)ларнинг одиллиги туфайли фуқароларнинг фаровонлиги ортади. Айтмоқчи бўлган фикрим, мазкур китобда келтириб ўтилган бундай ибратли ривоятлар бугунги судьяларимиз учун судьялик касбининг нақадар масъулиятли эканлигини англатиб туради. Судьяларимиз ушбу китобни кунт билан ўқиб, ундан тегишли хулосалар чиқаришади.

### **Бахриддин ВАЛИЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари:*

– Судьялар олий кенгагининг ташаббуси билан нашр этилган “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Бу китоб мазмун-моҳиятига кўра нафақат судьяларга, балки, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига мўлжалланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Сабаби, китобда маънавий баркамолликка эришишнинг биринчи шарт сифатида нафсни жиловлай олиш масаласи қўйилади. Китоб муаллифлари нафсни қондирмай туриб, яшаб бўлмасликни, аммо нафс эҳтиёжларининг чек-чегарасини билиш лозимлигига алоҳида эътибор қара-



тишади. Ваҳоланки, Давлатимиз раҳбари асосий эътиборларини қаратаётган, бутун жамиятнинг мақсади қилиб белгилаётган коррупцияга қарши курашиш бевосита инсоннинг мана шу нафсини жиловлай билиши билан боғлиқ эканлигини унутмас-



лигимиз лозим. Инкор қила олмаймиз инсон одатда яна ва яна кўпроқ моддий бойликларга эга бўлишга интилаваради. Китобда бунинг учун нима қилиш керак, деган мураккаб саволга жавоб берилади. Китобда ёзилганидек, бу ўта мураккаб саволга ўзбек халқининг қадим замонлардан ҳозиргача бўлган даврдаги не-не буюк зотлари жўяли жавоблар топган. Уларнинг барини умумлаштирсак, инсон бориға қаноат қилиш асосида нафсини тийиши, жиловлаши, тартибга солиши зарур, деган хулоса келиб чиқади. Шундан бошқа оқилона йўл йўқ. Акс ҳолда, одам шарманда бўлади. “Нафсим менинг балодур, ҳар мақомга соладур”, – дейилади яна бир ўзбек халқ мақолида. Хожа Аҳмад Яссавий бобомиз ҳам бизга мана бундай ўғит берадилар:

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур,  
Ётса-турса, Шайтон билан ҳамроҳ бўлур...  
Нафсим мани йўлдан уруб, хор айлади,  
Термултуруб, халойиққа зор айлади.*

Ушбу китобнинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири – давлат хизматчиларини коррупциядан ҳоли ишлашга даъват этади. Эътибор қилсангиз, унда инсон ҳаётининг бутун моҳиятини ташкил этадиган ҳалол яшаш, ҳаромдан ҳазар қилиш борасида буюк боболаримизнинг ҳикматли фикрлари келтириб ўтилган.

### **Сувон МЕЛИ,**

*филология фанлари доктори:*

– Китоб ҳақли равишда “Судьялар адолатининг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим” сарлавҳаси остида Президентимиз Ш.Мирзиёев маърузасидан олинган иқтибосдан бошланади. Зеро, ушбу китобнинг айнан шундай тарзда пайдо бўлиши Давлат раҳбари олиб бораётган халқчил ва адолатли сиёсатга бевосита боғлиқ. “Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак”. Давлат раҳбарининг ушбу сўзи изчил амалга ошаётгани, одамлар қалбида қўрқув уйғотадиган “Жаслык” каби қамқоҳоналар таг-туби билан тугатилиши, турли сабабларга кўра оловли минтақаларга бориб қолган ватандошларимиз, аёллар ва болаларни қутқариш, юртимизга қайтариш бўйича “Меҳр - 1”, “Меҳр -2”, “Меҳр - 3” каби амалиётларнинг бажарилиши сингари кўплаб меҳр-муҳаббат тадбирлари мисолида ўз исботига эга бўлиб турибди.

Китоб чиндан ҳам қомусий характер ва кўламга эга. Ундан судьялик институти борасидаги давлат сиёсатидан бошлаб, маънавият, адолат борасидаги азалий қарашлар, қозилик мақоми ва масъулияти ҳамда ўтмишда ўтган кўплаб қозиларнинг донишмандона ҳукмлари ҳақида талай ибратли ва қизиқарли воқеалар ўрин олган. Китобдаги айрим фасллар номларини санашнинг ўзиёқ у ҳақида муайян маълумот беради:

*“Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”*

Мулоҳазаларимни китобнинг 41-саҳифасидан ўрин олган семизлик фожеаси тўғрисидаги ривоят билан яқунламоқчиман. Хулоса эса, ўзингиздан:

Алишер Навоий меросида бир ҳикоят бор. Унда сўзланишича, бир зўр паҳлавон бор эди. Ҳунарсизликда яккаю ягона эди. Эрталаб ўн коса, кечқурун яна шунча овқат ер эди. Бу икки пайт ўртасида яна шунча таомни кўрдим демай, уриб олар эди. У шунчалик кучли эдики, ҳатто, маст филга ҳам шикаст етказа олар эди.

Кунлардан бир куни мамлакатда ҳолат ўзгарди. Одамлар яшаб турган ерларини вақтинча ташлаб, бошқа юртларга қочиб кетишга мажбур бўлди. Йўл қийинчиликларидан беҳабар бу паҳлавон ҳам ҳамма қатори йўлга тушди. Йўл узок эди. У яйдоқ чўллардан ўтар эди. Одамлар у-бу нарса еб олиши учун ҳеч вақо йўқ, бу бепоён даштда бирор егулик топиш амри маҳол эди. Бўкиб-бўкиб овқат еб ўрганган паҳлавон биринчи кунданок ўз ҳолига аза тутишга киришди. Иккинчи куни танида мадори қолмади. Учунчи куни эса, ана шу дашту биёбонда жон таслим этишга мажбур бўлди. Аммо вақтида ўз нафсини тийиб юрган бошқа одамлар яна икки-уч кунлик машаққатдан кейин сабр-тоқат билан мақсадларига эришди, яъни дон-дуни, мева-чеваси кўп бир обод манзилга етиб келишди. Ҳолбуки, булар орасида ёш болалар ҳам, ҳатто, қадди букилган қари кишилар ҳам бор эди...



*“Одил судлов маънавияти ва одоби”*

*“Нафс, жисм, руҳ”*

*“Навоий наздида қози: у қандай бўлиши керак?”*

*“Исломда қозилик”*

*“Аждодлар мероси, масал, нақл ва ривоятлар”*

*“Биз билган ва билмаган қозилар”*

*“Бадиий адабиётда адолат талқини” ва ҳоказо.*

Тақдимоти қилинаётган китоб маъно-мазмунидан ташқари (аслида бу, маъно-мазмун ушбу безаклар билан мукамал) дизайн, яъни материалларини бадиий жиҳатдан лойиҳалаш, жойлаштириш жиҳатдан ҳам алоҳида диққатга сазовор. Ҳар бир саҳифанинг ўнг ва чап ҳошиясида судьялар махсус кийими (мантия) даги нақшинкор безакдан устун минора ёнма-ён бўш саҳифани гўё кузатиб турибди. Деярли барча саҳифаларининг ост қисмида алоҳида, ўзига хос безакли шакл ичидаги ҳикматли сўзлар адолат, ҳақиқат ва эзгулик ҳақида сўзлайди, китобхонни чуқур хаёлларга етаклайди. Шулардан бирини келтирамиз “Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хор-у зор!(Сукрот):

Саҳифаларда асосан оч яшил ва кўк ранг етакчилик қилади. Жигар ранг четлари букланиб бужмайган қадимий қоғозларда устувор бўлиб, уларда битилган ҳикматлар эса кўҳна, лекин ҳамиша барҳаёт бўлган ҳақиқатлардан сўйлайди. Хуллас, ҳар бир ранг саҳифада ёзилган сўзлар маъносига ҳамоҳанг. Эзотерик

### Олим ТОШБОЕВ,

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:*

– Мутафаккир шоир Абдулла Ориповнинг:

*Эшитган эдимки, ярадор оху*

*Излармиш тоғлардан мўмиё – нажот,*

деб бошланадиган шеъри бор. Оху захмига мўмиё малҳам бўлгани каби адолат, ҳақиқат излаганга суд идораси бамисоли нажот қалъаси бўлиб кўринади. Чунки одам боласи оч, юпун яшашга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди, деган ҳаёт ҳақиқати бор.

Давлатчилик пайдо бўлгандан бери фуқаро адолат излайди. Топганидан йўқотгани кўп бўлган элимиз учун ўтган тузумлар, сиёсату мафкуралар даврида адолат эшиги гоҳ тақа-тақ ёпилди, гоҳ адолат истаганларга тухмат ёрлиғи ёпиштирилди. Мазлумлар Парвардигорга нола қилиб ўтган давр ҳали биздан узоқ кетган эмас.

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” номли китобни содиқ ҳамроҳ дегим келди. Таниқли зиёлилардан тузилган ижодий гуруҳ меҳнати зое кетмаган дейишга асосларимиз бисёр. Мазкур китобни иймонга, эътиқодга чорлов, огоҳлик кўнғироғи дейиш мумкин. Китобда Қуръон оятлари ва ҳадислардан келтирилгани таҳсинга сазовор. “Эй Одам фарзанди, билгинки, Мендан бошқа ёрдамчиси йўқ бечораҳол одамга зулм қилганларга нисбатан ғазабим қаттиқ” деган ҳадиси қудсийни англаган судья мезон борлигини, сўроқ-савол ҳақлигини унутмайди.

Тўплам нафақат судьялар, юридик йўналишда таълим олаётган талабалар учун муҳим кўлланма, балки афкор омма учун ҳам бирдай қизиқ ва фойдалидир. Адабиёт, тарих, фикҳ, мусулмон шарқи ҳуқуқшунослиги сарчашмалари, азиз-авлиёлар ҳаётига оид ўнлаб ҳикоят-у ривоятлар, халқ мақоллари-ю файласуфлар фикрлари ҳар қандай талабчан китобхонни бефарқ қолдирмайди. Китоб соҳа мутахассислари билан бир қаторда, жамиятдаги ҳар бир онгли одамни хайрли амаллар қилишга ундайди. Илми кўп, аммо амали кам халқлар қатори эҳсон деганда асосан жонлиқ сўйиб, элга ош тарқатишнигина тушунадиган бўлиб қолдик.

### Аблқосим Рузиқулов,

*Сурхондарё вилоят суди раиси:*

– “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобини ўзгача бир мароқ билан ўқиб чиқдим. Китобнинг биринчи саҳифаларидан бошлаб, охирига қадар ундан жой олган барча мақола ва материалларда, ҳаттоки расмларда ҳам судьялик касбининг диний, тарихий, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий қирралари хусусида батафсил фикр-мулоҳазалар юритилади. Гап

илмлардан маълумки, ҳар бир ранг ўз ифори ва маъносига эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур асар судьяларимиз учун ажойиб маънавий маърифий қўлланма, иш столидан муқим ўрин оладиган ноёб бир китоб бўлгани шубҳасиздир. Ҳаммамизга муборак бўлсин.



Ҳолбуки, аждодларимиз бурун “Икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этиш – эҳсондир” деган суннатга қаттиқ амал қилган.

Ҳаммамиз яхши биламиз: Ҳолливуд-у Болливуднинг аксарият фильмларида адолат истаган фуқаронинг судда голиб чиқиши таъсирчан лавҳаларда кўрсатилади. “Фақат ҳақиқатни сўзлайман...” дея онт ичган гувоҳ, мазлум ва ситамгар тўқнашуви, судьянинг адолат тарозисини тўғри қўйгани оқибатида ҳақиқат тантана қилгани томошабинни жунбишга солади. Инсон онгига кучли таъсир этувчи восита бўлмиш кинода муайян гоё илгарди сурилиши аён ҳақиқат. Шу маънода, мазкур китоб тарғиботи борасида таклифим тарих ва бугунни уйғунлаштирган кўп қисмли ҳужжатли, бадиий фильм яратиш ва уни телеканаллар-у ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб этиш зарур. Сир эмас, бугунги ёшлар виртуал оламни, визуал ҳақиқатларни хуш кўради. Китобдан ўрин олган илмий-тарихий, адабий далиллар фильм сценарийсини бойитиш билан бир қаторда, бизнинг болалиқдаги тасаввурларимизга ҳам жуда уйғун. Ахир, қозилар адолат тимсоли ўлароқ тасвирланган эртақ ва ривоятларни ўқимаган ўзбек бор эканми?!

Тўпламда судья бадиият билан ошно бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланади. Ҳақрост, маърифатли, китобхон судья шайтоний васвасага берилмайди, нафс илгида қолмайди. Билимли ва журъатли судьядан дастурлаштирилган робот яшаш жуда мушкул. Янги Ўзбекистонга шахс бўлиб шакланган судьялар керак.



шундаки, қуруқ гап-сўзлар эмас, тарихда рўй берган ҳаётий воқеликлар, ривоят ва афсоналар ибрат намунаси сифатида таҳлил этилган. Тарихий далиллар бежиз келтирилмагани яққол кўриниб, билиниб турибди. Китобнинг барча саҳифаларида бугунги кундаги судьяларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларга, янгилиниб бораётган Ўзбекистонга ҳар томонлама муносиб бўлишга улкан даъват бор. Китобни мутолаа қилиб менда шундай хулоса пайдо бўлдики, маънавият ва маърифат ҳар бир шахснинг камолотида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунчаларни ҳар бир судья теран англаб олиб, ҳаёт тарзида ва иш фаолиятида қатъий амал қилиши лозим, деб биламан.

Китобда ҳар бир инсон билиши шарт бўлган маънавият ва маънавиятсизлик, бамаънилик ва бемаънилик, ҳалол ва ҳаром тўғрисидаги ўта муҳим ҳаётий тушунчалар содда ва раван тилда изоҳлаб берилган. Унда ёзилишича, маънавий тарбияда икки муҳим жиҳат бор: биринчиси – нималарнидир амалга оширишга ундаш, иккинчиси – нималардандир тийилиш. Демак, инсон ҳамиша эзгуликка интилиб яшаши керак. Аксинча, бировнинг ҳақидан, ҳаром лўқмадан, ғараз ва адоватдан, ёлғондан, кимгадир ёмонлик қилишдан тийилиши керак. Бундай қоидага амал қилмаса, одамлар орасида обрўсиз, бевурд инсонга айланади.

Шу ўринда китобда акс этган инсоний фазилатлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Яхши фазилатларнинг энг асосийларига иймон,

сабр-қаноат меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, садокат, ҳалоллик, поклик, андиша ва ҳоказолар киряди. Бундай фазилатлар кишини ҳар тарафлама беаъди, унинг эл орасидаги обрўи, ҳурмат-эътиборини оширади.

Ўз навбатида ҳаётда учраб турадиган баъзи бир ўғрилиқ, текинхўрлик, таъмағирлик, порахўрлик, сотқинлик, бевафолик каби иллатлар ҳақида ҳам сўз боради. Улар кишини обрўсизлантиради, ҳурматини пасайтиради, бадном қилади. Киши феъл-атворидаги бундай хато ва камчиликлардан ёшлиқ чоғлариданоқ фориф бўла бориши зарур. Акс ҳолда, у шу ёмонликларга ўрганиб қолади. Кейин улардан қутулиши жуда оғир кечади. Китобдаги “Адолат тарозусидаги тош” мақоласи менда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатдан ҳам судья ижтимоий ҳаётда кўплаб соҳаларни билиши талаб этилади, суд жараёнида у турли соҳаларга тааллуқли низоларни кўриб чиқади. Судда томонлар билан савол-жавоб қилади. Бу жараёнда судья иш билан боғлиқ ҳамма далилларни ўрганиб, адолатни қарор топтириш учун чуқур фикрлаши керак. Судья кенг билимга эга бўлса, кўрилаётган масала бўйича ҳам мутахассисдек фикрлаб, асл ҳақиқатни юзага чиқара олади. Шундагина ўша соҳа вакиллари ҳам қарорнинг адолатли бўлганига ишонади, давлатдан норози бўлмайди. Бунда судьяга қўл келадиган энг катта кўмакчи китоб эканлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобининг судья фаолиятидаги ўрни ниҳоятда муҳим.

### Дусмурод ТОШЕВ,

*Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро  
маъмурий судининг судьяси:*

– Куни кеча бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан ўзаро суҳбат асносида қадимда қозилик ишларининг ташкил этилиши тўғрисида баҳс-мунораза вужудга келди. Бирдан судьяларимиздан бири биз тортишаётган масаланинг ишончли ечими яқинда чоп этилган “Судьянинг маънавияти, одоби ва масъулияти” китобида ишончли тарихий далиллар билан очиб берилганлигини айтиб қолди. Судья иш столи устида турган китобнинг 135-бетидан жой олган “Биз билган ва билмаган қозилар” сарлавҳасидаги мақолани ўқисак, ҳақиқатдан ҳам биз тортишаётган масаланинг энг тўғри ечими тарихий китобларда келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлдик. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, мазкур китоб ишончли далилларга асосланган жуда катта манба бўлди. Алоҳида таъкидлашни истардимки, биз судьялар бу манбага тез-тез мурожаат қилиб туришимиз керак. Вақти-вақти билан бу китобни мутолаа қилиб туришимиз шарт. Нега? Нима учун? Чунки, судьянинг маънавияти юксак бўлмаса, масъулияти ва одоби талабга жавоб бермаса жамият ҳеч қачон тараққий этмайди. Айниқса, ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа чиқарадиган, адолатни қарор топтириш масъулияти юкланган судьянинг маънавияти, маърифати, масъулияти давлат ва



жамият тараққиётида бениҳоя залворли аҳамиятга эгадир.

Китобнинг “Устоз ўғити” бўлимидан мустақил Ўзбекистон суд тизими тараққиётига катта ҳисса қўшган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, устозимиз Убайдулла МИНГБОЕВнинг судьяларга қарата айтган истаклари жой олган. Унда одил судлов маданияти ва одоби қандай бўлиши керак, деган саволга устоз ўзининг жуда катта ҳаётий ва судьялик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради. Убайдулла Қурбоновичнинг ҳаётий ўғитларидан айримлари келтириб ўтмоқчиман:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини муқаддас билинг ва уларга доимо, ҳар бир ишда қатъий риоя қилинг;

- ўзингизда ватанпарварлик туйғусини тарбияланг;

- Ватанга ва халққа бўлган садоқатингиз ҳар бир ҳаракатингизда намоён бўлсин;

- фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишни тўлиқ таъминлашни энг асосий бурчингиз деб билинг ҳамда бу ишда фидойилик кўрсатинг;

- хизматда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам қонунни тўғри, тўла адолатли қўллашга эришинг, ўзгаларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилинг, шунингдек, зарурат туғилганда ўзингиз ҳам қонун ҳимоясида бўлинг;

- фуқаролар, давлат ва жамият олдидagi масъулиятингизни чин юракдан ҳис этинг;

- Судьялик қасамёдига ва Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси қоидаларига содиқ қолинг, уларни бузишдан қўрқинг, бузганлардан ҳазар қилинг;

- ҳар қандай қонун бузилишига нисбатан мурасиз, қонун номидан яшиндай шиддатли, шамширдай кескир муносабатда бўлинг.

Хулоса қилиб айтганда, “Судьянинг маънавияти, одоби ва масъулияти” китобини биз судьялар нафақат ўқиб чиқишимиз, балки бошидан охиригача ўқиб олишимиз керак.

### **Баҳодир ҚАЮМОВ,**

*жिनоят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси:*

– Қисқа муддат ичида кўпчилик судьяларнинг севимли китобига айланган “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти”нинг илк бобларидан бири – “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди” деб номланади. Ушбу бобда тараққийпарвар давлат ҳамда кучли жамиятни ифодалайдиган ўта муҳим тушунчалар “маънавият ва адолат” бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги, уларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги тўғрисидаги мулоҳазалар баён этилади. Ростдан ҳам қадим тарихимизда ота-боболаримиз адолатни ҳаётнинг бош маъноси, тараққиётнинг таянч нуқтаси деб қараб, уни “ҳалоллик”, “инсонпарварлик”, “уят”, “ор-номус” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тушунган. Бундай мўтабар тушунчалар эса, маънавий баркамолликнинг белгиси бўлиб ҳисобланади. Ушбу китобда ниҳоятда тўғри урғу қаратилганидек, донишманд ота-боболаримиздан қолган мана шу эзгу анъананинг мантиқий давоми сифатида адолатни қарор топтириш Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналиши, давлат ва жамият олдида турган энг асосий вазифа деб белгиланди. Таъкидланганидек, адолатни қарор топтириш учун судья нафақат қонунни ва уни қўллашни яхши биладиган билимли мутахассис, балки кўплаб инсоний фазилатларга эга, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждон амрига кулоқ тутадиган, ўзи чиқарган қарор бўйича тўла жавобгарликни ҳис қиладиган, бир сўз билан айтганда, юксак маънавиятга эга инсон бўлиши керак. Зеро, маънавияти юк-



сак, иродаси мустаҳкам инсон адолатсизликка йўл қўймайди.

Судьялар олий мактабида бўлиб ўтган тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси раиси Убайдулла Мингбоев, Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азим, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров, филология фанлари доктори, профессор Сувон Мели, таниқли олим Олим Тошбоев ва бошқа шоир-ёзувчилар сўзга чиқиб ушбу китобнинг амалий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Мазкур китоб судьяларимизнинг маънавий қарашлари бойиши, касб фаолиятидаги масъулияти ошиши ҳамда одоби юксалишига амалий таъсир кўрсатишига аминман. Зеро, Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши шарт.”



**Тошкент шаҳар, Тошкент туманлараро маъмурий суди раиси Сухроб ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

# ҚАРҒАЛАР СУДИ

Қарға қушлар ичида энг зийрак ва маккор қушлардан биридир. Бунга сабаб қарганинг мияси бошқа қушларникига қараганда каттароқ эканлигидир.

Олимлар бу қушларнинг ҳаёт тарзини ўрганиш жараёнида қизиқ нарсаларга дуч келдилар. Қарғалар тўдасида бошқа айбдор қушларга нисбатан суд жараёни бўлади. Унда оила ва тўда қонунларига бўйсунмаган ахлоқсиз қарға суд қилинади. Қизиғи шунда-ки, бу суд Аллоҳнинг марҳамати ила, адолат билан олиб борилади.



Қарғалар жамоасида ҳар бир жиноят учун муайян жазо белгиланган. Масалан, ёш полапоннинг оғзидаги емишини тортиб олган ёши катта қарганинг патлари юлинади. Жабрланган томон жиноятчи қарганинг патларини шу қадар юлиб ташлашадикки, натижада жиноятчи қарганинг ўзи полапондек учолмайдиган ҳолга келиб қолади.

Бошқа бир қарганинг инини золимларча эгаллаб олган ёки уни бузган қарғаларга суд томонидан жабрланган қарғага янги ин қуриб бериш жазоси тайинланади. Бошқа қарганинг ургочи жуфтига тегажоглик қилган қарға ўлим жазосига маҳкум этилади. Ургочи қарганинг тарафдорлари жиноятчи қаргани то ўлгунича тумшуклари билан чўқишади.

Қарғалар маҳкамаси бирор кенг дала ёки майдонда олиб борилади. Аввал маҳкама аъзолари белгиланган жойга келишади. Сўнгра, айбдор қарға қўриқчилар назоратида майдонга келтирилади. Суд жараёнида айбдор қарға қанотларини тушириб, бошини куйи солиб, айбини тан олгани учун жим туради. Агар маҳкама томонидан жиноятчи қарғага ўлим жазоси белгиланса, ҳамма қарға уни тумшуги билан чўқиб ўлдиради. Ўлгандан кейин бир қарға ўлган қарға жасади сизадиган чуқурни тумшуги билан қазийди. Кейин барча қарға жиноятчи қаргани қўмади.

Интернет материалларидан  
олинди.



**Комил  
СИНДАРОВ,**  
юрidik фанлар  
доктори

## НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН, ЛЕКИН...

*Никоҳ қанчалик тарафларнинг ўзаро розилиги ва эркин-лиги асосида барпо этилмасин, агар оила батамом барбод бўлган бўлса, ҳеч ким ушбу оилани никоҳ муносабатларини давом эттиришга мажбур қила олмайди.*



**Махлиё  
УСМОНОВА,**  
Судьялар олий  
мактаби мустақил  
изланувчиси

Никоҳдан ажралиш асослари Оила кодексига белгиланган бўлиб, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади<sup>1</sup>. Бунда эр ва хотин узоқ муддатдан буён бирга яшамаслигини, бошқа оила куриб яшаётганлигини, улар ўртасида бир-бирига бўлган ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш каби инсонийлик фазилатлари батамом тугаганлигини, эрнинг (хотиннинг) инсонийлик хислатларига ёт бўлган қилмишларни содир этиши, сурункали жанжаллар натижасида болаларнинг руҳияти бузилиши ва уларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инobatга олиб судлар никоҳдан ажратишни мақсадга мувофиқ деб топади.

**Хориж мамлакатлари билан қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, Япония Фуқаролик кодексига 5 та асослардан бирининг мавжуд бўлиши эр ва хотиннинг суд томонидан никоҳдан ажралишига асос бўлади:**

- Турмуш ўртоғи хиёнат қилганда (770-модда);

- Турмуш ўртоғи уни ёмон ниятда ташлаб кетган бўлса (752-модда) (ушбу тушунча тегишли сабабларсиз биргаликда яшаш, яшаида ҳамкорлик қилиш ва ёрдам бериш мажбуриятини бажаришни рад этишни англатади.<sup>2</sup>);

-Уч йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида турмуш ўртоғининг тирик ёки ўлиги аниқ бўлмаса (770-модда 3-банди);

-Турмуш ўртоғи оғир руҳий хасталикка чалинса ва бу касалликни даволашнинг имкони бўлмаса (770-модда 4-банди);

-Никоҳни давом эттиришни қийинлаштирадиган бошқа жиддий сабаблар мавжуд бўлса.<sup>3</sup>

Японияда никоҳдан ажралишнинг бир неча кўринишлари мавжудлиги ҳақида маълумот берилган.

Хусусан, Х.Насимов ва Г.Мамаримовалар ўзларининг “Никоҳ: миллий ва хориж тажриба”

номли ахборот таҳлилий мақоласида Япония Фуқаролик кодексининг 763-766-моддаларига асосан никоҳдан ажратишнинг икки, яъни кий-ёгижоуни рикон (ўзаро розилик асосида), сай-бонжоуно рикон (суд тартибида ажратиш)<sup>4</sup> каби турини келтириб ўтади.

**Яна бошқа манбага кўра, никоҳдан ажратиш Японияда 3 туркумга бўлинади:**

-協議離婚 (кёги рикон), тарафларнинг ўзаро розилиги асосида ажралиш. Бунинг учун ажралиш тўғрисидаги гувоҳнома (離婚届 / рикон тодоке) талаб қилинади, уни тўлдириш учун Япониянинг исталган шаҳар ҳокимлигидан олиш мумкин. Айтиш жоизки, ажралиш тўғрисида турмуш ўртоқлар фақат никоҳдан рўйхатдан ўтган шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилиши мумкин.

-調停離婚 (тётэй рикон), суд орқали ажралиш. Бундай усулда агар тарафлардан бири никоҳдан ажралишни хоҳлаб, иккинчиси эса хоҳламаса, фойдаланилади. Шундагина Оила суди мазкур ажралишда воситачилик қилади.

-裁判離婚 (сайбан рикон), ёки туман суди томонидан никоҳдан ажралиш. Бу усулда қачонки Оила суди никоҳдан ажралиш процессига эриша олмаса фойдаланилади. Никоҳдан ажралиш ҳақидаги ариза туман судига берилади.<sup>5</sup>

Яна бир манбага кўра, Японияда ажралишнинг тўрт тури мавжуд: келишув, ўзаро розилик бўйича ажралиш (協議離婚 Кёуги рикон), Оила судида ушбу судга воситачилик қилиш тўғрисида ариза бериш усули орқали медиация йўли билан яқунланадиган ажралиш (調停離婚 Чўутеи рикон), Оила судида ажралиш (審判離婚 Шинпан рикон) – бу ажралиш воситачилик йўли билан ҳал қилинмаган ҳолда яқунланадиган Оилавий суд томонидан бажариладиган ажралишдир. Туман судининг қарори билан ажралиш (裁判離婚 Сайбан рикон) – бунда агар ажралишни оилавий суд белгилаб бермаса, у ҳолда қарор қабул қилиш учун туман судига ариза берилади

(ҳакамлик судига шикоят қилиш шарт). Иш кўриб чиқилгандан сўнг, қарорнинг нусхаси ва келишув тўғрисидаги гувоҳнома берилади<sup>6</sup>.

Жанубий Корея Республикаси Оила кодексига эса турмуш ўртоқлардан бирининг хиёнат қилиши, шунингдек, турмушни давом эттиришнинг иложи қолмаган бошқа сабабларнинг мавжуд бўлиши никоҳнинг бекор қилинишига асос бўлади<sup>7</sup>.

Хитой Халқ Республикасида никоҳга оид ишларни юритиш тартиби 1980 йилда қабул қилинган Хитой Халқ Республикасининг “Никоҳ тўғрисида”ги қонуни, 1991 йил 9 апрелда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда 2003 йил 1 октябрда қонуний кучга кирган “Никоҳни қайд этиш тўғрисида”ги Йўриқнома билан тартибга солинади<sup>8</sup>.

**Хитойнинг “Никоҳ тўғрисида”ги қонунда Япония, Корея ҳамда миллий қонунчилигимиздан бирмунча фарқли равишда агар эр ва хотиннинг ярашиши имкони бўлмаса ва қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлса, халқ суди томонидан никоҳдан ажратишга розилик берилиши керак:**

*-турмуш ўртоқлардан бирининг бошқа шахс билан турмуш қурганлиги ёки бирга яшаб келаётганлиги;*

*-оиладаги зўравонлик, қўпол муомала, турмуш ўртоғини гаразли ниятда тарк этганлиги;*

*-агар эр ва хотиндан бири такрорий кўрсатмаларга қарамай тузатиб бўлмайдиган қимор, гийҳвандлик ва ҳалокатли бошқа иллатларга ружу қўйганлиги;*

*-ўзаро меҳр-оқибат йўқолганлиги сабабли эр ва хотиннинг 2 йилдан ортиқ муддат давомида алоҳида яшаганликлари;*

*-турмуш ўртоқларнинг ўзаро меҳрини йўқотишга олиб келадиган бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги.<sup>9</sup>*

Шунингдек, агар турмуш ўртоқлардан бири бедарак йўқолган деб топилган бўлса ва бошқа турмуш ўртоғи никоҳни суд орқали бекор қилиш учун мурожаат қилса, никоҳ бекор қилиниши учун рухсат берилиши керак.<sup>10</sup>

Хитой Халқ Республикасининг “Никоҳ тўғрисида”ги қонуни 34-моддасида никоҳдан ажралиш тақиқланган ҳолатлар кўрсатилган бўлиб, унга кўра, эр хотинининг ҳомиладорлик вақтида, бола туғилгандан кейин 1 йил ичида ёки ҳомиладорлик тугагандан кейин 6 ой ичида никоҳни бекор қилишни талаб қилишга ҳақли эмас. Бу эса миллий қонунчилигимиз билан деярли ўхшаш жиҳат эканлигини кўришимиз мумкин.

**Миллий қонунчилигимиз, яъни Оила кодексига ФХДЁ органларида никоҳдан ажрашиш асослари аниқ санаб ўтилган бўлса-да, бироқ**

**суд тартибидан никоҳдан ажралишнинг асослари аниқ кўрсатилмаган. Оила кодексининг 41-моддасида никоҳдан ажратиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.**

Бунда эр ва хотиннинг биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавҳумлигича қолган. Амалиётда ушбу масала судьянинг субъектив фикри билан ҳал қилинмоқда. Қайсидир судья эр-хотин ўртасидаги низони оилани сақлаб қолиш учун асос сифатида қабул қилмаса, бошқаси эса бу низони ўзининг нуқтаи назаридан келиб чиқиб, жиддий асос деб ҳисоблаб, никоҳдан ажратади. Натижада судларда турлича амалиёт шаклланимоқда. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг судларга бўлган ишончи сусайишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда судлар томонидан эр ва хотинни никоҳдан ажратишда 6 ойлик ёки 3 ойлик яраштириш муҳлати бериш амалиёти кенг қўлланилиб келинмоқда. Судлар ўз қарорларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 34-сонли қарорининг 15-бандида назарда тутилган нормани асос қилиб олишмоқда. Ушбу бандга кўра, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига бинан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ва Оила кодекси 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, ярашиш учун берилган муҳлатни жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муҳлат тугагунга қадар кўришга ҳақли.

Хўш, ушбу қоида қанчалик самарали ва улар оилаларни сақлаб қолиш учун нечоғлик хизмат қилмоқда?

Мисолларга мурожаат қилсак: фуқаролик ишлари бўйича судда даъвогар Ф.М.нинг жавобгар Ш.М.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси бўйича 2-1501-2001/21851-сонли фуқаролик иши кўрилган. Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 2007 йил 31 июлда Қува туман ФХДЁ бўлими томонидан 1168-сон билан қайд этилган далолатнома ёзувига асосан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушларидан икки нафар вояга етмаган фарзанд бор. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2021 йил 16 февралдаги ажримига асосан тарафларга ярашиб олиш учун 3 ой муҳлат тайинланган. Холбуки, иш ҳужжатларига кўра, тарафлар 2011 йилдан буён бирга яшамайдилар. Эр-хотинлик муносабатлари ва умумий рўзғор асослари ўша

пайтда тугатилган. Даъвогар 2018 йилда У.Ф исмли аёлга уйланган.

Худди шундай ҳолатни фуқаролик ишлари бўйича суднинг даъвогар Д.Анинг жавобгар Х.А-га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво-си бўйича 2-1501-2006/21300-сонли фуқаролик ишида ҳам кузатиш мумкин. Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар 2010 йил 27 октябрда Фарғона шаҳар 1-сонли ФХДЁ бўлими томонидан 1149-сон билан қайд этилган далолатнома ёзувига асосан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушларидан бир нафар вояга етмаган фарзанд бор. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2021 йил 14 январдаги ажримига асосан тарафларга ярашиб олиш учун 3 ой муҳлат тайинланган. Ваҳоланки, тарафлар 2011 йилдан буён бирга яшамайдилар. Эр-хотинлик муносабатлари ва умумий рўзғор асослари ўша пайтда тугатилган. Даъвогар 2018 йилда Д.Қ исмли шахсга турмушга чиққан.

Юқоридаги мисоллардан кўриш мумкинки, даъвогар судга даъво аризасини тақдим қилишдан олдин бошқа оила қуриб яшаб келмоқда. Шунга қарамай, суд томонидан тарафларнинг ярашиб олишлари учун 3 ойлик муҳлат тайинланган.

Демак, никоҳдан ажратишга оид ишларни кўришда судларнинг эр-хотинга айрим ҳолатларда яраштириш муддатини белгилаши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Хусусан, тарафлардан бири янги оила қурган ва фарзандли бўлган ҳолларда оилани тиклаш имконияти қолмаган бўлади. Бундай ҳолда яраштириш муддатининг берилиши аллақачон барбод бўлган оилани сақлаб қолишга умидсиз уриниш бўлиб қолиши билан бирга янги оила ва фарзандлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлигига дахл қилади.

**Тўрт гуруҳнинг синалиши  
тўрт вақтда бўлур:  
ботирлар шижоати уруш кун-  
ларида;  
аминлар лафзи олмоқ ва бер-  
моқда;  
хотин ва фарзанд вафоси уқу-  
бат ва ҳожат кунларида;  
дўстлар сифати меҳнат ва ма-  
шаққат чоғида.**

**Ҳинд ҳикмати.**

Бизнинг-ча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 2011 йил 20 июлдаги қарорининг 15-банди 1-қисмига қуйидагича тўлдириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: Судлар томонидан эр-хотинни яраштириш учун муҳлат берилганда улар муҳлат бериш учун асос бўлган ҳақиқий ҳолатларни ўрганиши, эр ва хотин ёки улардан бири томонидан бошқа оила қурилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши, борди-ю улар томонидан бошқа оила қурилганда ҳамда фарзандли бўлганларида ушбу ҳолатларни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши ҳамда янги қурилган оилани сақлаб қолиш чораларини кўриши шарт. Бундай ҳолларда суд тарафларга яраштириш муддатини бериши талаб этилмайди.

Бу биринчидан, судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишларнинг кўрилишида ягона амалиётнинг шаклланишига; иккинчидан, ишларнинг асоссиз чўзилишига чек қўйишга ва ўз вақтида кўриб, ҳал қилинишига; учинчидан, собиқ эр ва хотин ёки улардан бири томонидан қурилган янги оилани сақлаб қолишга; тўртинчидан, собиқ эр ва хотин ёки улардан бири томонидан янги оила қурилиб, фарзандли бўлган тақдирда янги никоҳдаги фарзандларнинг ҳам оила барбод бўлиши натижасида олиши мумкин бўлган руҳий зарбаларга чек қўйишга хизмат қилган бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 41-моддаси
2. Овчинникова, А. Л. Прекращение брака: сравнительный анализ законодательства Российской Федерации и Японии / А. Л. Овчинникова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 25 (263). — С. 329-332. Электрон манба— URL: <https://moluch.ru/archive/263/60910/> (олинган сана: 14.04.2021)
3. Япония Фуқаролик кодекси 770-модда. 明治二十九年法律第八十九号 民法 民法第一編第二編第三編別冊ノ通定ム此法律施行ノ期日ハ勅令ヲ以テ之ヲ定ム明治二十三年法律第二十八号民法財産編財産取得編債權担保編証據編ハ此法律發布ノ日ヨリ廢止ス.
4. Х.Насимов, Г.Мамаримова “Никоҳ: миллий ва хориж тажриба” ахборот таҳлилий материал. ТДЮУ. Тошкент-2019.47-б
5. Тяжёлые последствия разводов в Японии. <https://konnichiwa.ru/page/3307/олинган сана 20,04,2021 й>
6. Семейное право в Японии - [https://ru.qaz.wiki/wiki/Family\\_law\\_in\\_Japan#Divorce](https://ru.qaz.wiki/wiki/Family_law_in_Japan#Divorce). Олинган сана 20,04,2021
7. Корея халқ демократик Республикасининг Оила кодекси 24.10.1990 йил 21-модда
8. Х.С.Насимов, Г.М.Мамаримова. “Никоҳ: миллий ва хорижий тажриба”. Ахборот-таҳлилий материал. ТДЮУ. Тошкент – 2019. 40-б
9. Хитой Халқ Республикаси “Никоҳ тўғрисида”ги қонуни. (Закон принят на 3-й сессии Всекитайского собрания народных представителей 5-го созыва 10 сентября 1980 г.; в Закон внесены изменения в соответствии с Решением “О внесении изменений в Закон КНР “О браке” на 21-м заседании Постоянного комитета ВСНП 9-го созыва 28 апреля 2001 г.) 32-моддаси
10. Ўша жойда.



# СУДЬЯНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ, ДАХЛСИЗЛИГИ, АДОЛАТ УЧУН МУҲИМДИР



**Анвар ҲАМИДОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
ўқитувчиси

**БМТнинг “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”да мустақилликнинг зарурий жиҳати қуйидагича баён қилинган: “Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустақамланади. Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва бунга риоя этишлари шарт.”<sup>1</sup>**

Халқаро судьялар ассоциацияси томонидан тасдиқланган “Судьяларнинг умумжаҳон хартияси” шуни белгилайдики, “Судьяларнинг мустақиллиги қонунга мувофиқ ҳолис, адолатли судловни амалга ошириш учун зарурдир. У бўлинмасдир. Барча миллий ёки халқаро органлар ва ҳокимият органлари ушбу мустақилликни ҳурмат қилиши, сақлаши ва ҳимоялаши зарур.”<sup>2</sup>

Судья ўз касбий фаолиятини амалга оширишида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларга сўзсиз риоя этиши, ҳар қандай ташқи таъсирларнинг олдини олиши, таҳдидлар, босим ва ғайриқонуний таъсир ўтказишга, суд жараёнига бевосита ёки билвосита аралашушга қаршилик кўрсатиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулкий манфаатлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

Судьянинг дахлсизлиги уларнинг одил судловни амалга оширишда ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиш, уларга бу вазифани бажаришда ҳар қандай аралашувга чек қўйишда муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунчиликка биноан Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин, бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьялар дахлсизлиги суд тизимининг қайси бўғинида бўлишидан, қайси турдаги ишни кўришдан қатъий назар барча судьяларга тааллуқли ҳисобланади.

Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.<sup>3</sup>

Судьяларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан белгиладиган рўйхат бўйича сақлаш, олиб юриш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи билан хизмат қуроли ҳамда шахсий ҳимоя воситала-

ри берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзгатилиши мумкин. Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси олинмасдан ва Олий суд Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши шунингдек, тегишли судьялар малака ҳайъатининг ҳулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьяни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга фақат тегишли судьялар малака ҳайъатининг розилиги билан йўл қўйилади.

Судьяга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат унга нисбатан ўта оғир жиноят ёки одам ўлимига сабаб бўлган қасддан бошқа жиноят содир этганликда айб қўйилган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Мазкур қоида судья сифатида ишлаган даврида шундай жиноят содир этганликда айбланаётган собиқ судьяга нисбатан ҳам қўлланилади.

Судья ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган тақдирда, бу ҳақда ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатлар кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда Судьялар олий кенгашига у ушланган пайтдан эътиборан уч соатдан кечиктирмасдан хабар қилиниши шарт.

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлашда мамлакатимиз Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган. // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам. – Тошкент: “Адолат”, 2004. –Б. 110-11.
2. Умумжаҳон судьялар хартияси. Халқаро судьялар уюшмаси. 1999 йил 17 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.



**Зафаржон КЎЧҚАРОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси мустақил изланувчиси

## 27 ФОИЗ ТАЛАБА БАҲО ОЛИШ УЧУН ПУЛ БЕРИШНИ КОРРУПЦИЯ СИФАТИДА ТУШУНАДИ

### АННОТАЦИЯ:

мақолада олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар, муаммолар ва уларнинг ечимлари, сўнгги йиллардаги соҳага оид ўзгаришлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, олий таълим соҳасида коррупция, меҳнат бозори, малакали давлат хизматчиси, коррупциясиз соҳа.

### АННОТАЦИЯ:

в статье анализируются факторы, определяющие актуальность борьбы с коррупцией в сфере высшего образования, изменения в отрасли за последние годы.

**Ключевые слова:** высшее образование, коррупция в сфере высшего образования, рынок труда, квалифицированный государственный служащий, свободная сфера от коррупции.

### ANNOTATION:

the article analyzes the factors that determine the topicality of the fight against corruption in the sphere of higher education, changes in the sphere in recent years.

**Keywords:** higher education, corruption in higher education, labor market, qualified civil servant, free sphere from corruption.

Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш долзарб масала эканлигини кўрсатиб берувчи бир қатор назарий ва амалий муаммолар мавжуд.

**Биринчидан**, олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишга оид миллий доирадаги назарий материаллар, илмий тадқиқотлар мавжуд эмас.

Хусусан, бугунги кунга қадар олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш масалалари илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Бунинг натижасида олий таълим соҳасида коррупция, коррупциявий хавф-хатар тушунчалари, унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа соҳалардаги коррупциядан фарқли жиҳатлари, соҳадаги коррупциянинг шакллари ва таснифи каби муҳим назарий асослар базаси яратилмаган.

Барча амалий натижалар илмий фаолият асосида яратилган назарий манбалар асосида шаклланишини инобатга олсак, бу йўналишда илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш йўналишида илмий фаолиятни ривожлантиришда олий ўқув юртлари ташаббускор бўлиши лозим. Зеро, коррупциядан ҳоли олий ўқув юртида адолатли ва сифатли таълим кафолатланади.

**Иккинчидан**, мамлакатимизда мактаб битирувчиларини олий таълим муассасасига қамраб олиш даражаси паст ҳисобланади.

Жумладан, 2020 йилда эски йилдаги битирувчиларни қўшиб ҳисоблаганда битирувчи номзодларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 12.9 фоизни, бир йиллик битирувчиларнинг ўзини ҳисоблаганда 25 фоизни ташкил қилмоқда<sup>1</sup>.

Бу кўрсаткич Қозоғистонда 54 фоизни, Қирғизистонда 41 фоизни ташкил этса<sup>2</sup>, Япония, Канада, Франция, Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Италия ҳамда Корея Республикасида деярли барча битирувчилар олий таълимга қамраб олинган<sup>3</sup>.

Олий таълимда қамров даражасининг пастлиги битирувчи ёшларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишни камайтиради ва бу ўз навбатида кириш имтиҳонларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этиш, хорижий давлатларга ўқишга кетишнинг ўсиши, ёшларнинг хорижда меҳнат муҳожирларига айланиши, бўш вақти туфайли ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ортиши каби салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

ЮНЕСКОнинг статистик маълумотларига кўра, 2017 йилда Ўзбекистондан чет элга ўқишга кетган талабалар сони 34990 нафарни ташкил этган. Умумий 35 минг талаба хорижда ўртача ўқиш учун 7 минг АҚШ доллари, яшашга 5 минг АҚШ доллар сарфласа, мамлакатдан бир йилда 420 млн., 4 йилда эса 1,68 млрд. АҚШ доллари чет давлатга чиқиб кетаётганлигини кўриш мумкин<sup>4</sup>.

**Учинчидан**, олий таълим муассасаларида таълим сифатининг пастлиги асосий коррупциявий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан 2019 йилда 22 та олий таълим муассасалари таълим сифатини ўрганиш бўйича текширилганда 13 таси шартли равишда ўтказилган бўлса, 1 таси ўта олмаган<sup>5</sup>.

Шунингдек, "U-Report" ижтимоий платформасида ўтказилган сўровномада қатнашган 9227 нафар иштирокчилардан 22 фоизи олий таълимдаги коррупциянинг бош сабаби сифатида таълим сифати пастлигини кўрсатган бўлиб, бу саволда берилган 10 та сабаблар ичида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади<sup>6</sup>.

Таълим сифатига айрим профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Мутахассислар етишмагани сабабли профессор-ўқитувчилар томонидан таянч маълумоти тўғри келмаган фанлардан дарс ўтиш олий таълим муассасасидаги энг оғриқли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мисол учун, 2019-2020 ўқув йили бошида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида жами 30 559 нафар профессор-ўқитувчилар (ўриндошларсиз) фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 1 811 нафари фан доктори, 6 181 нафари фан номзоди, 1 081 нафари фалсафа доктори ҳисобланади<sup>7</sup>. Кўриш мумкинки, барча профессор-ўқитувчилардан 29 фоизи илмий даражага эга кадрлар ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимиз иш билан банд аҳолисининг 0,21 фоизи олимлар ва тадқиқотчилар ҳисобланади, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 0,65 фоизни ташкил қилади<sup>8</sup>.

**Тўртинчидан**, олий таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида кодекс шаклига келтирилмаганлиги уларни қўллада турли қийинчиликлар туғдирмоқда.

Жумладан, соҳада 330 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиб, уларнинг 3 таси қонун, 96 таси Президент фармон ва қарорлари, 231 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳисобланади<sup>9</sup>.

Кўриш мумкинки, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 70 фоизини қонуности актлари ташкил қилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибсиз кўпайиб кетиши бир-бирини такрорлашига олиб келса, соҳада қонуности актлардан кенг фойдаланиш корруп-

циявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунга кўра, таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта экспертизадан ўтказиб, ягона Ўзбекистон Республикасининг "Таълим кодекси"ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Бешинчидан**, олий таълим муассасаларида бошқарув ваколатлари ягона мансабдор шахслар кўлида жамланган бўлиб, халқаро стандартлар асосида ислоҳ қилишга муҳтож.

Жумладан, бошқарув ваколатлари ректор, проректор, декан, декан ўринбосарлари, ҳисобчилар каби алоҳида шахслар кўлида тўпланган бўлиб, ўзаро тийиб турувчи механизмлар мавжуд эмас. Академик доира вакиллари ва талабалар биринчи даражали манфаатдор субъектлар бўлсалар-да, бошқарув фаолиятига умуман жалб қилинмаган.

Коррупцияга қарши курашишда бошқарув ваколатларини тўғри тақсимлаш, вазифаларни махсуслаштириш, бошқарувда барча манфаатдор иштирокчиларни қамраб олиш, ўзаро тийиб туриш механизмларини яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги<sup>10</sup> ПФ-5847-сонли Фармонида ҳам, олий таълим муассасасини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш алоҳида белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, олий таълим муассасаси ташкилий тузилмаларини, айниқса бошқарув ваколатларини тубдан ўзгартириш, вакиллик ва жамоавий бўғинларни ташкил этиш керак бўлади.

**Олтинчидан**, олий таълим соҳасида таълим сифатини назорат қилиш самарадорлиги етарли даражада эмас.

Таълим сифатини таъминлашда назорат функцияси катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлака-



тимиз ва МДХ давлатлари тажрибасида мазкур вазифа алоҳида ягона давлат органлари томонидан амалга оширилади. АҚШ ва Фарбий Европа давлатлари амалиётида эса, олий таълим сифатини таъминлашда нодавлат ташкилотлар хизматидан кенг фойдаланилади.

Жумладан, Буюк Британияда олий таълим муассасасида ички таълим сифатини баҳолаш механизми мавжуд бўлиб, ушбу тизимнинг шаффоф ва адолатли олиб борилишини Таълим сифатини кафолатлаш агентлиги (Quality Assurance Agency) назорат қилади ва агентлик нодавлат ташкилот ҳисобланади<sup>11</sup>.

Олий таълим соҳасида биргина Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг фаолияти билан керакли натижаларга эришиб бўлмайди.

Мисол учун, инспекцияда 108 та штат бирлиги, ҳудудий бўлимларда атиги 2 нафардан 6 нафаргача ходим мавжуд<sup>12</sup> бўлиб, ҳудудидаги барча олий ва ўрта-махсус ўқув муассасалари, мактабларда таълим сифатини таъминлашга уларнинг жисмоний имконияти етмайди. Мисол учун, Наманган вилоятида 695 та умумтаълим мактаблари, 119 та ўрта-махсус таълим муассасалари, 3 та олий таълим муассасаси мавжуд<sup>13</sup>.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида ҳам назорат қилиш ва олий таълим муассасаси рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш белгиланган<sup>14</sup>.

Шунга кўра, муассасаларда сифатли таълимни таъминлашнинг харажатсиз ва самарали йўли нодавлат ташкилотлар хизматидан фойдаланиш ҳисобланади. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақса-

дида нодавлат ташкилотлар фаолиятини кучли назорат қилиши ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши лозим бўлади.

**Еттинчидан**, олий таълим соҳасида талабаларни баҳолаш коррупциявий хавф-хатарлар даражаси юқори бўлган босқич ҳисобланади.

Талабаларнинг зарур билим ва кўникмаларни олиши уларнинг меҳнати, тиришқоқлигига боғлиқ, лекин уларни меҳнат қилишга ундаш учун адолатли ва холис баҳолаш тизими зарур бўлади.

Олий таълим муассасаларида талабаларни баҳолаш тартиби муассаса томонидан эркин танланиши, имтиҳон жараёнларининг жиддий талабчанлик асосида ўтказилмаслиги мазкур босқичда маиший коррупция, фаворотизм, непотизм ҳолатларига олиб келмоқда.

Жумладан, “U-Report” ижтимоий платформасида ўтказилган сўровномада қатнашган 27 фоиз талабалар баҳо олиш учун пул беришни олий таълимдаги коррупция сифатида тушунишини билдирган, бу саволда берилган 10 та коррупция кўринишлари ичида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади<sup>15</sup>.

Шунинг учун, барча олий таълим муассасалари учун намунавий баҳолаш қоидаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Хорижий олий ўқув юртларида мавжуд “Blind assessment” баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур баҳолаш тизимида ўқитувчи ёки экспертлар қайси талабани баҳолаётганлигини билмайди ва номаълум талабани баҳолаш уларнинг ўз вазифасини холис бажаришини таъминлайди.

**Саккизинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни талабларини бузганлик учун таъсирчан жавобгарлик чоралари мавжуд бўлмай, амалда фақатгина масъул шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш билан чекланилади.

Олий таълим соҳасида таъсирчан жавобгарлик чораларини қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари жараёнида қонунбузарлик содир этган шахсларнинг жавобгарлик масаласи очиқ қолиб кетмоқда.

Жумладан, 2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган тест ўтказиш тартибига доир Низом талабларини бузган 465 нафар шахслар синовдан четлаштирилган<sup>16</sup>.

Хорижий давлатларда таълим тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Россия Федерациясининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 19.30-моддаси ўқув фаолиятини олиб бориш ва ўқув жараёнини ташкил этиш талабларини бузиш деб номланиб, 5-бандида “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳужжатларида



белгиланган таълим муассасасига қабул қилиш тартибини бузиш учун жавобгарлик белгиланган. Жарима тариқасида фуқароларга уч мингдан беш минг рублгача, мансабдор шахсларга - йигирма мингдан қирқ минг рублгача жарима белгиланган<sup>17</sup>.

Фикримизга кўра, "Таълим тўғрисида"ги қонун талабларини бузганлик учун миллий қонунчиликда маъмурий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тўққизинчидан**, олий таълим соҳасида квота белгилаш тартиби марказлашганлиги бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, квота сонини белгилашга йилда бир марта эътибор қаратилиши, қарор қабул қилувчи орган берилган маълумотлар асосида квота сонини белгилаши меҳнат бозорининг ҳақиқий талабларига етарлича эътибор қаратилмаслигига олиб келмоқда.

Жаҳон Банкининг таҳлилий маълумотида кўра, мамлакатимиз олий таълим тизими меҳнат ва иқтисодий соҳа билан умуман боғланмаган бўлиб, олий таълим муассасаларида битирувчилар сони талаб этилаётган соҳаларга мувофиқ келмайди.

Хусусан, мамлакат ялпи миллий маҳсулотига хизмат кўрсатиш 47,3 фоиз (ишчилар 40,4 фоиз), саноат 33,5 фоиз (ишчилар 37,7 фоиз), қишлоқ хўжалиги 20 фоиз (ишчилар 21,9 фоиз) бўлса, олий таълим битирувчилари хизмат кўрсатишда 21 фоиз, саноатда 20,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,7 фоиз, бошқа соҳаларда 52 фоизни ташкил қилмоқда<sup>18</sup>.

Хорижий давлатларда квота сонини олий ўқув юртлари мустақил белгилайди. Мисол учун, Грузияда Университет Сенати ўқув йили бошида факультет кенгаши таклифи билан қабул квоталари сонини мустақил белгилаб, Таълим ва фан вазирлигига тақдим этади<sup>19</sup>.

Фикримизча, квота сонини белгилаш ваколатини олий таълим муассасаларига бериш ва Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси ушбу йўналишда назоратни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Унинчидан**, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий олий таълим муассасалари сони жуда кам ва ривожланмаган.

Жумладан, ҳозирда мамлакатимизда 131 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг атиги 9 таси ёки 6,8 фоизи нодавлат олий таълим муассасалари ҳисобланади. АҚШда 3982 та институтлардан 2357 таси ёки 59 фоизи хусусий институтлар<sup>20</sup>, Японияда 782 та университетдан 603 таси ёки 77 фоизи хусусий университетлар<sup>21</sup> ҳисобланади. Жанубий Кореяда хусусий университетлар мамлакатдаги жами олий таълим муассасаларининг 80 фоизини ташкил этади<sup>22</sup>.

Хусусий олий таълим муассасаларининг кўпайиши олий таълим муассасалари ўртасида рақобат кучайишига, бу эса ўз навбатида таълим сифати кўтарилишига хизмат қилади. Энг муҳими хусусий олий таълим муассасаларида сифатли таълимга асосланган бозор қоидаларининг ривожланиши долзарб муаммолардан бири ҳисобланган олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Давлат томонидан олий таълим тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларга қарамадан, соҳада коррупция ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Шунинг учун биринчи навбатда олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш лозим бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, 26.04.2021 йил, 19/10-216095-сонли хат.
2. Олий таълим: муаммо ва ечимлар, республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент – 2020, 82- Б // <https://tsue.scienceweb.uz/article/download>
3. <https://uzbekistan.ureport.in/story/778>
4. <https://www.xabar.uz/talim/ozbekistonda-oliy-talimni-islah-qilish-muammolar-va-takliflar>
5. <https://www.tdi.uz>
6. <https://uzbekistan.ureport.in/story/778>
7. <https://kun.uz/news/2020/06/16/ozbekiston-oliy-talim-tizimi-boycha-statistik-malumatlar-ochiqla>
8. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, "Бюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти, 24 бет // <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/UZB.pdf>
9. <https://lex.uz>
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон // <https://lex.uz/docs/4545884>
11. [https://en.wikipedia.org/wiki/Quality\\_Assurance\\_Agency\\_for\\_Higher\\_Education](https://en.wikipedia.org/wiki/Quality_Assurance_Agency_for_Higher_Education)
12. Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 17.01.2019 й., 07/19/4119/2492-сон // <https://lex.uz/docs/4164675>
13. <http://www.namstat.uz/images>
14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон // <https://lex.uz/docs/4545884>
15. <https://uzbekistan.ureport.in/story/778>
16. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг йиғилиш баёни, "Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш аҳволи ва қонунийликни таъминлашга доир масалалар" – 2019 йил 18 январь // <https://xs.uz/uzkr/post/olij-talimda-korruptsiya-qaj-darazhada>
17. <http://www.consultant.ru>.
18. Final Report of World Bank Group, "Uzbekistan Education Sector Analysis" 2018, page-11 <http://documents1.worldbank.org/curated/en/379211551844192053/pdf/Uzbekistan-Education-Sector-Analysis.pdf>
19. "Law of Georgia on higher education" December 21, 2004, <http://www.mes.gov.ge>.
20. [usnews.com/education/best-colleges/articles/how-many-universities-are-in-the-us-and-why-that-number-is-changing](https://usnews.com/education/best-colleges/articles/how-many-universities-are-in-the-us-and-why-that-number-is-changing)
21. <https://schoolynk.com/media/articles/04766d08-0b58-4a5c-ae93-24423653aaef#:~:text=ln%20total%2C%20there%20are%20782,Universities%2C%20and%20603%20Private%20Universitie>
22. <https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20110-90-919153880>

# БУНИ УМР ДЕРЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида мамлакатимиз тарихида илк бор 56 нафар судьяга “Суд фахрийси” кўкрак нишони топширилди. Муносиб хизматлари билан республикамызда танилган Фарруха Муҳиддинова, Мирза-Улуғбек Абдусаломов, Бахтиёр Жамолов, Узоқ Бозоров, Алишер Мардиев, Зоир Алиев сингари мукофотланганлар орасида Митанбой Равшанов ҳам бор.**



Митанбой ака ҳақида гап кетганда беихтиёр кўнглимдан Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Одам қанчалик ақлли ва юксак даражада бўлса, кибру ҳаво жиҳатидан шу даражада кичик бўлади. Нафсини энг катта шубҳа остида тутадиган инсон ҳам шудир” деган фикрлари кечади.

Пайариқлик М. Равшанов меҳнат фаолиятини хўжаликда оддий ишчиликдан бошлаб, машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини муваффақиятли тамомлаган Митанбой ака меҳнат фаолиятини 1974 йилда Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлимида терговчиликдан бошлади. Кўп ўтмай ишини туман прокуратурасида давом эттирди.

Йиллар оша иш тажрибаси ортган Митанбой ака Самарқанд вилоятининг қатор туман ва шаҳарларида прокуратура тизимида адолат ва ҳақиқатни ўзига шиор билиб, муносиб даражада касбига садоқат билан хизмат қилди.

Судья томонидан чиқарилган ҳукм унинг билими, маънавий дунёси ва тушунчаси қай даражада эканлигини ифода этувчи процессуал ҳужжат ҳамдир. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шуки қонунийликни таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш судьядан мустаҳкам ирода, билим ҳамда юксак савия талаб қилади. Устоз Митанбой ака Равшановдаги ана шу яхши сифат ва хислатлар у кишининг Жиззах шаҳар суди раиси, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси лавозимларида хизмат қилган чоғларида ёрқин намоён бўлди.

– Одам биринчи навбатда ўзини ўзи тарбияламоғи керак, – дейди Митанбой ака ёшлар билан учрашувларда. – Ўз-ўзимизнинг кўнглимизни идора эта олмоғимиз лозим.

Митанбой Равшанов ушбу ҳаёт ҳақиқатини ўзининг турмуши давомида бой тажрибаси орқали идрок этган. Эндиликда ҳаёт тажрибасини шогирдларига сингдирмоқда бу эса уларга ҳаётда, иш жараёнида дуч келадиган синовлардан суринмай ўтишларида қўл келяпти. Гарчи Митанбой ака нафақада кексалик гаштини сураётган бўлсада фаолиятдан тўхтагани йўқ. Шу ўринда Митанбой ака каби Республикамыз фахрий судьяларининг бошини бир ерга қовуштириб,

уларнинг кўп йиллик тажрибаларидан кейинги авлодларнинг баҳраманд бўлишида кўприк вазифасини ўтаётган Республика суд фахрийлари кенгаши хусусида икки оғиз сўз. Кенгаш жойларда турли тadbирлар, ёшлар билан учрашувлар ўтказишда бош-қош бўлмоқда. Жиззах вилояти суди ташаббуси билан ташкил этилган “Уч авлод учрашуви” фикримизга яққол мисол бўла олади. Вилоят судида бўлиб ўтган мазкур тadbирда Жиззах вилояти суд тизимида узоқ йиллар давомида ишлаган фахрийлар, фаолият юритаётган судьялар ва Жиззах юридик техникуми талабаларидан иборат уч авлод вакиллари жам бўлишди. Tadbирда сўз олган Митанбой Равшанов юртимизда фахрийларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида гапирар экан, жумладан, бугунги кунда судьяларга яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар борасида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунинг баробарида суд тизими фахрийларига кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканликларини қайд этди. Одил судловни таъминлаш, қонун устуворлиги ва адолатнинг барқарор бўлиши судьялардан чинакам фидоий, ҳалол ва қатъиятли бўлишни талаб этишини, шу маънода кўпчилик ёш ва бўлажак судьялар фахрийлардан ибрат олиш кераклигига тўхталиб, ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашди.

Айни дамларда Жиззах шаҳар “Ҳуқуқий тарғибот” адвокатлик бюроси адвокати, шунинг баробарида Ўзбекистон Республикаси суд тизими меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказининг Жиззах вилояти бўлимига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилаётган, “Суд фахрийси”, II даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари соҳиби, камтарин ва ҳокисор ҳуқуқшунос Митанбой ака Равшанов бугун кутлуғ 75 ёшни қаршиламоқда. Бу ёш нафақат кексалик, балки инсон умрининг донишмандлик палласидир. Умр давомида тўпланган тажрибалар, ҳаётий хулосалар қаймоғини кейинги авлодларга етказиш палласидир.

Улуғ ёшингиз ва таваллуд кунингиз муборак, азиз устоз!

**Маҳмуд Қўлдошев,**  
суд фахрийси  
**Шуҳрат Худоев,**  
судья

# ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ



**Улуғбек  
БОЗОРОВ,**

Жиззах  
туманлараро  
иқтисодий  
судининг  
судьяси

## АННОТАЦИЯ:

мақолада лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган миллий ва хорижий давлатларнинг лизинг соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари таққосланган ҳамда илғор хорижий тажрибаларни миллий қонунчиликда қўллаш масалалари муҳокама қилинган. Шунингдек, лизинг тушунчаси, лизинг хизматлари ҳажмини кенгайтириш ва янги турларини жорий этиш, лизинг субъектлари доираси ва объектларини янада кенгайтириш, лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** лизинг муносабатлари, лизинг шартномаси, миллий қонунчилик ҳужжатлари, ҳуқуқий тартибга солиш, илғор хорижий тажриба, моддий ва процессуал қонунчилик, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш.

Юсак тараққиётга эга бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида лизинг муҳим ўрин тутган бўлиб, ҳозирда ҳам мазкур шартномавий муносабат кўпчилик давлатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатишида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминланганлик даражасига кўра мамлакатларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Яъни, лизинг шартномаларини мувофиқлаштирувчи махсус қонунларга эга бўлган ва махсус қонунчиликка эга бўлмаган мамлакатлар.

Республикаимиз лизинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунга эга бўлган мамлакатлар гуруҳига киради. Ҳозирги пайтда Республикаимизда лизингни тартибга солувчи қонунчилик лизинг тушунчаси ва унинг таърифи, лизинг шартномаси тушунчаси, лизинг объектлари ва субъектлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, лизинг учун аванс тўловлари, лизинг буюртмаси ва ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари, лизинг тўловлари ва унинг ҳисоб-китоби ҳамда бошқа масалаларни қамраб олган.

У. Маҳмуджўжаева ўзининг “Россия лизинг тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари” мавзусидаги мақоласида Россия лизинг қонунчилиги тажрибасидан кенг фойдаланиш таклифини илгари сурган. Хусусан, лизинг бозорига инвестиция жалб этишнинг иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш, лизингнинг иккиламчи бозорини ташкил қилиш, “Ўзагролизинг” АЖнинг молиявий фаолиятини тубдан ўзгартириш ҳамда солиқ соҳасида берилган имтиёзларнинг муддатини узайтириш, фермер хўжаликлари учун етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси билан

бирга хом ашёларни ва чорва молларини ҳам лизингга расмийлаштириб бериш бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар шулар жумласидандир.<sup>1</sup>

Иқтисод фанлари доктори, профессор Д.Ғозибеконинг умумий таҳрири остида нашр этилган “Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти” ўқув қўлланмасида Австрия давлатида болалар боғчалари ва мактаблар ҳам лизингга расмийлаштириб берилиши таъкидланган.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида келгусида хусусий тиббиёт, хусусий мактабгача таълим муассасалари ва хусусий мактаблар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши назарда тутилган.<sup>3</sup>

Албатта, бу соҳаларнинг ривожланишида биринчи навбатда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Хусусий мактабгача ва мактаб таълими ҳамда хусусий тиббиёт фаолияти учун зарур бўладиган жиҳозларни ҳам уларга лизинг асосида етказиб берилиши улар учун маблағларнинг тежалишига ва ихтиёрларидаги бўш маблағлардан фаолиятларини ривожлантириш учун фойдаланиш имкониятини пайдо қилади.

Конституцияимизнинг 36-моддасида “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” лиги<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида “Мулкдор ўзига қаршли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай

бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи-га эга”лиги<sup>5</sup> белгиланган. Бу эса ўз навбатида мулкдорнинг мулк ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг кафолатланганлигини англатади.

“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига кўра, лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.<sup>6</sup>

Қонуннинг мазкур талаби кенгроқ талқин этиладиган бўлса, тарафларнинг шартнома тузишдаги эркинликлари чекланганлигини кўриш мумкин. Зеро, Фуқаролик кодексининг 354-моддаси 1-қисмида фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин эканликлари белгиланган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, хусусан, Россия Федерацияси “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида лизинг шартномаси муддати лизинг берувчининг ва лизинг олувчининг ўзаро келишуви асосида белгиланиши кўрсатилган.<sup>7</sup>

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси “Молиявий лизинг тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида лизинг шартномаси муддати лизинг берувчининг ва лизинг олувчининг ўзаро келишуви асосида белгиланиши кўрсатилган.<sup>8</sup>

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида эса лизинг берувчи ва лизинг олувчининг лизинг шартномаси муддати ўзаро келишув йўли билан белгилашдаги ҳуқуқлари маълум маънода чекланган.

Бундан ташқари, “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 589-моддасига кўра лизинг берувчи, лизинг

олувчи ва сотувчи лизинг субъектлари ҳисобланади. Қонуннинг мазкур нормасида лизинг субъектларининг тоифаси аниқ очиб берилмаган, натижада бугунги кундаги лизинг амалиётларида субъект сифатида фақат юридик шахслар қаралмоқда.

Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг лизинг қонунчилигида эса субъектлар доираси аниқ белгиланган. Унга кўра, жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар лизинг муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Лизинг субъектлари доирасининг кенглиги ўз навбатида лизинг хизматлари кўрсатишнинг ривожланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда республикамиздаги лизинг компаниялари юридик шахсларга лизинг хизматлари кўрсатиб келаётганлигини инobatга олсак, лизинг низоларининг аксарият қисми Иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Лизинг таъминотига расмийлаштирилган гаров мулки фуқарога тегишли бўлиб, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратиш тўғрисидаги даъво аризалари бўйича келиб чиқадиган лизинг низолари фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиши бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддаси 1-қисми 1-бандида фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқлилиги белгиланган.<sup>9</sup>

Келгусида миллий қонунчилигимизда жисмоний шахслар ҳам лизинг муносабатларининг субъектлари сифатида эътироф этилса, жисмоний шахслар иштирокчиси бўлган лизинг низолари фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасининг “Молиявий лизинг тўғрисида”ги қонунда иккиламчи лизинг ҳам лизинг турларига киритилган бўлиб, унга кўра, лизинг шартномаси бекор қилинган ёки тугатилган тақдирда лизинг берувчига бўлган лизинг объекти бошқа лизинг олувчига қайта ижарага расмийлаштириб берилади.

Шунингдек, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг лизинг қонунчилигида халқаро лизинг – лизингнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади ҳамда уни амалга ошириш тартиби қонунда мустақамлаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунда эса иккиламчи ва давлатлар-





аро ҳамда халқаро лизинг тўғрисида ҳеч қандай нормалар мавжуд эмас.

Агарда лизингга оид миллий қонунчилигимизга халқаро ва давлатлараро лизинг ҳамда уларни амалга ошириш тартиб қоидалари тўғрисида нормалар киритилса, бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Бу эса нафақат моддий қонунчиликнинг, балки процессуал қонунчиликнинг ҳам янада такомиллашувига олиб келади.

**Республикамизда лизинг хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш, лизинг хизматлари ҳажмини кенгайтириш ва янги лизинг хизматлари турларини жорий қилиш, лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган моддий ва процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни билдирамиз:**

**биринчидан.** “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

- қонунда лизинг субъектлари тоифасини аниқ очиб бериш, яъни жисмоний шахс, юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини лизинг субъектлари сифатида эътироф этиш;

- “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасидаги “ўн икки ойдан ортиқ муддатга” деган сўзларни чиқариб ташлаш, шартнома муддатини лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўзаро келишган ҳолда белгилаши тўғрисида норма киритиш;

- иккиламчи лизинг тушунчасини ва уни амалга ошириш механизми тўғрисида нормалар киритиш;

- лизинг объекти доирасини кенгайтириш, яъни фақатгина қишлоқ хўжалиги ёки мелиоратив техникалар етказиб бериш билан чекланмасдан, ишлаб чиқариш техника ва технологиялари, тиббиёт ускуналари, маиший техника буюмлари ва истеъмол товарлари, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳалари учун ҳам лизинг хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш тўғрисида;

- давлатлараро ва халқаро лизинг хизматлари тушунчаларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш тўғрисида нормалар киритиш;

**иккинчидан,** бугунги кунда республикада лизинг хизматлари кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган корхона ва ташкилотлар лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби, лизинг тўловлари ҳисоб-китоби, маркетинг ва мониторинг



масалаларида асосан ўзларининг ички меъёрий ҳужжатларидан фойдаланишмоқда. Бу соҳада барча лизинг берувчилар учун умумий ва мажбурий характерга эга бўлган Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган норматив ҳужжат ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади;

**учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг лизингга оид бўлган 587-599-моддалари “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг аксарият моддалари билан бир хил маъно ва мазмун касб этади. Шунинг учун Фуқаролик кодексининг мазкур моддаларига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида билдирилган таклифлар нафақат лизингга оид моддий ва процессуал қонун ҳужжатларининг такомиллашувига олиб келади, балки республикамизда лизинг хизматлари кўрсатиш ҳажмининг ошишига, янги турдаги лизинг хизматларининг пайдо бўлишига ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳам замин яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2019. 15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси – Тошкент: Адолат нашриёти, 2018. 82 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайтидан олинган.
4. Россия Федерациясининг “Молиявий ижара (лизинг) тўғрисида”ги қонуни [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru) интернет сайти.
5. Қозоғистон Республикасининг “Молиявий лизинг тўғрисида”-ги қонуни. [online.zakon.kz](http://online.zakon.kz) интернет сайти.
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси – Тошкент: Адолат нашриёти, 2018. 14-15 б.
7. Ўзбекистон давлат Юридик университетининг Юридик фанлар ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журналининг 2018 йил 4-сони, 52-53 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисига мурожаатномаси.
9. Иқтисод фанлари доктори, профессор Д.Ф.Ғозибековнинг умумий таҳрири остида нашр этилган “Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти” ўқув қўлланма. “FAN VA TEXNOLOGIYA” нашриёти 2004, 17 б.



**Лола  
РАҲИМҚУЛОВА,**  
Тошкент давлат  
юримдик универ-  
ситети ўқитув-  
чиси

## ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

*Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақли эканлигини назарда тутувчи қонунчилик, ўз навбатида ушбу шахсларнинг судларда қонунда белгиланган тартибда даъво қўзғатиш ҳуқуқи ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради.*

Меҳнат кодексининг меҳнат низоларини кўриб ҳал этиш билан боғлиқ нормалари мазмун-моҳиятига кўра процессуал нормаларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу ҳолат эса тааллуқли-лигига кўра фуқаролик процессуал ҳуқуқи институтига тегишлидек кўринади. Хусусан, якка меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унда низони кўриб ҳал этиш тартиби, комиссия қарорини бажариш, комиссия қарори устидан шикоят қилиш тартиби, меҳнат низоларини ҳал этишни сўраб мурожаат этиш учун муддатларнинг кўрсатилиши, меҳнатга доир айрим ишлар бўйича қарорларни дарҳол ижро этиш, меҳнат низоларини кўришни туман судларига ўтказиш каби қатор нормаларнинг Меҳнат кодексига мавжудлиги юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Меҳнат низоларини ҳал этишга оид процессуал нормаларнинг тарқоқлиги меҳнат низоларини кўриб ҳал этиш тартиби юзасидан олимларнинг фикрлари ўртасида фарқланиши келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб хорижий олимлар ўртасида бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатларини самарали тартибга солишга қаратилган меҳнат ижроия ҳуқуқи ёки махсус кодификацияланган юридик ҳужжат – Меҳнат ижроия кодексини қабул қилиш лозимлиги ҳақида турли хил фикрлар билдириб келинмоқда.

Бу борада олимларнинг фикри асосан уч гуруҳга бўлинишини кузатиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлари юзага келган меҳнат низосини айнан суд тартибида кўриб ҳал этиш билан боғлиқ нормалар мажмуини Меҳнат кодекси таркибидан ажратиб, Фуқаролик-процессуал кодексининг мос бўлимига киритиш лозимлиги таклифини беради. Хусусан, Р.А.Агаповнинг фикрига кўра, Меҳнат кодексидан меҳнат низоларини суд тартибида кўриб ҳал этиш билан боғлиқ нормаларни чиқариб, Фуқаролик-процессуал кодексининг тегишли бўлимида акс эттириш лозим. Олимнинг таъкидлашича, меҳнат низоларини суд тартибида кўриб чиқиш билан боғлиқ нормалари, яъни ушбу фуқаролик-процессуал ҳуқуқи нормалари Меҳнат кодексига “ортиқча юк” бўлмоқда. Меҳнат низоларини меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқиш тартиби эса Меҳнат кодекси нормалари билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Чунки, комиссия фаолиятининг процессуал шакли фуқаролик-процессуал шакл билан айнан ўхшаш эмас<sup>1</sup>.

Иккинчи гуруҳ олимлари эса, (жумладан, М.В.Лушникова, В.Н.Скобелкина) меҳнат процесси мустақил мавжуд эмас, меҳнат низоларини суд тартибида кўриб, ҳал этиш фуқаролик-процессуал ҳуқуқи таркибига кирувчи нормалар йиғиндиси саналади деган фикрни илгари суради.

Учинчи гуруҳ олимлари, (эътиборлиси бу гуруҳ кўпчилик олимларни ташкил этади) меҳнат муносабатлари субъектларини, хусусан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш учун Меҳнат ижроия кодекси, қолаверса махсус меҳнат судлари ташкил этилиши давр талаби деган фикрни илгари суради. Ушбу фикр тарафдорлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоли вазиятларни судда ҳал этиш фуқаролик-процессуал ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинишини, ушбу қоидалар эса моддий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишини назарда тутди. Яъни, фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектлари ўзаро тенг,



қарор қабул қилишда мустақил, тарафларнинг бири иккинчисига маъмурий жиҳатдан таъсир ўтказа олмаслигини таъкидлаб ўтади. Меҳнат ижроия кодекси шакллантирилиши тарафдори бўлган Г.Н.Обухованинг фикрича, Меҳнат ижроия кодекси ходимлар ва иш берувчиларнинг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳамда меҳнат низоларини кўриб ҳал этишда юридик жиҳатдан тенглигини кафолатлаб бериши лозим. Унинг қайд этишича, ушбу кодексда айрим тоифадаги меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга бағишланган махсус бўлим мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>2</sup>.

Г.Н.Обухованинг фикрига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида янгидан-янги замонавий касблар ва мутахассисликлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, касаначилар, масофадан туриб иш олиб борувчилар, вақтинчалик иш билан банд бўлган шахслар, якка тартибдаги тадбиркор ва унинг ходими, уй ишчиларининг иш вақти, дам олиш вақти, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга оид келишмовчиликларни, низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳам ўзига хос процессуал хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Буянованинг фикри ҳам Г.Н.Обухованинг фикрига анча яқин. Унга кўра, якка меҳнат низоларини кўриб чиқишда судлар умумий суд процесси принципларига яъни, тарафларнинг тенглиги принципига амал қилади. Ушбу принципни оилавий муносабатларга ёки фуқаролик муносабатларига киришган шахслар учун талқин этиш мумкинлиги, аммо меҳнат низоларини ҳал этишда низолашаётган тарафларнинг тенглиги амалда мавжуд бўлмаслиги ҳам назарда тутилади<sup>3</sup>. Ўзбек олимларидан бири М.Мамасиддиқов ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлашни билдириб ўтган. Унинг фикрича, “Меҳнат шартномасида тараф бўлган иш берувчи корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқарар экан, ходимнинг меҳнат сифатини ва иш миқдорини назорат қилади, корхона мулки ёки бошқа қимматликларнинг сақланиши ва ишлатилишини текширади, уларнинг ҳисоб-китобини юритади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун етарли имкониятга, яъни ишлаб чиқариш ва бошқарув аппаратиغا эга бўлган иш берувчида ходимдан фарқли равишда етказилган зарар тўғрисида аниқ маълумотлар етарлича бўлади.”<sup>4</sup>

Учинчи гуруҳ олимларнинг фикрини қисман маъқуллаган ҳолда қуйидагиларни қўшимча қилиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, меҳнат ижроия кодексининг қабул қилиниши ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро қоидалар ва умум эътироф этилган нормаларнинг бир жойда тўп-ланишига замин яратади.



Иккинчидан, ушбу кодекснинг амалиётга жорий этилиши ҳар қандай ҳолда ҳам суд процессининг янги бир турини келтириб чиқармайди. Фуқаролик процессининг бир қисми сифатида ҳам талқин этилиши мумкин.

Учинчидан, амалдаги Фуқаролик-процессуал қонунчилиги нормаларида ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги аниқ қилиб белгилаб қўйилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.<sup>5</sup> Бу қоида меҳнат низоларини суд тартибда кўриб чиқишда назаримизда ижобий баҳоланмайди. Мисол учун, иш берувчи ходим билан (иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор бўлса) меҳнат шартномасини бекор қилди. Суд мазкур низони кўриб чиқиш жараёнида тарафларга ўзларининг эътирозларига асос қилиб кўрсатган барча ҳолатларни исботлаб бериши шартлигини юклайди. Бу ҳолатда ходим томонидан исботлаб бериш воситаларини (аудио, видео, гувоҳларнинг кўрсатмалари) ўз вақтида қўлга кирита олмаслиги хавфи юқори ҳисобланади. Барча исботлаш воситалари иш берувчи томонидан йўқ қилиниши мумкин. Гувоҳлар эса, ўз иш жойини йўқотиб қўйишдан ёки раҳбарият билан муносабатлари “совуқлашиб” қолишидан қўрқиб мавжуд ҳолат юзасидан холисона кўрсатма бермаслиги эҳтимоли жуда юқоридир.

Олий суд томонидан меҳнат низоларини судларда кўриб, ҳал этилишига доир тақдим этилган статистик маълумотлар меҳнат муносабатларида тарафлар ўртасида юзага келаётган низоларнинг аксарият қисми ишга тиклаш ва иш ҳақини ундиришга оид эканлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳолат эса, ҳеч шубҳасиз меҳнат муносабатларига иш берувчи ва ходим сифатида киришаётган тарафлар ўртасида меҳнат шартномаси аниқ ва қонуний тузилмаётганлигидан, аксарият бўлғуси ходимлар томонидан унда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар яхши тушуниб олинмаганлигини, айниқса,



меҳнат низолари умумий юрисдикция судларида анча “саёз” кўриб ҳал этилаётганлигидан дарак бериб турибди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, қолаверса меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифни илгари суриш мумкин:

Бугунги кунда алоҳида меҳнат ижроия кодексини жорий этиш анча вақт ва маблағ талаб этади. Бундан ташқари, мазкур кодексда Фуқаролик процессуал кодекси нормалари мазмунан такрорланиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Ушбу тартиб келгуси ўн йилликларда жорий этилса ажаб эмас.

Бугунги кунгача миллий қонунчилигимизда айнан меҳнат низоларини суд тизимида кўриб чиқиш ва ҳал этишни тартибга солувчи бирорта ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслигини инобатга олиб, “Меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби” деб номланган қонун қабул қилиниши керак. Энг асосийси, мазкур қонунда меҳнат низоларини муқобил йўллар билан ҳамда судда кўриб ҳал этиш тартибини ўзида ифодаладиган процессуал нормалар мустаҳкамланиши лозим. Шунингдек, мазкур қонунда асосий мақсад қилиб, меҳнат низоларини муқобил йўллар билан ҳал этиш тартибининг процессуал жиҳатларини янада такомиллаштириш, меҳнат низоларини суд тартибида кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал қоидаларини мустаҳкамлаш, (чунки, меҳнат низоларини судда кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби фуқаролик-процессуал қонунчилигида ҳам алоҳида бўлим ва боб билан ажратиб қўйилмаган) якка меҳнат низоларини кўриб ҳал этишда самарали фойдаланиш мумкин бўлган муқобил йўлларнинг умумий характеристикаси келтириб ўтилиши мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал қоидалари, иш ташлашга

бўлган ҳуқуқ ва унинг процессуал тартиби ҳам қатъий белгилаб қўйилиши лозим (жамоаларга оид меҳнат низоларини ёритиш тадқиқот мавзуси доирасига кирмайди). Мазкур қонуннинг мундарижасида тахминан қуйидагилар белгилаб ўтилишини таклиф этамиз:

Биринчи бобида барча қонунларда бўлгани сингари “Асосий қоидалар”нинг ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, унда ушбу қонуннинг қабул қилинишидан асосий мақсад, унинг амал қилиш соҳаси, асосий тушунчалар, меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг асосий принциплари белгилаб ўтилиши лозим.

Иккинчи бобида меҳнат низоларини муқобил йўллар билан ҳал этиш тартиби ҳақида қисқача тушунча бериб ўтилиши ҳамда тарафлар юзага келган меҳнат низосини муқобил йўл билан ҳал этишнинг процессуал жиҳатлари, мисол учун, тарафлар низони ҳал этиш мақсадида бевосита ўзаро мулоқот олиб бориш шакли, тарафларнинг профессионал асосдаги медиаторга мурожаат этиш тартиби (профессионал медиаторлар рестрига киритилган шахслар ҳақида маълумот олиш ва улар билан бевосита боғланиш тартиби) ёритиб берилса, унинг учинчи бобида юзага келган меҳнат низоларини суд тизимида кўриб чиқиш ва ҳал этишга оид бўлган процессуал нормалар, яъни судга мурожаат қилиш муддатлари, низонинг ҳал этилишини сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахслар каби маълумотлар қайд этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Унинг охириги бобида “яқунловчи қоидалар” мустаҳкамланиши лозим. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур қонун орқали меҳнат низоларини кўриб ҳал этишда фуқаролик-процессуал қонунчилиги принциплари асосида судларда меҳнат низоларини ҳал этилишида қўлланилиши каби меҳнат ва фуқаролик процессуал қонунчилигида баҳсли бўлган баъзи бир нормалар ўз ечимини топиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агапов Р.М. Порядок рассмотрения индивидуальных трудовых споров. Дисс...канд.юрид.наук. Москва, 2007. С-127
2. Обухова Г.Н. Некоторые проблемы систематизации процессуальных норм в трудовом праве.// <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-problemy-sistematizatsii-protsessualnyh-norm-v-trudovom-prave/viewer>
3. Буянова М.О. Индивидуальные трудовые споры: материально-процессуальные вопросы правового регулирования// <https://cyberleninka.ru/article/n/individualnye-trudovye-spory-materialno-protsessualnye-voprosy-pravovogo-regulirovaniya>
4. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2009. Б-176
5. Ўзбекистон республикасининг фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337#3517956>

# МАҲАЛЛА ВА СУД

**Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсадлардан бири – судланган шахслар озодликка чиққач, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб, оиласи бағрида эмин-эркин ҳаёт кечирishiни таъминлашга қаратилган дастурларни ҳаётга тадбиқ этишдир. Қолаверса, жамиятда бўладиган турли хил оилавий, маиший муаммоларни судгача олиб бормасдан, маҳаллада ҳал этиш, яраштирув институти тамойилларини амалиётда кенг қўллаш суд ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий натижаси бўлиб ҳисоланади.**



**Ўрол ШЕРХОНОВ,**  
Сурхондарё вилояти,  
Шўрчи тумани  
“Ёш ғайрат”  
МФЙ раиси

Бу борада Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани, “Ёш ғайрат” МФЙда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, суд тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни тушунтириш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Аҳоли томонидан судга бўладиган мурожаатларни маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда судгача ҳал этилиб, жойида яраштириш ва фуқаролар ўртасида ўзаро келишувга эришиш даражаси юқори.

Бугунги кунда “Ёш ғайрат” маҳалласида 4014 нафар аҳоли истиқомат қилади, жумладан 640 хонадон ва 985 оила бор. Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ йил бошидан буён маҳаллада жиноятчилик ва ажримлар қайд қилинмади.


Ҳозирда маҳаллаларда тизимли равишда “Менинг маҳаллам – менинг судьям” шиори остида ўтказиб келинаётган сайёр учрашувлар халқимизнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширмоқда.

Суд соҳасини янада такомиллаштириш борасида бир қатор қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлашга, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга ҳамда маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоячисига айлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оиланинг маҳалла билан, маҳалланинг суд-ҳуқуқ тизими билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлом ва баркамол авлодни вояга

етказиш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланишлари, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда фуқаролар йигинларининг таъсири тобора ошиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир ота-онанинг барча эзгу ниятида фарзандларини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш орзуси мужассамдир. Айниқса, оила, маҳалла ва ҳуқуқий муассасаларининг бу борадаги ҳамкорлиги алоҳида ўринга эга. Айни чоғда ушбу ҳамкорлик ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш, она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш учун унинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш ҳамда турли фан ва спорт тўғрракларига кенг жалб этиш, бўш вақтларининг мазмунли ўтказилишини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.





**Ҳайдарали  
ЮНУСОВ,**

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ҳуқуқшунослари ЮНЕСКО-нинг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди

## ЮРИДИК ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АДВОКАТЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (АҚШ ТАЖРИБАСИ)

**АҚШда “юрист” (“lawyer”) атамаси кенг маънода ишлатилади. Шу боис, у бир қатор юридик фаолият билан шуғулланувчи ҳуқуқшуносларнинг умумлашма номидир. Суд ишларида адвокат сифатида иштирок этадиган юристлар (trial lawyers and legal counsels), ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи юристлар, ҳуқуқий маслаҳат берувчи юристлар, давлат органларида доимий фаолият кўрсатувчи юристлар, доимий ишлайдиган (in-office) ёки бирор суд иши учун муддатли ёлланган прокурорлар, доимий ишлайдиган (in-office) ёки бирор суд иши учун муддатли ёлланган давлат айбловчилари, йирик корпорацияларнинг юридик бошқарма бошлиқлари (general counsels), судьялар (judges), ҳуқуқ мактабларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг муайян соҳасига ихтисослашган арбитрлар (arbitrators), медиаторлар (mediators) ва яраштирувчилар (conciliators), юридик фирмаларнинг менежерлари, халқаро ташкилотларнинг юристлари – буларнинг барчаси умумий “юристлар” (“lawyer”) номи билан юритилади.**

Корхонанинг таркибий бўлинмаси бўлмаган ҳолда корхонага ташқаридан туриб муддатли юридик хизмат кўрсатувчи юристлар “ташқи юристлар” (outside counsels), корхонанинг таркибий бўлинмаси, масалан, юридик бошқарма ёки бўлим ходими сифатида бутун корхонага юридик хизмат кўрсатувчи юристлар “ички юристлар” (counsel in-house) деб аталади.

АҚШда юристлик касбининг ўз тарихи бор. Илк мустахлакчилик даврларида юристлик, адвокатлик касби ҳеч қандай нуфузга эга бўлмаган. Судларда ҳукм чиқариш, ўша даврнинг сиёсий арбоби Жон Адамс ибораси билан айтганда, “ҳокимлар, уларнинг ёрдамчилари, миршаблар ва лўттибозлар қўлида бўлган”. Улардан ҳеч қандай юридик билим ва малака талаб этилмаган. Суд ишлари билан боғлиқ юридик касбий фаолият биринчи марта Массачусетсда 1700-йилларда эътироф этилган. 1761 йилга келибгина уларга муайян касбий билим ва малака талаблари қўйилган эди. Эндиликда, камида 3 йил бошланғич таълим олган, 2 йил қуйи судларда, 2 йил юқори суд инстанцияларида малака оширган кишиларгина юристлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Шу даврдан бошлаб, юристларнинг касбий уюшмалари ривожланиб борди. Юристлик (attorneys) ва адвокатлик (barristers) фаолияти бир-бирдан ажратилди.

АҚШ мустақиллиги йилларидан сўнгги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва жугрофий омиллар мамлакатда Буюк Британия мустақил ҳуқуқ тизимининг вужудга келиши ва ривожланишига

туртки берди. Юристлар давлат ва жамият ҳаётидаги энг таъсирли кишиларга айланиб борди. 1776 йил 4 июлдаги Мустақиллик декларациясини имзолаган 26 та сиёсий арбобнинг 25 таси, АҚШ Конституциясини ишлаб чиқиш учун Пенсильвания штатининг Филадельфия шаҳрида 1787 йилнинг 25 майдан 17 сентябригача фаолият кўрсатган Конституциявий кенгашнинг 55 та делегатидан 31 таси касбига кўра юрист бўлган.

АҚШда юристлик касбига қизиқиш муттасил ортиб борган. Америка юристлар уюшмаси (ABA) архив маълумотларига кўра, 1878 йилда мамлакатда 64 137 нафар юрист фаолият кўрсатган бўлса, 1978 йилга келиб уларнинг сони 464 851 га етган. 2019 йилда адвокатлик лицензиясига эга юристлар сони – 1 352 027 нафарни ташкил этди, ҳолбуки уларнинг сони 2009 йилда 1 180 386 нафар эди. Ўн йиллик ўртача ўсиш 15 фоизни ташкил этган. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган юристларнинг 64 фоизи – эркек, 36 фоизи – аёллардир.

Энг кўп сонли юристлар Нью-Йорк штатида (177 035 нафар), Калифорнияда (170 044 нафар), Техасда (90 485 нафар), Флоридада (78 244 нафар), Иллинойсда (63 422 нафар) ва Вашингтон Колумбия округида (56 000 нафар) меҳнат қилади. Мазкур штатларда, бир томондан, аҳоли сонининг кўплиги, иккинчи томондан, бизнес ва ишлаб чиқаришнинг тараққиётганлиги юридик касб эгаларига бўлган эҳтиёжни ошириб юборган. Чунки, мумтоз америка фалсафасига мувофиқ, қаерда кучли иқтисодий тараққиёт бўл-

са, ўша ерда хўжалик низолари ҳам кўпаяди ва юристларга, албатта, иш топилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи амалиётчи юристлар сони АҚШда бу соҳа вакилларига эҳтиёж хануз катта эканлигидан дарак беради. 2019 йилда жами аҳоли сони 328 млн. нафарни ташкил қилган ҳолда амалиётчи юристлар сони 1 352 027 нафарга етди. Бу дегани ҳар 10 мингта аҳолига 41 та юрист-адвокат тўғри келади. Ушбу кўрсаткич 2010 йилда – 39 нафар, 2000 йилда – 36 нафар, 1980 йилда – 25 ва 1950 йилда – 15 нафарни ташкил этган.

Шунингдек, бу борада АҚШдаги вазият бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда қониқарлидир. Ҳар 10 мингта аҳолига тўғри келувчи юристлар сони, масалан, Австралияда – 35,9 та, Канадада – 2,2 та, Францияда – 7,2 та, Японияда – 2,3 та, Буюк Британияда – 25 тадир. Штатлар кесимида қараганда, ҳар 10 мингта аҳолига тўғри келувчи юрист-адвокатлар сони Колумбия Округида – 784 та, Нью-Йоркда – 89 та, Массачусетсда – 63 та, Коннектикутда – 60 та, Иллинойсда – 49 та, Нью Жерсида – 46 та, Миннесотада – 45 та, Калифорнияда – 43 та, Луизианада – 41 та, Мэриленд, Миссури, Род Айланд штатларида – 40 тани ташкил қилади. Қолган штатларда бу кўрсаткич 40 тадан паст ва, ҳатто, Жанубий Каролинада – 21 тадир. Кўришиб турибдики, аҳолиси кам бўлган, бироқ федерал юридик хизмат юклагани юқори бўлган Колумбия Округида аҳоли жон бошига тўғри келувчи юристлар сони энг юқори ўринда туради. Бу ерда жами 705 минг аҳолига 56 минг юрист-адвокат ёки ҳар 13 кишига 1 та юрист-адвокат тўғри келади.

Аҳоли жон бошига мос келувчи судьяларнинг сони бўйича АҚШда ҳар 100 минг аҳолига 11 нафар судья тўғри келади. Бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда, бу кўрсаткич Австралияда – 4 та, Канадада – 3,3 та, Францияда – 12,5 та, Японияда – 2,8 та, Буюк Британияда – 2,2 нафарга тенг.

АҚШда 330 минг атрофида судья фаолият кўрсатади. Шундан 880 таси федерал судьялардир. Қуйи судлар, биринчи инстанция судлари, апелляция судлари ва Олий суд томонидан йилга юз миллионлаб ишлар кўриб чиқилади. Кўриб чиқилган ишларнинг 95 фоизи штатларнинг судлари ҳиссасига тўғри келади. 2016 йилда штатларнинг қуйи судларида (trial courts) 84 млн. иш кўриб чиқилиб, шундан 257 мингтаси апелляция судларида қайта кўрилган. Судлар томонидан кўрилган ишларнинг 80 фоизи – фуқаролик, 20 фоизи – жиноий характерга эга. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, ҳар 100 минг аҳолига 5806 та суд иши тўғри келади. Бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда, бу кўрсаткич Австралияда – 1542 та, Канадада

– 1450 та, Францияда – 2416 та, Японияда – 1768 та, Буюк Британияда – 3681 тага тенг.

Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, АҚШда судларга, демак-ки, юрист-адвокатларга мурожаат қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Америкадаги энг йирик юридик фирмалар ва адвокатлар ҳақидаги маълумотлар базасини яратган Мартиндэйл-Хаббелл ҳуқуқ каталоги (Martindale-Hubbell Law Directory) маълумотларига кўра, АҚШда ҳар йили 110 млн. нафар миждоз камида бир марта юрист маслаҳатчига мурожаат қилади, 58-60 млн. нафар миждоз адвокат қидиради, уларнинг 76 фоизи шу мақсад йўлида интернет қидирув тизимидан фойдаланади.

Юристлик касби юқори иш ҳақи тўланадиган даромадли касблар сирасига киради. Фаолият турига қараб ҳафтасига 40 соат ишлайдиган юристларнинг йиллик даромади 59,670 АҚШ долларидан 208,000 долларгача бўлиши мумкин. АҚШ Меҳнат ва бандлик статистикаси бюроси маълумотларига кўра, 2019 йилда юристларнинг ўртача иш ҳақи 122,960 АҚШ долларини ташкил этган. Федерал ҳукуматда ишлайдиган юристларнинг йиллик ўртача иш ҳақи – 144,300 АҚШ доллари, юридик хизматдаги юристларники – 123,620 АҚШ доллари, маҳаллий ҳокимият тармоқларидаги юристларники – 95,870 АҚШ доллари, штатлар бошқарув органларида меҳнат қиладиган юристларники эса – 89,090 АҚШ долларига тенг бўлган. Йирик юридик фирмалардаги йиллик иш ҳақи (110,750 – 136,500 АҚШ доллари) ўрта ва кичик юридик фирмалардаги йиллик иш ҳақи (53,750 – 106,750 АҚШ доллари) дан, одатда, юқори бўлади. Мамлакат миқёсида юридик хизмат кўрсатиш соҳасида йилига 260 млрд. долларлик хизматлар амалга оширилади ва даромад қилинади.

Юридик фаолият турлари ичида фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи соҳасидаги низоларни ҳал қилиш ва суд ишларида адвокат сифатида иштирок эта-



диган юристлар (trial lawyers and legal counsels) энг нуфузли ва даромадли ҳисобланади. Суд томонидан кўриб чиқилаётган низолар моддий қийматининг ҳажми ва ишни ютиб чиқишдаги муваффақиятига қараб уларнинг даромади ва миқдорлари сони ошиб бораверади. Нуфузи ва даромади нуқтаи назаридан кейинги ўринларда йирик корпорацияларнинг юридик бошқарма бошлиқлари (general counsels), судьялар (judges), ҳуқуқ мактабларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг муайян соҳасига ихтисослашган арбитрлар, медиаторлар ва яраштирувчилар, юридик фирмаларнинг менежерлари ва халқаро ташкилотларнинг юристлари туради.

Юридик фаолият марказида судда фаолият кўрсатувчи суд адвокатлари (trial attorneys) туради. Уларни илк даврларда “барристерлар”, деб ҳам аташган. Инглиз тилида “бар” суд жараёнида судьяни бошқалардан ажратиб турувчи ёғоч чегарани англатган. Адвокатлар, гувоҳлар ва низо томонлари мана шу ёғоч чегара қаршида турибгина сўзлай олишган. Шу боис, улар “барристерлар” деб ном олган. Тарихий анъаналардан келиб чиқиб, бугунги кунда Америка юристлар уюшмаси (American Bar Association) ўз номида “бар” сўзини сақлаб қолган. Суд адвокати бўлиб ишлаш учун АВА имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, махсус лицензияга эга бўлиш талаб этилади. Суд адвокати лицензияси учун АВА имтиҳонларини муваффақиятли топширган номзодлар “ёғоч чегарага таклиф этилганлар” (“to be called to the bar”), яъни “суд адвокати лицензиясига эга юристлар” деб чақиривади. 2019 йилда J.D. дастурини тамомлаган 33,954 нафар битирувчидан 30,023 нафари ёки 88 фоизи АВА имтиҳонларини топширган, шундан 85 фоизи муваффақиятли ўтган. Суд адвокатлари кучли нотик, далилларни тўғри шарҳлай олиш, ёзма кириш ва хулосавий баённомаларни

тўғри расмийлаштириш бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишлари шарт.

АВА имтиҳонлари ҳар бир штатнинг ўзида топширилади ва фақат ўша штат юрисдикцияси доирасидагина амал қилади. Федерал юрисдикция остида бўлган конституциявий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи, иммиграция ҳуқуқи ва банкротлик ҳуқуқи бундан мустасно. Лицензияда, масалан, “Калифорния штати судларида суд адвокати ва юрист-консул сифатида фаолият кўрсатишга ҳақли”, деб ёзиб қўйилади. Аксарият штатларда адвокатлик фаолиятининг аниқ соҳаси кўрсатилмайди. Суд адвокати ўзи истаган бир ёки бир нечта соҳа бўйича лицензия тақдим этган штат доирасида фаолият кўрсатиши ҳамда кўшимча тарзда федерал юрисдикция таркибига кирувчи конституциявий ҳуқуқ, солиқ, иммиграция ва банкротлик ҳуқуқи соҳасида меҳнат қилиши мумкин.

Суд адвокати фаолиятининг штатлар ҳудудий юрисдикцияси кесимида чекланишига сабаб – штатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти қисман фарқланади. Шу туфайли лицензия учун топшириладиган АВА имтиҳонларининг иккинчи қисми штат қонунчилиги масалаларига бағишланади. Шу билан бирга, номзод юқорида қайд этилган соҳалардаги федерал қонунчилик ва ҳуқуқ амалиёти қоидаларини ҳам билиши зарур.

Жуда оз сонли баъзи штатлардагина суд адвокати сифатида фаолият кўрсатиш учун АВАнинг адвокатлик лицензияси талаб қилинмайди. Масалан, Висконсин штатида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Лекин, бунинг учун мазкур штатда жойлашган ҳуқуқ мактаблари талабаларга ҳуқуқ амалиёти учун зарур бўлган билим ва имтиёзли дипломларни тақдим этиши лозим.

Шу билан бирга, айрим штатларда эътироф этилган адвокатлик лицензияси бошқа штатларда ҳам жуда кам ҳолларда эътироф этилиши мумкин. Аксарият штатларда, федерал судларда адвокатлик қилиш учун федерал юрисдикция остидаги ҳуқуқ соҳаларида АВА имтиҳонларини топшириш ва масалан, банкротлик ишлари судларида фаолият кўрсатишга рухсат берувчи лицензияга эга бўлиш талаб этилади.

Адвокатлик лицензияси учун топшириладиган АВА имтиҳонларининг саволлари Имтиҳон олувчилар миллий конференцияси (National Conference of Bar Examiners) томонидан тайёрланади. Улар қоғоз шаклда топшириладиган тестлар (75-150 тагача), ҳуқуқ амалиёт билан боғлиқ эссе (5-8 тагача), штат қонунчилиги бўйича ёзма имтиҳон ҳамда АВАнинг “Касбий фаолият жавобгарлиги тўғрисидаги намунавий кодекс”и (Model Code of Professional Responsibility) ва “Касбий хулқ-атворга оид намунавий қоидалар”и (Model Rules of Professional Conduct) бўйича саволлар-





дан иборат бўлади. Айрим ҳуқуқ мактабларида J.D. дипломини ҳали олмаган талабаларга АВА имтиҳонларини топширишга рухсат берилмайди, баъзи ҳуқуқ мактабларида эса бунинг учун расман тақиқ мавжуд эмас. Адвокатлик лицензияси муддатсиз берилди, бироқ ҳар икки йилда адвокатлар малака ошириб туришлари шарт.

Судларда фаолият кўрсатиш учун имкон берувчи адвокатлик лицензияси ва ҳуқуқ амалиёти тажрибаси АҚШ ҳуқуқ тизимида касбий ўсиш учун пойдевордир. Лицензияли адвокатлар ҳуқуқ тартибот органлари, адлия тизими, давлат бошқарув органларининг турли поғоналарида касбий ўсишга эришиши мумкин. Туман юристи сифатида иш бошлаган юрист, штат юристи, мамлакат бош юристи, яъни адлия вазири ёки ҳукуматнинг Олий суддаги вакили – соллиситор мартабаларигача кўтарилиши мумкин.

Туман юристи (district attorney) ёки штат юристи (state’s attorney) маҳаллий ҳокимият органларининг прокурорларига раҳбарлик қилади. Прокурор (prosecutor) давлат ҳуқуқ тартибот органларининг манфаатларини судда ҳимоя қиладиган ва ҳуқуқбузар субъектга нисбатан давлат айбловчиси вазифасини бажарадиган юристдир. У судда шу мақомда иштирок этиши учун ўша судда фаолият кўрсатиш лицензиясига эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, унда жиноят ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатиши учун адвокатлик лицензиясининг бўлиши, бунинг учун эса АВА имтиҳонларини муваффақиятли топшириши ва унинг лицензияси муайян штатдаги тегишли судлар томонидан эътироф этилган бўлиши лозим.

Бош юрист (General Attorney) АҚШда федерал ва штатлар ҳукумати таркибига кирувчи, ҳукуматга юридик маслаҳат берувчи, айна пайтда, мамлакатда ҳукумат учун ишловчи юристлар ва ҳуқуқ тартибот органларининг бош раҳбари ҳисобланади. У Президент томонидан тайинланадиган ва Сенат томонидан тасдиқланадиган олий мансабдор шахс бўлиб, ўзида бош прокурор ва адлия вазири ваколатларини мужассамлаштиради ҳамда расман Адлия департаменти (Department of Justice) раҳбари ёки Адлия вазиридир. Яъни, АҚШда прокуратура органлари ҳам Адлия вазирлиги таркибига киритилган ва унга бўйсиндирилган. Бош юрист (General Attorney) бошқа мамлакатларда “Бош прокурор” (Prosecutor General), “Бош адвокат” (Advocate General), “Адлия вазири” (Ministry of Justice) номлари билан аталади.

У мамлакатнинг бош юристи бўлса-да, ҳукумат манфаатларини Олий судда ҳимоя қила олмайди. Ҳукуматнинг ҳуқуқий сиёсати ва ҳаракати ёки ҳуқуқ-атворини ҳуқуқий баҳолаш ёхуд ҳукумат ва унинг аъзолари билан боғлиқ ишлар Олий судда кўрилаётган пайтда ҳукумат ман-



фаатларини бошқа бир олий мансабдор шахс – Бош соллиситор (Solicitor General of the United States) ҳимоя қилади. Америка юридик лаҳжа-сидаги “соллиситор” атамасини классик инглиз ҳуқуқидаги архаик атама билан адаштирмаслик керак. Классик инглиз ҳуқуқидаги “соллиситор” атамаси суддан ташқарида фаолият кўрсатувчи юристларни суд адвокатларидан фарқлаш учун ишлатилганлиги юқорида эслатиб ўтилди.

Суд адвокатлари халқ адвокати (public defender) сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун адвокат ёллай олиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга АҚШ Конституциясининг Олтинчи Ўзгартириши ҳамда Олий суднинг Gideon v. Wainwright суд иши бўйича чиқарган қарори асосида давлат томонидан бепул адвокатлик хизмати кўрсатилади. Яъни, суд айбланувчига адвокат тайинлайди. Мазкур адвокат суд билан тузилган муддатли шартнома асосида адвокатлик хизматини бажаради ва унинг хизмат ҳақи федерал бюджетдан қопланади. Ёки суд федерал ҳукумат томонидан молиялаштириладиган Халқ адвокатлари офиси (public defender’s office) – эркин адвокатлар уюшмасига мурожаат қилади. Уюшма ўзининг аъзо адвокатлари ичидан айбланувчи ҳуқуқларини судда ҳимоя қилувчи адвокат тайинлайди. Шу асосда халқ адвокати ўз фаолиятини амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда юридик хизмат ва касбий фаолият давлат ва жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида ривожланиб келди ҳамда мамлакатдаги энг шарафли касбга айланди. Мумтоз америка фалсафасига кўра, қаерда кучли иқтисодий тараққиёт барқарор бўлса, ўша ерда хўжалик низолари ҳам кўпаяди ва юристларга эҳтиёж ортиб бораверади. Қонун устувор бўлган жамиятларда ҳар қандай низоларни тинч юридик воситалар орқали ечиш аёнана бўлиб қолаверади ва юристларнинг ҳуқуқий тартибот ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги роли ортиб боради.



**Сирожиддин ҚУВВАТОВ,**  
Жиззах вилоят суди  
иқтисодий судлов  
хайъати судьяси

## “АДОЛАТ – ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НУҚТАСИ”

*2021 йил 15 октябрь куни Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида таниқли ҳуқуқшунос, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоевнинг яқинда чоп этилган “Адолат инсонпарварликнинг олий нуқтаси” номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.*



Инсоният яралибдики улар ўртасида жанжал низоламу мурокаи мадора каби тушунчалар ҳам пайдо бўлди. Одам Ато илк фарзандларининг бир-бирларига адовати-ю унинг қонли якуни ва Одам Алайҳиссаломнинг берган жазолари адолат тушунчасининг нақадар қадимий ва ҳаётий зарурат эканлигига далолатдир. Демак, инсон мукамал ҳаёт тарзини шакллантириб улгурмасдан ҳақ ва ҳақиқатга эҳтиёж сизди. Икки тараф ўртасидаги келишмовчиликни бартараф қилиш учун учинчи тарафнинг зарурати туғилди. Бу учинчи тараф – суд маҳкамаси ва судьядир.

Таниқли ҳуқуқшунос, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, “Суд

фахрийси” кўрак нишони соҳиби Убайдулла Мингбоевнинг ҳали бўёғининг ҳиди кетмаган, яқиндагина Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида тақдимоти бўлиб ўтган “Адолат инсонпарварликнинг олий нуқтаси” номли китобини варақлар эканман беихтиёр юқоридаги фикрлар хаёлимга келди. Жамият аъзолари наздида суд – ҳақиқат қарор топадиган жой. Адолатнинг сўнги манзили. Мазкур китобда ана шу адолатни излаган кишига тутқазувчи судьянинг қиёфаси чиройли мисоллар воситасида қизиб берилган. “Ҳар қандай фаолият тури муайян иқтидорни ва жисмоний кучни талаб этади.



Судьялик эса алоҳида кўникмаларни талаб қилади. Бу серқирра фаолият ўта масъулиятли мартабадир. Уни уддалай билиш ниҳоятда қийин ва машаққатли, аммо шарафлидир. У инсон тақдирини ҳал қилишда ақл кўзи билан кўриладиган адолат тарозисини беғараз ва холисона кўтаришни бенуқсон амалга ошириши керак”, – дейилади китобнинг суд жараёни маданиятига бағишланган қисмида. Инсон муаммоларини ҳал қилиш учун аввал ўзи ҳаракат қилади. Имкони етмагач бошқалардан кўмак кутади. Аксарият ҳолларда суд идораси ва судья ана шундай нажот қалъасига айланади. Бунда маҳкама ва қозининг маданияти ўта муҳимдир. Муаллиф бу ҳақда сўз юритар экан “Юридик тозалик” ҳақида гапиради. “Суд жараёнидаги маданият, этика қоидаларига риоя этилиши “юридик тозалик”нинг гаровидир. “Юридик тозалик” сифатида биз ҳақиқатни юзага чиқаришда керак бўлмаган ҳар қандай ортикчалikka ва ўринсиз талабга қаршимиз”.

Демак, инсонлар ҳаётига дохил қарор чиқарувчи судья жараёнда ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиши муҳимлигига урғу берилади. Бунга эришиш йўли “... бу судьянинг ҳар қандай салбий хислатлардан ўзини-ўзи назорат қилиб боришидир. Судья бунга албатта эришган бўлиши керак. Касбий интизом этикаси ҳам ана шундадир”.

Суд тизимининг учинчи ҳокимият дея эътироф этилиши бежиз эмас. Барча давлат тизимларидан мустақил иш юритиши шартлиги унинг учинчи ҳокимиятлигини таъминлайди. Албатта бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Мустақил қарор чиқариш, қарорнинг адолат тамойилларидан оғишмай чиқарилиши учун судья том маънода донишманд бўлмоғи лозим. Донишмандликнинг йўли эса битта – яъни Китобга ошнолик. “Маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули – китобхонлик. Кимки, китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қулоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётий шиорига айланади, асло адолатсизликка йўл қўймайди”. Ушбу фикрлар Убайдулла Курбонвичнинг ҳаёт тарзига айланган десак, муболаға бўлмайди. Чунки, китобга ошуфталик, тинимсиз мутолаа бу кишини барчага намуна бўларлик даражага олиб чиққан бўлса не ажаб. Шунингдек, китобда суд жараёнлари, судьянинг ўзини қандай тутиши кераклигию мурожаатчилар билан қандай муомала қилиши лозимлигича баён қилинган. Буларнинг барчаси 55 йиллик меҳнат-у машаққат, ўқиб изланишлар, ҳаётий тажриба самараси. Судьялик обрўли мансаб. Одамлар назарида судья қудратли киши. Аммо,

шу мансабу қудрат ўз-ўзидан бўлармикан? Уни сақлаб қолиш йўллари нимада экан? “...судья судьялик мақомига мос киши бўлиб шаклланиши учун янада батафсилроқ, қонунларда ёзилмаган, аммо амал қилиши лозим бўлган инсонийлик фазилатларига ҳам қатъий риоя этиши зарур; судья қандай масалани ҳал қилишидан қатъи назар ҳаллоллик, холислик ва қонун устуворлигини таъминлашда адолатли бўлишни ўзига шиор қилиб олиши лозим...” ана шу ақидага амал қилганларгина эл орасида юксак рутбаларини сақлаб қоладилар.

Кейинги тўрт-беш йил ичида мамлакатимизда ҳақиқий одил судловни яратиш борасида талай хайрли ишлар амалга ошириляпти. Китобда жараёни мустаҳкамлаш, суд маҳкамасини кишилар наздидаги “нажот қалъаси”га айлантириш борасида талай таклиф мулоҳазалар ҳам берилган-ки, уларни инobatга олиш тизимни ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши тайин.

Ҳар бир касбнинг ўз йўриқномаси бўлади. Ходимлар ана шу асосида ишларини ташкил этадилар. Унда ходимнинг турли вазиятларда қандай йўл тутиши миридан-сиригача белгилаб берилади ва унга амал қилган ходимнинг ҳеч қачон юзи шувит бўлмайди.

Қадрли устозимиз Убайдулла Мингбоевнинг мазкур китобини ўқиган ҳар бир ҳуқуқшуноснинг тасаввурини пайдо бўладиган илк фикр ҳам шундай бўлади, менинг назаримда. Негаки, улуғ мақсадлар йўлида белига судьяликдек заҳмат камарини боғлаган кишининг иш столи устида доимий турса, ҳар доим ёнида олиб юрса оғирлик қилмайдиган, қийин палларда бирров кўз югуртирса мушкулотдан халос қиладиган, йўл топиб берадиган қўлланма яратилибди. Муҳтарам устозимиздан бундан кейин ҳам ажойиб китоблар, маслаҳатномалар кутиб қоламиз.





**Муроджон ШЕРМАТОВ,**  
“SHERNUR yuridik xizmat” адвокатлик  
бюроси адвокати

## ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

### АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят судларида халқ маслаҳатчиларининг жамоатчилик вакили сифатидаги иштирокини таъминлаш, шунингдек, уларнинг судларда тутган ўрни, миллий қонунчилик ва халқаро тажрибада синалган институтни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Қалит сўзлар:** судларда жамоатчилик назорати, халқ маслаҳатчилари, миллий қонунчилик ва халқаро тажриба, халқ маслаҳатчилари сайлови, халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш тартиби, суд ишининг ошкоралиги, очиқ суд мажлиси, ёпиқ ва қисман ёпиқ суд мажлиси.

### АННОТАЦИЯ:

научная статья анализирует зарубежный опыт и национальное законодательство по обеспечению участия народных заседателей в уголовных судах в качестве представителей общественности, а также их место в судопроизводстве. Анализируется роль народных заседателей при осуществлении правосудия, полномочия и равные с председательствующим судьей при вынесении приговора. На основании проведенного исследования, были даны предложения по усовершенствованию указанного института.

**Ключевые слова:** общественный контроль в судах, народные заседатели, порядок отбора народных заседателей, открытость судебного разбирательства, открытое судебное заседание, закрытое и частично закрытое судебные заседания.

### ABSTRACT:

The scientific article analyzes the purpose of ensuring the participation of people's advisers in criminal courts as public representatives, as well as their role in the courts, national legislation and international experience. Based on the study of national and international experience, suggestions and recommendations have been developed to improve this institution of people's advisers.

**Keywords:** public control in the courts, people's advisers, election of people's advisers, the order of organization of elections of people's advisers, transparency of the case, open court session, closed and partially closed court session.

**Суд ишларини кўриб чиқишда халқ маслаҳатчилари сифатида фуқароларнинг иштироки таъминланган. Лекин, қонунчилигимизга кўра, халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада кенгайтириш, халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш ўрнига, жиноят процессида якка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бораётганини кўриш мумкин.**

Масалан, жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва кўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи - тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилиши белгиланди. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб кучга кирган мазкур қонун ҳужжатида кўра, оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилиши, халқ маслаҳатчилари эса фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши белгиланди<sup>1</sup>. Халқ маслаҳатчиларининг судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустақамлаши баробарида қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир. Бундан ташқари, халқ маслаҳатчилари адолатни қарор топтириш мақсадида иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчининг ҳаракатларини баҳолайди, жазо берилиши юзасидан фикр билдиради ҳамда суд томонидан судья билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида айбдорга қонун доирасида жазо тайинлашда иштирок этади. Аҳамиятли жиҳати шунда-ки, халқ маслаҳатчиларининг судьялар мустақиллигига мутлақо дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатиши суд ҳокимиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда, жаҳон амалиёти суд жараёнларида фуқаролар иштирок этишининг иккита модели мавжуд бўлиб, булар Шаффен судлари ва ҳакамлик ҳайъатлари ҳисобланади. Шунингдек, процессуал ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларини кўриб чиқиш юзасидан ҳам

уларнинг ҳуқуқий мақоми бир хил эмас. Хусусан, шаффен тизими роман-герман ҳуқуқ тизими мамлакатларига хос бўлиб, мазкур тизимда суд раиси ёки судья билан биргаликда 2 нафар халқ маслаҳатчилари ишларни кўриб чиқишда иштирок этади. Халқ маслаҳатчилари процессуал масалаларни ҳал этишда ва қарорлар қабул қилишда судья билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиши назарда тутилади. Ҳакамлик ҳайъатлари эса англо-саксон қонунчилиги мамлакатларида кенг тарқалган. Асосан ҳакамлик ҳайъатлари томонидан ишларни кўриб чиқиш жараёнида 12 нафар ҳакамлик аъзолари бўлиши талаб қилинади. Ҳакамлик ҳайъатлари эса ишларни кўриш жараёнини кузатиб боради. Суд якуний ҳулосасини қабул қилишда ҳакамлик ҳайъатлари судьялар томонидан аниқ қўйилган саволларга жавоб беради ва суд томонидан бу мажбурий тартибда қабул қилинишини англатади. Яъни, ҳайъат аъзолари жиноятда айбланаётган шахс айбдор ёки айбсизлигига оид саволларга жавоб беради. Шундай қилиб, ҳакамлик ҳайъатлари судларида судьяларга торроқ ҳуқуқлар берилган, аммо айбдорлик масаласини судьянинг ўзи – прокурор, адвокат фикрининг таъсирисиз мустақил ҳал қилади. Шу билан бирга, ҳакамлик ҳайъатлари ва халқ маслаҳатчиларини судда ўз вазифаларини бажаришга жалб қилиш тартибида ҳам фарқ қилади.

Хусусан, Францияда жиноят ишлари судида профессионал судьялар ва суд маслаҳатчиларидан иборат ҳайъат ишларни кўриб чиқади. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, 10 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш (жисмоний шахслар учун) ёки 75000 € миқдорда жарима солиш (юридик шахслар учун) тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Шу билан бирга, 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар учта малакали судья ва тўққизта суд маслаҳатчилари иштирокида кўрилади. Судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи яқка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий ножўя ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллаш олади<sup>2</sup>.

Германияда танловга қадар 30 ёшга тўлган ва 65 ёшдан ошмаган Германия ҳудудида 2 йил муқим яшаган фуқаролар ҳакамлик ҳайъати аъзоси бўлиши мумкин. Шунингдек, фуқароларнинг судлардаги иштироки уларнинг фуқаролик бурчи этиб белгиланган. Ҳакамлик ҳайъати аъзоси бўлган фуқароларнинг судларга келмаслиги судларга нисбатан ҳурматсизлик сифатида баҳоланиб, жарима белгиланишига сабаб бўлади<sup>3</sup>. Шунингдек, ҳакамлик ҳайъати аъзоси сифатида номзодга талаблар белгиланган. Фуқароларнинг профессионал бўлмаган судья сифатида



фуқаролик ва жиноят ишларида<sup>4</sup> одил судловни амалга оширишдаги иштироки кўрилатган низоли ишларнинг тоифасидан келиб чиқиб белгиланади. Шунингдек, халқ маслаҳатчиларининг Европанинг аксарият давлатларида халқ судьяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслиги, шунингдек судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этиши белгиланган.

Буюк Британияда фуқаролик ишлари кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тарафлар учун фуқаролик-ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки шу билан бирга зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги ҳақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари зарарни қанча миқдорда ундириш лозимлигини белгилашлари мумкин.

Шунингдек, халқ маслаҳатчилари ёки ҳакамлик ҳайъатларининг судлардаги иштироки, асосан, МДҲ давлатларида асосий бош қонуни бўлган Конституцияларида белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 15-моддасида Россия Федерацияси фуқаролари одил судловни амалга ошириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги,<sup>5</sup> Украина Республикаси Конституциясининг 124-моддасига кўра, одил судловни амалга оширишда фуқаролар халқ маслаҳатчилари ва ҳакамлик ҳайъати сифатида бевосита иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.<sup>6</sup> Буни одил судловнинг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида фуқароларнинг одил судловни амалга оширишда иштирок этишига оид сиёсий ҳуқуқлари деб эътироф этиш мумкин. Бу суд ҳокимияти ва халқ ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни, суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини, қонуний ва асосли суд қарорларининг чиқарилишини, аҳолига нисбатан ахлоқий-ҳуқуқий жараённинг ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодекси”, “Судлар тўғрисида”ги қонуни ва “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низомда уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган. Юқорида келтириб ўтилган ЖПК қонунчилигига асосан, жиноятчининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ўта оғир тоифали жиноят ишлари биринчи инстанция суди томонидан судьялар ва судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган икки нафар халқ маслаҳатчисидан иборат суд таркиби томонидан кўриб чиқилади. Халқ маслаҳатчилари судларда одил судловни амалга ошириш жараёнида судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги кўрсатилган.

Қайд этиш керакки, қонунчилигимизда ҳам халқаро тажрибани ўрганиш асосида судларда жамоатчилик назорати субъекти сифатида халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ саналади. Хусусан, суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда халқ маслаҳатчиларининг судлардаги мавқеи тобора тушиб бормоқда. ОАВ ёки илмий-амалий семинарларда халқ маслаҳатчиларининг судларда иштироки кераклиги масаласи асосан, демократик принцип сифатида сақлаб турилгани, амалда уларнинг судларда доимий иштирок этувчи вакиллари “номига” иштирок этиб бориши ва бу деярли самарали эмаслиги, ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлиши қайд этилмоқда. Халқ маслаҳатчиларининг самарали фаолият юритишларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ қилиб белгилаб, халқ

маслаҳатчиларига қўйиладиган талаблар ва моддий таъминотига оид нормаларни такомиллаштириш лозим. Масалан, Буюк Британияда “Ҳакамлик ҳайъатлари тўғрисида”ги қонун<sup>7</sup>, Россия Федерациясида “Халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонун<sup>8</sup>, Қирғизистон Республикасида “Ҳакамлик ҳайъатлари тўғрисида”ги қонун<sup>9</sup> айрим давлатларда эса судлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан халқ маслаҳатчилари фаолияти тартибга солинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари”ни белгилаш юзасидан 2006 йилнинг 31 январь кунги 203-1-сон билан қабул қилинган қароридан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан “Суднинг халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Лекин, мазкур қонун қабул қилинмади. Илғор халқаро мамлакатлар тажрибасини ўрганиб шуни айтиш мумкинки, фуқароларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги иштирокини демократик принцип сифатида белгилаб, уларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида “Суднинг халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш лозим.

Шу билан бирга, “Судлар тўғрисида”ги қонунда, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилиши<sup>10</sup>, белгиланган. Лекин, суд ишларини кўришда доимий равишда 2 нафар халқ маслаҳатчиларининг иштирок этаётганини кўриш мумкин. Бу эса халқ маслаҳатчилари йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат келишига оид норманинг бузилиши ҳисобланади. Мазкур нормалар бузилишининг олдини олиш мақсадида дастлаб фуқароларнинг судлардаги халқ маслаҳатчилари сифатида иштирокини уларнинг фуқаролик бурчи ёки сиёсий ҳуқуқи сифатида белгилаш лозим. Масалан, Россия Федерацияси<sup>11</sup>, Беларуссия<sup>12</sup> ва Украинада фуқароларнинг судлардаги иштироки конституция билан сиёсий ҳуқуқ, Германия Федератив Республикасида эса фуқаровий бурч сифатида белгиланган. Шу билан бирга, халқ маслаҳатчиларининг судлардаги иштироки юзасидан келиб чиқадиган харажатларини тўлаб бериш ва ишларни кўриш жараёнидаги моддий манфаатдорлигини белгилаш лозим.

Амалиётда халқ маслаҳатчиси сайлови номигагина ўтказилишини ҳам оқлаб бўлмайди. Кўпинча ташкилотда енгилроқ юмушларни бажарадиган шахслар маслаҳатчиликка тавсия қилинади. Сайлангандан кейин белгиланган тартибда халқ маслаҳатчиси бўлган ходимнинг суд мажлисларига юборилмаслиги, судларга бе-



фарқ муносабат асоссиз равишда суд мажлисларининг қолдирилишига олиб келиб, одил судловга эришишда тўсиқ бўлмоқда. Аслида халқ маслаҳатчисини сайлашда жамоада ўз ўрнига эга, малакали, билимли ва масъулиятли ходим танланишига эътибор қаратилиши керак. Айнан шундай ходимлар сайланмаганидан кейин халқ маслаҳатчилари жиноят иши бўйича мустақил, равон фикр билдира олмайди. Иши кўрилатган фуқаронинг тақдирига масъулият билан ёндаша олмаслиги эса кундай равшан.

Шу сабабли халқ маслаҳатчилари сайловини масъулият билан ўтказиш зарур. Худудларда ташкил этилган судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия аъзоларининг бевосита иштирокида сайловни корхона, муасаса ёки ташкилот доирасида ўтказиш билан чегараланиб қолмасдан, кенгроқ доирада ўтказиш лозим. Туман (шаҳар) миқёсида катта амалий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган фуқароларнинг номзодларини кўрсатиб, улар орасидан муносибларини сайлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, доимий тартибда икки ҳафтада навбатма-навбат алмашадиган халқ маслаҳатчилари жадвалини ишлаб чиқиш керак. Демак, судлар томонидан қарорлар қабул қилинишида жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш судьялар ва суд аппарати ходимларнинг мансаб ваколлати суиистеъмол қилинишининг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратини таъминлайди. Ўз навбатида, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат кучайиб боради.


Юқорида келтириб ўтилган халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

**Биринчидан**, Конституциямизга фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари сифатида одил судловни амалга оширишдаги иштирокига оид нормани киритиш лозим.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг "Суднинг халқ маслаҳатчилари тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш, унга халқ маслаҳатчиларига талаблар, халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, дахлсизлиги ва мустақиллигига оид нормалар ҳамда судлардаги иштирокига оид талабларни киритиш мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, халқаро тажрибага асосланиб, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноят ишларини кўриб чиқишда ҳам халқ маслаҳатчилари институтини жорий этиш керак.

**Тўртинчидан**, Фуқаролик ишлари бўйича судларда айрим тоифадаги ишларнинг кўриб чиқилишида халқ маслаҳатчиларининг иштирокини таъминлаш лозим. Масалан, оилавий



муносабатлар (никоҳни бекор қилиш, бола тарбиясига оид масалалар), мерос масалаларига оид ишларни кўришда халқ маслаҳатчиларини жорий қилиш ўринли бўлади.

**Бешинчидан**, судларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан ҳар бир суд учун белгилаб берилган халқ маслаҳатчилари таркибини шакллантириш ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этишни туман ҳокимликлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ваколлатига ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бунда туман, шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тегишли судларнинг худудида жойлашган ҳарбий қисмлар кўмондонликлари томонидан ўз розилиги билан тасдиқлаган бенуқсон обрў-эътиборга, тажрибага эга фуқаролар орасидан тавсия этилган номзодларга овоз бериш йўли билан сайловни ташкил этиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1995 й., 2-сон, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.
2. Франция // Правовые системы стран мира. -М.: Норма. 2000. -С. 526.
3. Strafprozessordnung of February, 1877. In the notes these laws will be referred to as GVG, CPO and StPO respectively art 56-57.
4. 1 Gerichtsverfassungsgesetz of January 27, 1877, with amendments of May 17, 1898; Civilprozessordnung of January 30, 1877, with amendments of May 17, 1898; and Strafprozessordnung of February, 1877. In the notes these laws will be referred to as GVG, CPO and StPO respectively. For good discussions of the German judicial system, see Laband, Deutsches Staatsrecht, 1901, vol. iii, pp. 335 et seq., and Garner, "The German Judiciary," "POLITICAL SCIENCE QUARTERLY", vol. XVII, p. 490, and vol. XVIII) p 512.
5. <http://www.constitution.ru/10003000/10003000-4.htm>.
6. <http://sevkrimrus.narod.ru/ZAKON/konstukr.htm>
7. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1974/23>
8. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_25452/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_25452/)
9. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202673?cl=ru-ru>
10. Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисидаги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.
11. <http://www.constitution.ru/10003000/10003000-4.htm>.
12. <https://pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/>



**Наргиза АШУРОВА,**  
юримдик фанлар  
номзоди, доцент

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МОЛ-МУЛКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХАРАКТЕРИ ҚАНДАЙ НАМОЁН БЎЛАДИ?

Тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқидан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Хусусан:

1) агар фуқароларнинг мулк ҳуқуқи режимида асосий мақсад истеъмолга қаратилган бўлса, тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқи режими фойда олишга йўналтирилади ва бу тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Чунки, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини амалга ошириш учун мол-мулкдан асосан даромад олиш мақсадида фойдаланиши ва шу мақсадлар учун ушбу ҳуқуқни амалга ошириш лозим. Фуқаро эса ўз мол-мулкдан энг аввало ўзининг шахсий истеъмол мақсадларини қондириш истагини кўзлайди. Агар фуқаро ўзининг мулк ҳуқуқида фойда олишни кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, у мазкур фойдадан ҳам истеъмол мақсадларида фойдаланишига ҳеч қандай тақиқ мавжуд бўлмайди.

Масалан, фуқаро ўзининг пул маблағларини банкка омонат қўйди ва ундан муайян сумма фойда кўрди. Фуқаро ушбу маблағ ва ундан олинган фойдани ўзининг шахсий истеъмоли учун ишлатиши мумкин. Аммо тадбиркорлик субъектининг банкка депозитга қўйилган пул маблағларидан фоизлар кўринишида олган қисмини ҳам балансида акс эттириши ва ундан тадбиркорлик субъекти мақсадларида фойдаланиши лозим. Албатта, мазкур қиёслашда ҳам муайян истисно мавжуд, яъни якка тадбиркор фуқароларнинг мулк ҳуқуқи режими ва уни қай мақсадларда фойдаланишида аниқ чегара мавжуд бўлмайди. Бунда якка тадбиркор тадбиркорлик мақсади учун ажратилган мол-мулкдан шахсий мақсадлар учун ҳам фойдаланиши мумкин бўлади;

2) фуқаролар мулк ҳуқуқидан фарқли равишда, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи қатъий рўйхатга олиш ва солиқ назоратига бўйсундирилган бўлади. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқига таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида баланс, смета ва бухгалтерия ҳисоботини юритади;

3) фуқаролар мулк ҳуқуқи фарқли равишда тадбиркорлар мулк ҳуқуқидан бир нечта фарқлар билан намоён бўлади. Яъни: хусусий тадбиркорлик тузилмаларида – хусусий мулкка асосланган тартиб; давлат мулкига асосланган тадбиркорлик субъектларида – оператив бошқариш ҳуқуқи (масалан, унитар корхона) тартиби; нодавлат нотижорат ташкилотла-

рида – мол-мулкдан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишнинг чекланган тартиби.

Шунингдек, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”-ги қонуннинг 15-моддасида оилавий корхонанинг мол-мулки, оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фондига киритиладиган мол-мулкдан, қарз маблағлари ва кредитлар ҳисобига олинган мол-мулкдан, товарларни реализация қилишдан, ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан олинган ва оилавий корхонани ривожлантиришга йўналтирилган даромадлардан, шунингдек бу даромадлар ҳисобига олинган мол-мулкдан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардан таркиб топади<sup>1</sup>.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мол-мулкларини муомалага киритиш билан боғлиқ ўзига хос ҳуқуқларга ҳам эгадирлар. Жумладан, улар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, ишлаб чиқариш дастурини мустақил тузиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлари истеъмолчиларини мустақил танлаш, тадбиркорлик фаолиятидан қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархини ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақини мустақил белгилаш ва бошқалар.

Тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқига алоҳида урғу берилишидан мақсад, энг аввало, тадбиркор мақсадлари учун ажратилган мол-мулкдан фақат шу мақсадлар учун фойдаланиш, бунда қатъий ҳисобни юритиш асосида тадбиркорлик фаолиятида барқарорликни таъминлаш назарда тутилади. Муассислар томонидан тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк ажратилиши (масалан, МЧЖ, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона) ёки мулкдорнинг ўз мол-мулкдан муайян қисмини тадбиркорлик мақсади учун “тикиши” орқали мулк ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқий режими вужудга келтириши ушбу шахсларнинг иқтисодий муносабатларга алоҳида мақом – тадбиркорлик мақоми орқали кириб келишига имкон яратади. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи режими – ушбу фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун тадбиркорлик субъекти мақоми бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги<sup>2</sup> қонуни 3-моддасида келтирилган “таваккалчилик ва мулкий жавобгарликка асосланган даромад олиш” фаолиятининг негизиди,



алоҳида ажратилган ва шу мақсадлардаги фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулк мавжуд бўлиши талаб этилади. Бу мол-мулк эса муассис, мулкдор мол-мулкдан алоҳида ажратилиши, тегишли балансда акс эттирилиши лозим. Мазкур талаб қонун чиқарувчи томонидан белгиланган “мулккий жавобгарлик”ни таъминлашнинг асоси саналади.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулки учун алоҳида мулк ҳуқуқи режимининг зарурати Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги<sup>3</sup> қонуни 3-моддасида берилган таърифда хўжалик шартномасига қўйилган асосий талаб сифатида товарлар сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш тадбиркорлик фаолияти соҳасида амалга оширилиши лозимлиги қайд этилган.

Бундан келиб чиқиб айтиш лозимки, тадбиркорлик фаолияти асосан мана шунда, яъни: таваккалчилик, ташаббускорлик ва мулккий жавобгарликда ифодланади. Ушбу фаолият мол-мулк орқали амалга оширилади, мулккий таъминот орқали бўлади. Асосий мақсад мулккий воситаларни тадбиркорлик фаолиятида қўллаш ҳисобланади ва бу тегишли молия бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилади. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқининг статик ҳолати, одатда тадбиркорлик фаолияти қанча мол-мулк билан вужудга келганлигини англаувчи мезон ҳисобланса, динамик ҳолати тадбиркорлик субъекти мол-мулки “камайиб бораётганлиги ёки аксинча, кўпайиб бораётганлиги”ни кузатиб боришда акс этади.

Ҳуқуқий ва иқтисодий нуқтаи назардан ҳуқуқий асос тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширилишини таъминлайдиган ўзига хос тизим ҳисобланади. Агар ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаса ёки амал қилмаса, тадбиркор бу мол-мулк “ўзимнинг мулким, уни хоҳлаганимдай ишлатаман”, деган асос билан ўзининг шахсий мақсадларида мазкур мол-мулкдан фойдаланиши мумкин. Аксинча бу ҳолатда субъект тегишли мол-мулкни тадбиркорлик фаолиятида қўллаш учун балансга киритдими, демак фақат шу мақсадда фойдаланиши керак. Бошқа мақсадларда фойдаланишни чеклаш лозим бўлади ва тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқига нисбатан ана шундай чекланган тартиб амал қилади.

Хусусий мулк билан шахсий мулк ўртасида нисбат мавжуд. Бундан келиб чиқиб хусусий мулкни фойдаланиш мақсадига қараб қуйидаги уч тоифага ажратиш мумкин: истеъмол учун белгиланган мол-мулк, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик учун мўлжалланган мол-мулк. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги<sup>4</sup> қонунининг 16-моддаси биринчи қисмига кўра, оилавий корхона иштирокчилари ўз турар-жойидан оилавий корхонанинг тадбиркорлик қилиши учун фойдаланишига йўл қўйилади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига 1-илова “Касаначилик тўғрисида”ги<sup>5</sup> Низомнинг 4-банди иккинчи хатбошисида касаначилик фаолиятини амалга оши-

риш учун тураржойни нотураржойга айлантириш талаб этилмаслиги белгиланган.

Бундан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятининг муайян соҳалари ва турларида, тадбиркорлик субъектига тегишли мол-мулкдан бир вақтнинг ўзиде икки мақсадда фойдаланишга йўл қўйилади ва аксарият ҳолларда устуворлик дастлаб истеъмол мақсадларига берилади. Бироқ, бу ҳолатда тадбиркорлик фаолияти туфайли жавобгарлик юзага келганда ундирувни бир пайтнинг ўзиде икки мақсадда фойдаланилган мол-мулкка, масалан турар жойга қаратиш масаласи мунозаралидир. Чунки, юридик шахснинг жавобгарлиги одатда унга тегишли бўлган алоҳида мол-мулкка қаратилади ва фақат қонунда ёки таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда муассислар жавобгар бўлиши ҳамда ундирув уларнинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Якка тадбиркорнинг фуқаролик жавобгарлиги ФКнинг 25-моддасида белгиланган қоидадан англашилади ва бунда у ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

**Тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг ҳуқуқий асоси тадбиркорлик субъектларининг турлари ва ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб ҳам фарқлинишини инобатга олиш зарур. Мол-мулк ҳуқуқий режимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, қуйидаги таснифни келтириш мумкин:**

- ✓ *хусусий мулкдорлар – якка тадбиркор мол-мулкнинг ҳуқуқий асоси;*
- ✓ *хўжалик жамиятлари ва ширкатлари (ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ҳам шунга кирди) мол-мулкнинг ҳуқуқий асоси;*
- ✓ *умумий мулкка асосланган юридик шахслар конструкцияси: деҳқон хўжалиги ва оилавий корхона (булар юридик шахслар мол-мулки субъекти бўлмайдими) мол-мулкнинг ҳуқуқий асоси.*

Мазкур таснифдаги субъектлар хусусий мол-мулкнинг ҳуқуқий асоси уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқади ҳамда ўзларига қарашли мол-мулкнинг тегишли тартибда қайд этилганлиги, фуқаролик муомаласида бўлиши юзасидан қарор қабул қилиш тартиби, мажбуриятлар учун жавобгарлик хусусиятлари асосида фарқланади.

Эътироф этиш лозимки, мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг режимини белгилаш муҳим ўрин тутувчи тизим саналади. Мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтгандан кейин, кўчмас мулк билан бирга, уларга тенглаштирилган мол-мулклар автотранспортлар, бульдозерлар, тракторлар, алоҳида станокларни ҳам инобатга олиш лозим.



Тадбиркорлик субъектлари тегишли мол-мулкларнинг муайян турлари, кўчар ёки кўчмас мол-мулк бўлишидан қатъи назар рўйхатга олинади ва бу борада тегишли қайдлар юритилади. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари мол-мулклари (кўчмас мол-мулклар, транспорт воситалари ва шу кабилар) нинг давлат рўйхатидан ташқари, техник рўйхати ҳамда инвентаризация дафтарлари мавжуд. Қолаверса, ҳар бир воситани инвентарь тартиб рақами бор ва шу бўйича балансда улар акс этади.

**Тадбиркорларнинг хусусий мулк объектлари доираси бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”<sup>7</sup> қонуни билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни тадбиркорлик субъектлари томонидан хусусийлаштиришга рухсат берилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>8</sup> ПФ-6243-сон Фармони билан 2021 йил 1 августда куйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:**

➔ мулк ҳуқуқи ва ижара нодавлат тузилмаларига, давлат тузилмаларига – доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

➔ ФКнинг 165-моддаси Ер кодексининг 17-моддасида белгиланган ерга нисбатан ашёвий ҳуқуқлар (мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи) асосида ер ажратиш бекор қилинган ҳолда, илгари ушбу ҳуқуқ эгаси бўлган шахсларда мазкур ҳуқуқ сақланиб қолади;

➔ ер участкаси ижара асосида бўлгани ҳолда унда жойлашган кўчмас мол-мулклар сотилганида, кўчмас мол-мулкка мулк ҳуқуқи билан бирга, ерга нисбатан ижара ҳуқуқи ҳам сотиб олувчига ўтади;

➔ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очик электрон аукцион асосида ижарага берилади;

➔ қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар эса электрон онлайн-аукцион асосида мулк ҳуқуқи ва ижарага берилади.

Тадбиркорлик хусусий мулк ҳуқуқи объекти сифатида интеллектуал мулкни баҳолаш ва уни балансда акс эттириш алоҳида долзарблик касб этади. Қайд этиш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқини ҳисобга олиш ва уни балансда акс эттириш ўзига хос хусусиятларга эга.

Фикримизча, асосий фаолияти илмий-технология жараёнлари билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкига нисбатан алоҳида ва ўзига

хос ҳуқуқий мақомини назарда тутиш лозим. Бу турдаги тадбиркорлик субъектлари мол-мулкни рўйхатга олиш, балансда акс эттириш ва бухгалтерия ҳисобини юритишга нисбатан махсус норматив-ҳуқуқий талабларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари мол-мулки таркиби ҳам бугунги илм-фан ривожланиши босқичида кенгайиб, янгидан-янги моддий объект турлари билан бойиб бораётганлиги ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш заруратини юзага келтирмоқда. Жумладан, юқори технологик ишлаб чиқариш воситалари иқтисодийнинг турли тармоқларига кириб келаётганлиги, ушбу объектларнинг юридик табиати анъанавий мол-мулкнинг ҳуқуқий режимидан фарқ қилиши сабабли ҳам, тадбиркорлик субъектлари мол-мулки таркибида мазкур, юқори технологик объектларни қайд этиш, улар ҳисобини юритишнинг янгича тартиботини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Масалан, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида дронлар, енгил авиация кемаларидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Ушбу объектларга нисбатан тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи ҳамда уларни юридик шахсларнинг балансидан акс эттириш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, бундай мол-мулкларга нисбатан эгалик ҳуқуқини бериш тартибини белгилаш долзарбдир.

Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари доирасининг кенглиги, турларининг хилма-хиллиги, мол-мулклар жалб этилиши мақсадларининг турличалиги ҳам муайян ҳуқуқий режимларни юзага келтиради. Масалан, тадбиркорлик субъектлари мол-мулкнинг одатдаги режимидан фарқ қилувчи инвестиция режими<sup>9</sup>, ислом молияси режими<sup>10</sup>, махсус иқтисодий зоналар режимлари<sup>11</sup> мавжуд. Агар инвестиция режимидаги мол-мулкка муайян имтиёзлар ва кафолатлар тақдим этилса (хусусан, чет эл инвестори учун ноқулай ўзгаришларга нисбатан кафолатлар), ислом молияси режимидаги мол-мулкка нисбатан махсус қонунчилик амал қилиши белгиланади, махсус иқтисодий режимда муайян ҳудуд учун бериладиган имтиёзлар амал қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ўзини ўзи банд қилган шахслар ва уларнинг хусусий мулк ҳуқуқи режими билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Таъкидлаш лозимки, фрилансерлик – ўзини ўзи бошқариш расман тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмаса-да, ушбу фаолият бевосита фойда олишга ҳамда аҳолининг кенг қатламига турли хизматлар кўрсатиш ва иш бажаришга қаратилганлиги, бевосита ушбу фаолиятни амалга оширувчи томонидан мунтазам олиб борилиши ҳамда таваккалчиликка асосланганлиги сабабли ҳам тадбиркорликнинг муайян қирраларига эга ҳисобланади. Шу сабабли фрилансерликка қонунчилик даражасида тадбиркорлик мақоми берилмаган бўлса-да, фрилансерларга нисбатан муайян имтиёзлар берилиши ҳамда уларнинг меҳнат стажини солиқ идорасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳисоблаши ушбу фаолиятни квази тадбиркорлик деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Бироқ, бунда фрилансерлар ўз

фаолиятини ўзларининг хусусий мол-мулкига асослашиб амалга ошириши, юзага келадиган мажбуриятлар учун жавобгарлик умумфуқаролик тартибда одатдаги фуқаролар ўртасидаги муносабат сифатида кўрилиши масаласи мунозаралидир. Шу сабабли фрилансерлар ва буюртмачилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини аниқлаштириш, уларга нисбатан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган қоидаларни татбиқ этиш лозим бўлади. Қолаверса, ушбу қатламнинг айрим илғорларини тадбиркорлар қатламига ўтказишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик муомаласида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан муҳим механизмлардан бири саналади. Зеро тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини бошлаш учун тегишли мол-мулкка ёки етарли маблағга эга бўлмаганида таваккалчилик асосида бошқа шахсларга тегишли мол-мулкни жалб этиши мумкин. Масалан, ўз дўконини очиб бизнесни бошлаш учун бино бўлмаганда, тадбиркор бошқа шахсга тегишли бинони ижарага олиши мумкин.

Фикримизча, тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланишнинг янги усулларини жорий этиш ва уларни қўллашнинг самарали ҳуқуқий тартиботини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, тадбиркорлик фаолиятида ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан бир қатор ижобий жиҳатларга эга. Бу орқали бўш турган мол-мулклар иқтисодий муомалага киритилади ва шу орқали иқтисодий фойда олинади (мол-мулкнинг эгаси ҳам, тадбиркорлик субъекти ҳам), тадбиркорлик фаолияти иқтисодий асосга, ишлаб чиқариш воситалари ва ускуналарига эга бўлади, тарафлар ўртасида шартномавий-ҳуқуқий конструкцияни жорий этиш ҳамда тегишли расмийлаштиришлар эмас, муносабатлар қонунчиликда белгиланган ҳамда одат нормалари асосида тартибга солинади. Қолаверса, ашёвий-ҳуқуқий усулларда тадбиркорлик фаолиятига ўзгалар мол-мулкни жалб этиш орқали мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг ўзаро тақсимоли ва бегоналашуви содир бўлмайди ҳамда ушбу ҳуқуқлар жамланмаси ва яхлитлиги сақлаб қолинади.

Одатда мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар орқали амалга оширилади ва булар жумласига, лицензия шартномалари, мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш шартномаси, франшизинг шартномаси, жамоавий бошқариш шартномаси, ишончли бошқариш шартномаси<sup>12</sup> ва шу каби бошқа шартномаларни киритиш мумкин.

Фикримизча, ўзгаларга тегишли интеллектуал мулк объектларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишнинг асоси сифатида лицензия шартномаларини қўллашни кенгайтириш, уни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш тартиботини соддалаштириш, мазкур шартномалар амал қилишда мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг аниқ механизмларини жорий этиш лозим бўлади.



Таъкидлаш лозимки, қурилишда улушли иштирок этиш унда қатнашаётган шахслар учун ижобий ва салбий жиҳатларга эга. Масалан, Президентимизнинг 2020 йил 27 майдаги ПҚ-4732-сон қарори билан тасдиқланган “Кўп квартиралар уйлари улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги<sup>13</sup> Низомнинг 5-бобида улушдорнинг маблағлари қурувчи томонидан хизмат кўрсатувчи банкнинг алоҳида ҳисобварағига кўйилиши белгиланган ва ушбу маблағлардан фойдаланиш тартиби назарда тутилган. Бироқ, агар қурувчи зиммасидаги мажбуриятини объектив сабабларга кўра бажара олмай қолса ёки қурилиш билан боғлиқ бошқа нохуш ҳолатлар сабабли қурилиш ишлари тўхта тилса, қурилишда улуши бор шахслар, яъни бунга пул “тиккан”лар “қуйиб қолиши” мумкин. Фикримизча, бунинг олдини олиш мақсадида қонунга кўра улуши бор шахсларнинг пули қурилиш тугагунига қадар банкда туриши лозим.

Мулкдор ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларда шартнома асосида иш юритилади. Бунда тадбиркор ҳуқуқлари кафолатлари, иккинчи томонда эса баланс ва мувозанат бўлиши керак. Мулкдор ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилса, шартномани бир томонлама бекор қилса, уни қайтармоқчи бўлса тадбиркор қийин ҳолатда қолади ва унинг имкониятлари пасаяди. Шу сабабли тадбиркор ҳуқуқларининг кафолатлари ҳам қонунчилик даражасида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Халқ сўзи. 2012 йил 27 апрель
2. <https://lex.uz/docs/2006789>
3. <https://lex.uz/docs/18942>
4. <https://www.lex.uz/acts/2004956>
5. <https://lex.uz/docs/967547>
6. Черноиванов А.Г., Шапиро Е.А. Анализ организации и технологии утилизации сельскохозяйственной техники и пути повышения её эффективности // Научный журнал КубГАУ, 2013. №86(02) / <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-organizatsii-i-tehnologii-utilizatsii-selskohozyaystvennoy-tehniki-i-puti-povysheniya-eyo-effektivnosti>
7. <https://lex.uz/docs/4471684>
8. <https://lex.uz/docs/5450176>
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” УРҚ-598-сон қонуни // <https://lex.uz/docs/4664142>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3686277>
11. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги УРҚ-604-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/4737511>
12. Сафоева С.М. Интеллектуал мулк объектларини тижорат муомаласидаги айрим ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2008. – 81-82 б.
13. <https://lex.uz/docs/4831129?query>



**Зафар АМИРОВ,**  
Судьялар олий макта-  
би ўқитувчиси, юридик  
фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

## МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ЎРТАСИДАГИ УЙҒУНЛИК – АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ГАРОВИ

**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланганлик даражаси мамлакатдаги сиёсий тизимнинг характерини, давлатда қанчалик демократик қадриятлар ўрнатилганлигини кўрсатади. Акс ҳолда мамлакат ўзини ҳар қанча демократик давлат деб эълон қилмасин буни ҳеч ким тан олмайди.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи бутунжаҳон конференцияси (Вена, 1993 йил) Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга эътиборнинг “ҳали ҳам бошланғич даражада” эканлигини эътиборга олиб, ўзининг Декларацияси ва Ҳаракат дастурида “барча давлатлар ва муассасаларни инсон ҳуқуқлари, гуманитар ҳуқуқ, демократия ва қонунийлик масалаларини барча ўқув юрларининг ўқув дастурларига киритиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг миқёсдаги таълимни таъминлаб берувчи инсон ҳуқуқлари соҳасида муайян дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқишга чақирди”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон фармонида мактабгача таълим ва умумтаълим

муассасаларида, академик лицей ва коллежларда, шу билан бирга судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув курсларини жорий этиш, шунингдек, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланган. Фармонда мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши лозимлиги қайд этилганлиги судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилишининг инсон ҳуқуқлари устуворлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги аҳамияти нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Фармонда белгиланган мазкур вазифадан келиб чиқиб, фармон ва унинг “Йўл харитаси” доирасида Судьялар олий мактабида “Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ” кафедраси ташкил этилиб, кафедра томонидан судьялик лавозимларига номзодлар, судьялар ва суд аппарати ходимларини инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади.

Унга кўра, илк бор судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг ўқув режасига “Одил судлов ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар” модули киритилган ва унинг ўқув дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида Олий мактабнинг “Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ” кафедраси томонидан магистратура тингловчилари учун ўқув машғулотлари олиб борилади.

Бундан ташқари, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш ўқув курсининг ўқув дастурига “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш” деб номланган ўқув модули киритилган. Мазкур модул доирасида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар”, “Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсати ва судларда инсон ҳуқуқлари таъминланиши”

*Халқнинг аҳволи  
ҳеч қачон адо-  
латсиз яхшилан-  
майди.*

**Ҳусайн Воиз  
КОШИФИЙ**



мавзуларида судьялар ва суд аппарати ходимлари учун ўқув машғулоти йўлга қўйилган. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курсининг ўқув режасига “Одил судлов ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар” модули киритилган.

**Мазкур модулар асосида таълим берилиши эса қуйидаги имкониятларни яратди:**

➔ келгусида судлар томонидан миллий ҳуқуқ нормаларидан ташқари, халқаро ҳуқуқ нормаларидан ҳам фойдаланиш ва уни ўз иш юритишда қўллаш кўникмаларини шакллантиришига хизмат қилади;

➔ миллий ҳуқуқ нормалари ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги баъзи тафовутларни аниқлаш имконини беради;

➔ миллий ҳуқуқ нормалари ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги тафовутнинг аниқланиши миллий ҳуқуқ нормалари қўлланилиши натижасида йўл қўйилиши мумкин бўлган инсон ҳуқуқлари бузилишининг олди олинишига (ҳуқуқбузарликлар профилактикасига) хизмат қилади.

**Миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари ўртасидаги тафовутларни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:**

**1** Токио Олий судида (1993) Нигерия фуқаросига нисбатан кўрилатган ишда Нигерия фуқароси таржимон хизматидан фойдаланади. Нигерия фуқаросига нисбатан айблов ҳукми чиқарилгандан сўнг, суд миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ маҳкумга таржимоннинг хизмат ҳақини қоплаш мажбуриятини юклайди.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган) нинг 14-модда 3 қисми **f**-бандида “ҳар ким агар судда фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки ўша тилда гапиролмаса бепул таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга” деб, қатъий белгилаб қўйилган.

Ушбу ўринда Токио Олий суди томонидан Нигерия фуқаросига таржимоннинг хизмат ҳақини қоплаш мажбуриятининг юкланиши Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 14-моддаси 3 қисми **f**-бандига тўғридан-тўғри зиддир. Ушбу воқеадан сўнг, Япония қонунчилигида Пакт нормасига зид бўлган миллий ҳуқуқ нормаси бекор қилинган.



**2** Ислон динига эътиқод қилувчи муслмон давлатларидан бирида даъвогар она судга қизининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилади. Чунки, унинг фарзанди туғилганда чақалоқнинг онаси сифатида фарзандига исм танлашда фикр билдирганда эри унинг фикрини инобатга олмаган эди. Ушбу ҳолатни қизнинг онаси ҳам суд жараёнида тасдиқлайди.

“Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг 5-моддаси **a**-бандида Иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни қабул қилишларидан мақсад “эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-атвор моделларини битта жинс иккинчиси устидан ҳукмрон бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган хурофий урф-одатлар, бидъатлар ва шунга ўхшаш ҳолларни тугатиш ва бекор қилиш мақсадида ўзгартириш” деб, белгиланган.

Ушбу ўринда фарзанди туғилганда чақалоқнинг онаси сифатида фарзандига исм танлашда фикр билдирган онанинг фикрини эр томонидан инобатга олинмаганлиги суд томонидан конвенциянинг 5-моддасида келтириб ўтилган номақбул одат сифатида баҳоланади ва даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармон.
2. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк).
3. “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (Нью-Йорк 1979-йил 18-декабрь).
4. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. 5- б.



**Зафар АЛЛАБОВЕВ,**  
Самарқанд вилоят  
суди раисининг  
ўринбосари

## ХАЛҚАРО СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МЕЪЁРЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА ТУШУНЧАЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МУАММОСИ

*Халқаро судловни тартибга солишда, меъёрлар мазмунининг аниқлигига эришишда бир қатор тўсиқлар мавжуд бўлиб, улардан бири – ҳуқуқий тушунчаларни малакалаш муаммосидир. Бу муаммо фақат халқаро судлов меъёрларини бевосита қўллада аниқланади.*

Анъанага кўра, ҳуқуқшунослик фанида малакалаш масаласи коллизия (фуқаролик, оила, меҳнат ва халқаро тусдаги бошқа ҳуқуқий муносабатга қайси давлат ҳуқуқи қўлланилиши лозимлигини кўрсатувчи) меъёрларга нисбатан қўйилади. Халқаро хусусий ҳуқуқда малакалаш муаммосини олимлар қуйидагича ифодалашади: “Коллизия меъёр билан ишлатиладиган ҳуқуқий тушунчаларни қўллаш учун одатда уларни шарҳлаш керак, бундай шарҳ эса ҳали аниқлаш лозим бўлган, қўлланиладиган ҳуқуқнинг мазмунига боғлиқ бўлади»<sup>1</sup>. Профессор Кларксон ва Хилл фикрича “коллизия нормаларни танлашда суд, биринчи ўринда, кўриладиган ишнинг фактик томонини ёки чет эл нормасининг аниқ категориясини аниқлаш мақсадида малакалаши (to categorize) лозим. Бундай фаолият халқаро хусусий ҳуқуқда квалификация (classification) ёки характеристика (characterization) деб аталади”<sup>2</sup>. Инглиз олими Форсишнинг таъкидлашича, айнан нима малакаланиши масаласи турли тортишувларга сабаб бўлади: фактлар, даъво асоси, миллий ёки хорижий ҳуқуқ меъёри, коллизия норманинг боғловчиси

ва ҳажми масаласи<sup>3</sup>. Н.С. Бирюкованинг фикрича, малакалаш муаммоси фақатгина ҳуқуқий муносабатга қўлланилиши керак бўлган ҳуқуқни танлаб олиш билангина чекланмайди. Ҳуқуқий малакалашда қўлланилиши керак бўлган ҳуқуқ тизимини аниқлашдан олдин ушбу ҳуқуқий муносабат халқаро характерда эканлигини аниқлаб олиш лозим бўлади. Ҳуқуқий муносабатнинг халқаро характердалигининг аниқланиши муносабатга халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрларини қўллаш мумкинлигини келтириб чиқаради<sup>4</sup>.

Ҳар қандай коллизия меъёр турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимларида ҳар хил тушунилиши мумкин бўлган ҳуқуқий категорияларни қўллайди (ҳар хил ҳуқуқ тизимларида бир хил категориялар бўлиши мумкин эмас, айниқса улар турли тил тизимларида қўрилган бўлса; фақат шунга ўхшашлари бўлиши мумкин). Ушбу тушунчаларни нима асосда изоҳлаш лозим деган савол туғилади. Уларнинг турлича талқин қилиниши ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг турли хил натижаларига олиб келади. Шу муносабат билан халқаро хусусий ҳуқуқда бирламчи ва иккиламчи малакаларга ажратилади. Дастлабки малакалаш босқичида ҳуқуқни қўлловчи коллизия меъёр доирасида тушунчаларни малакалашни амалга оширади (lex fori), иккиламчи доирасида - у коллизия меъёр асосида танланган ҳуқуқий тизимни тегишли вазиятга бевосита қўллайди (lex causae)<sup>5</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1159-моддаси асосида дастлабки малакалаш Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига мувофиқ амалга оширилади.

Халқаро судлов нормаларини қўллаш учун малакалаш муаммоси бироз бошқача хусусиятга эга. Таъкидлаш керакки, халқаро фуқаролик процессида мала-





калаш муаммоси, авваламбор, халқаро судловни тартибга солиш билан боғлиқ. Масалан, чет эл элементи мавжуд далилларни баҳолаш мезонлари ҳуқуқий тушунчалар билан боғлиқ эмас - ҳужжат тилини, у тузилган жойни текшириш, фактга доир ҳолатларни аниқлашни талаб қилади. Халқаро судлов тўғрисидаги меъёрларни қўллашда эса нормаларда мавжуд тушунчаларни малакалаш масаласи вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 239-моддасида хорижий шахслар иштирокидаги ишлар бўйича халқаро судловни ўрнатиш асослари белгиланган бўлиб ушбу моддада моддий ҳуқуқ тушунчалари қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шартномани бажариш жойининг мезони бўйича ўз ваколатини ўрнатаётганда (ИПК 239-модда биринчи қисм 3-банд) суд аввал муайян шартномага нисбатан “шартноманинг бажарилиши жойини” аниқлаши керак. Мосравишда бошқа ҳуқуқий тушунчаларни аниқлаш масаласи ҳам юзага келиши мумкин (масалан, “асоссиз бойлик ортирилган жойи”, “юридик факт жойлашган жой” ва бошқалар). Қайси давлатнинг ҳуқуқи асосида суд шартномани бажариш жойини ёки асоссиз бойлик ортириш бўлган жойни аниқлаши керак? Миллий ёки хорижий ҳуқуққа асосланишига қараб мутлақо турлича жавоблар бўлиши мумкин.

Малакалаш масаласи процессуал ҳуқуқда кўриб чиқилмаганлиги сабабли, бу масала Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида алоҳида ҳал қилинмаган. Мантиқан олганда, суд халқаро судлов нормаларини қўллаётганда низоли ҳуқуқий муносабатга баҳо бериши лозим. Муаммо шундаки суд коллизия меъёрлар асосида ҳуқуқий муносабатга

қўлланилиши керак бўлган ҳуқуқ тизимини аниқлаб олиши ва шу асосида ҳуқуқий тушунчани талқин қилиши керакми? (масалан шартнома бажариш жойи ёки тўғридан тўғри миллий қонунчилик қоидаларини қўллаш) – деган савол туғилади.

Халқаро судловни тан олиш ҳуқуқий муносабатнинг давлат билан узвий алоқа принципига асосланади. Бир давлат ҳудудида жойлашган шартномани бажариш жойи ушбу давлат билан ҳақиқий алоқани англатади. Агар биз шартномани бажариш жойини муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ асосида эмас, балки, миллий ҳуқуқ асосида аниқласак, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари асосида қўлланиши керак бўлган ҳуқуқ бўйича шартномани амалда бажариш жойи дастлаб миллий қонунчилик билан аниқланган жойдан фарқ қилиши мумкин. Натижада, шартномани бажариш жойи бўйича давлат билан ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги аломати бўйича халқаро судловни белгилаш тўғрисидаги меъёр ўз мақсадига жавоб бермай кўяди. Халқаро судловни ўрнатиш учун қўлланиладиган боғловчини малакалаш ҳуқуқий муносабатларда узил-кесил қўлланиладиган ҳуқуққа асосланиши керак.

Бошқа томондан, хорижий ҳуқуқнинг мазмунини аниқлаш узоқ ва машаққатли жараён дир. Моддий - ҳуқуқий малака талаб қиладиган таърифлар миллий судловга тегишлилик учун қўлланган тақдирда, қандайдир қийинчиликлар пайдо бўлмайди - суд ўз ҳуқуқини қўллайдди. Чет эл элементи иштирокидаги ишлар кўрилатганда суддан қуйидагилар талаб қилинади: бирламчи малакалани ўтказиш, қўлланилиши лозим бўлган коллизия меъёрни танлаш, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлаш, томонларнинг ҳуқуқий муносабатларига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган танланган моддий ҳуқуқни



қўллаган ҳолда (зарурат бўлганда, хорижий ҳуқуқни ўрнатган ҳолда) якуний малакалашни ўтказиш. Чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш учун суд фуқаролик ишини қўзғатиши ва унинг доирасида хорижий ҳуқуқнинг мазмуни тўғрисида маълумот тўплаши керак бўлади.

Бунинг учун катта вақт ва молиявий харажатларни амалга оширгандан сўнг, суд масалани мазмунан кўриб чиқиш ваколатига умуман эга эмас деган хулосага келиши мумкин. Чет эллик шахсларни хабардор қилиш, чет элдан далиллар олиш, хорижий ҳуқуқнинг мазмунини аниқлаш анча мураккаб вазибалар ҳисобланади. Масалан, ФПК 14-моддасига мувофиқ “чет давлат ҳуқуқ нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида суд кўмаклашишини ва тушунтиришини сўраб, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда чет давлатларининг ваколатли органларига ёки ташкилотларига белгиланган тартибда муурожаат қилиши ёхуд экспертларни жалб этиши мумкин”. Хорижий элемент билан боғлиқ процессни ўтказиш учун бундай харажатларни ҳисобга олиб, чет эл моддий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўз ваколатини текшириш кўп вақт ва маблағ талаб қилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ асосида томонларнинг ҳуқуқий муносабатларини малакалашда халқаро судловни қўллаш талаб қиладиган ёндашув қўшимча назарий қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда. Ўзига хос берк доира пайдо бўлади: суд ишни мазмунан кўриб чиқиши учун (коллизия меъёрларни қўллаши, далиллар тўплаши, ўз халқаро суд юрисдикциясини бошқача тарзда қўллаши) ваколат зарур. Аммо у ишни кўриб чиқишни бошламасдан, ўз ваколатини текшира олмайди, коллизия нормаларни қўллаш олмайди, зарурат туғилганда

хорижий ҳуқуқ меъёрлари мазмунини аниқлаш олмайди.

Кўриб турганимиздек, халқаро судловга тегишлилик нормалари учун малакалаш муаммоси мазкур масалани халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия меъёрлари билан таққослаганда анча мураккаб. Бир томондан, бу халқаро судлов меъёрлари ва чет эл элементида эга муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган моддий ҳуқуқ меъёрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлишидан келиб чиққан. Бошқа томондан, бу процессуал воситаларни тежаш зарурати билан боғлиқ.

Умуман олганда, малакалаш муаммоси давлатлар билан ҳуқуқий муносабатларнинг яқин муносабати принципига кўра юрисдикцияни ўрнатиш муаммоси билан боғлиқ. Айнан ушбу мезон умумэтироф этилган деб ҳисобланади. Давлатлар томонидан юрисдикцияни ўрнатиш учун ва энг муҳими, бошқа давлатларнинг юрисдикциясини тан олиш учун асос бўлиши мумкин. Юридик тушунчаларни малакалаш муаммоси шундан далолат берадики, моддий ҳуқуқий тушунчалардан фойдаланадиган халқаро судловга тегишлилик нормалари фуқаролик ишларининг давлат билан яқин алоқасини акс эттириши бироз мураккаб. Шунингдек, малакалаш тўқнашувининг мисолида биз ҳатто энг оддий ҳуқуқий тушунчаларни (масалан, мулкнинг жойлашуви) ҳам мутлақо бошқача талқин қилиш мумкинлигини кўрсатмоқчимиз. Шу сабабли, ҳатто кўплаб мамлакатлар учун шаклан бир хил халқаро судловга тегишлилик нормалари кўпгина мамлакатлар учун ягона қоидаларни яратмайди ва бунинг устига давлат юрисдикциясининг тўқнашувини бартараф этмайди. Халқаро судловга тегишлилик нормалари учун тушунчаларни малакалаш масаласи қўшимча ўрганиш талаб қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Международное частное право: современные проблемы : в 2 кн. Кн. 2.- М.: Наука, 1993.- С. 182
2. C.M.V. Clarkson & Jo Hill. The Conflict of Laws. 4 th ed. Oxford University Press. 2011. 538 p. P.20
3. Forsyth Ch. Characterisation Revisited: An Essay in the Theory and Practice of the English Conflict of Laws. Vol. 114. LQR. L., 1998
4. Бирюкова.Н.С. Проблема прововой квалификации в международном частном праве. Дисс... кан. Юрид. Наук. М., 2007. С 18
5. Кузнецов М.Н. Введение в международное частное право: теорико-правовое исследование. М.: РУДН,2014. 288с. С.159



# ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИННИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ: ЯПОНИЯ ВА ХИТОЙ МИСОЛИДА



**Элдор ҚУРБОНОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби тинглов-  
чиси, мустақил  
изланувчи

**Қишлоқ хўжалиги ерларидан кенг кўламда фойдаланилиши ўз навбатида унинг муҳофазасини кучайтиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олдини олишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишдек муҳим вазифаларни ҳал этиш заруратини юзага келтиради.**

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасининг ўрганилиши маълум бир йўналиш бўйича таҳлилларга асосланган аниқ хулосаларга келишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланишича, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида дунё ўсимлик маҳсулотларининг 40 фоизи етиштирилади. Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида ер мелиорацияси соҳаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини доимий равишда юқори етиштиришнинг ҳал қилувчи омилдир.

Хитойда мелиорацияланган ерлар улуши 54,9 фоизни, Германияда 44,7 фоизни, Ҳиндистонда 35,9 фоизни, АҚШда 39 фоизни, Францияда 24 фоизни ташкил этади.<sup>1</sup>

Қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясининг ҳуқуқий тартибга солиниши борасида хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинганда, хорижий давлатларда бу борадаги қонунчилик, қишлоқ хўжалиги ер мелиорация тадбирларининг ташкилий жиҳатлари ва тартибга солиш, бу борадаги ваколатли давлат органлари ва уларнинг вазифалари ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ер мелиорациясини ташкил этишдаги иштироки кабиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундан келиб чиқиб, хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясини ташкил этилишида уларнинг қонунчилигига эътибор қаратсак. Япония<sup>2</sup>, Хитой<sup>3</sup>, Ирландия<sup>4</sup>, Грузия<sup>5</sup>, Латвия<sup>6</sup>, Литва<sup>7</sup>, Эстония<sup>8</sup> каби давлатларда ер мелиорациясини тартибга солишга қаратилган алоҳида қонунлар қабул қилинган.

Маълумки, Япония бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва саноати юқори даражада ривожланган давлатлардан биридир. Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича Япония дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 5 200 000 гектар бўлиб, умумий ер фондининг 14 фоизини ташкил этади. Шундан 2 800 000 гектар шולי плантациялари эгаллаган ерлар ҳисобланади. Қолган ерлардан эса қишлоқ хўжалигининг бошқа турли хил мақсадларида фойдаланилади.<sup>9</sup>

Ҳозирда Япония қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини энг кўп импорт қилувчи давлатлардан саналади. Импорт ҳажми экспортга нисбатан 22 баробар кўп.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти умумий экспорт ҳажмининг 0.3 фоизини ташкил этади. Асосий муҳим ўнта импортёр давлатлар Япония қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоизини импорт қилади. Булар АҚШ, Хитой, Индонезия, Филиппин каби давлатлардир.<sup>10</sup>

Японияда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида гуруч етиштирилади (бир йилда 13,2 млн тонна). Шунингдек, сабзавотчилик ва мева етиштириш ҳам ривожланган. Кичик ер фойдаланувчилари Японияда асосий қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар ҳисобланади. Улар эгалигидаги ерлар 1.5 гектарни ташкил этади.<sup>11</sup>

Иккинчи жаҳон урушигача Японияда 44 фоиз қишлоқ хўжалиги ерлари крестьянлар, 56 фоизи эса фермерлар эгалигида бўлган. 1945-1946 йилларда Япония ҳукумати томонидан ер ислоҳоти амалга оширилди ва бунинг натижасида 91 фоиз ерлар фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтди. 1949 йилда “Ерларни яхшилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши натижасида амалда мавжуд бўлган Ер ва ирригация ассоциацияси ислоҳ қилиниб Мелиоратив округлар ташкил этилди.<sup>12</sup>

Японияда мелиоратив округлар фаолияти бугунги кунгача давом этмоқда ва бу қонун билан тартибга солинган ер ва сувдан фойдаланувчилар манфаатини ифодаловчи ўзига хос бошқарув шакли сифатида намоён бўлмоқда. 1949 йилги “Ерларни яхшилаш тўғрисида”ги қонун моҳиятидан шуни англаш мумкинки, мелиоратив ҳудуд жамоавий характерга эга бўлган, ер ва сувдан фойдаланишни тартибга солишга йўналтирилган жамоавий тузилмадир.

Мелиоратив округ автоном фермерларнинг ассоциацияси бўлиб, суғориш тизимларининг барча тузилмаларини бошқариш учун жавобгар ҳисобланади.



Япония ирригация инфраструктурасини бошқаришда ҳам ўзига хослик мавжуд. Япониялик фермерлар суғориш тизимлари техник таъминоти ва уларга хизмат кўрсатишни тўлиқ ўз зиммаларига оладилар. Фермерлар фойдаланувчилар уюшмасини тузади ва ўзлари тўлайдиган аъзолик бадалидан тушадиган тушумларни суғориш тизимлари харажатларига йўналтирилади. Шунингдек, фермерлар марказлашган ва маҳаллий ҳокимият томонидан амалга ошириладиган суғориш тизимларини куриш ва таъмирлаш каби жамоавий ишларда ҳам фаол иштирок этадилар.

Японияда мелиорация соҳасини бошқаришда ҳам айнан мелиорация округларига таянилади. Мелиоратив округлар тафтиш комиссияси, директорлар кенгаши, умумий ва эксплуатация ишлари бўйича доимий кенгаш каби таркибий қисмлардан иборат бўлади ва улар мелиоратив округнинг асосий масалаларини ечишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Асосий бошқарув директорлар кенгаши томонидан амалга оширилади. Директорлар кенгаши аъзолари ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари эгалари бўлиб улар жамоатчилик асосида фаолият юритадилар, фақатгина бош директор маош олган ҳолда ўз меҳнат фаолиятини амалга оширади. Мелиоратив ҳудудларни бошқариш ҳар йили бошида тасдиқландиган бизнес режага асосан амалга оширилади. Бизнес режани тасдиқлаш ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Мелиорация округларида бошқариш кўпчилигининг овозига таянилган ҳолда амалга оширилади.<sup>13</sup>

Бошқаришнинг кўпчилик овозига таянилиши уларда мелиорация борасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бирон бир мелиоратив ҳудудда янгидан мелиорация иншоотларини куриш ёки уларни қайта таъмирлаш зарурати юзага келганда бу лойиҳалар мелиоратив округ аъзолари томонидан маъқуллаб овоз берилиши керак. Бу дегани ўз-ўзидан бундай лойиҳалар кўпчиликка маъқул келиши кераклигини билдиради. Бундай мураккаб тасдиқлаш жараёнидан ўтган қишлоқ хўжалиги мелиорацияси лойиҳаларининг истиқболли бўлишига хизмат қилади.

Юқорида айтилганидек, қишлоқ хўжалигида мелиорация ишларини молиялаштириш мелиорация ҳудудлари аъзолари томонидан амалга оширилади, лекин зарур ҳолларда ерни яхшилаш лойиҳалари учун харажатларнинг бир қисми ҳукумат қарорига мувофиқ бюджетдан ҳам ажратилиши белгиланган.<sup>14</sup>

Бундан кўринадики, Японияда қишлоқ хўжалиги ерларининг молиялаштирилиши ҳам давлат томонидан ҳам мелиорация ҳудудлари аъзолари томонидан ҳам амалга оширилади. Бундай механизмнинг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ерлари учун молиялаштиришдаги бир қатор муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Жумладан, молиялаштиришнинг бундай шакли ер мелиорациясига ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишига, молиялаштириш манбаларининг аниқ бўлишига, ердан фойдаланувчиларнинг мелиорацияланган ерлардан фойдаланишда масъулияти ошиши кабилар.

### **Ер мелиорациясини бошқаришдаги Япония тажрибасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:**

*бундай тизим япон халқининг азалий урф-одатлари ва анъаналарига таянади;*

*мелиоратив округлар демократик йўл билан бошқариладиган, аъзоларининг тенг ҳуқуқлигига асосланган мелиорация иншоотлари ва ер мелиорациясини амалга оширувчи махсус ташкилот ва бундай бошқарувнинг бошқа давлатларда учрамаслиги;*

*мелиорация тадбирларини амалга оширишга мўлжалланган лойиҳалар мелиоратив округ аъзоларининг кўпчилигининг розилиги билан амалга оширилиши бундай лойиҳаларнинг барқарорлигини таъминлайди.*

Хитойда ҳам ер мелиорация ишлари алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади. Бу борадаги асосий қонун ҳужжати – бу “Ер мелиорация тўғрисида”ги низом ҳисобланади. Ушбу қонун ҳужжатида ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шу жумладан ҳайдаладиган ерларни муҳофаза қилиш бўйича асосий давлат сиёсатини амалга ошириш, ер мелиорация муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва бу борадаги бошқарувни ташкил этиш, ердан фойдаланишда экологик муҳофазани таъминлаш каби муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши белгиланган.<sup>15</sup>

Хитой қонунчилигининг аҳамиятли жиҳати шундаки, мелиорация тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилганлигидир. Унга кўра, “мелиорация” ишлаб чиқариш, курилиш фаолияти ва бошқа техноген таъсир ҳамда табиий офатлар натижасида зарар етган ерларни яхшилашга қаратилган ташкилий чора-тадбирлардир.<sup>16</sup>

### **Хитойнинг ер мелиорация борасидаги тажрибасига кўра Хитойда қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорацияси икки йўналишда амалга оширилади. Булар:**

*ишлаб чиқариш ва курилиш натижасида ҳолати ёмонлашган ерларда мелиорация;*

*табиий офатлар натижасида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда мелиорация.*

Мазкур икки йўналишда амалга ошириладиган мелиорация чора-тадбирлари амалдаги қонунчиликда тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинади. Ер мелиорация ишларини ташкил қилишда ташкилий-амалий хусусиятлари, ердан фойдаланувчиларнинг ер мелиорация ишларини ташкил этишдаги иштироки, ер мелиорация ишларида давлат ва маҳаллий органлар иштироки, молиялаштириш ва рағбатлантириш каби муносабатлар инobatга олинади ва тўлиқ қонун билан тартибга солинади. Япония тажрибасидан фарқли ўлароқ Хитой ер мелиорациясини ташкил этишда асосий вазифани давлат органлари амалга оширади.

Бу борадаги асосий давлат органи Хитой Халқ Республикасининг сув хўжалиги вазирлиги ҳисобланади.

Хитой сув хўжалиги вазирлиги ўз фаолияти доирасида катта ваколатларга эга бўлган давлат органи ҳисобланади. Вазирликнинг ташкилий тузилиши ҳам бошқа давлатларнинг худди шу вазирликларига қараганда ўзига хосдир. Асосий вазифалари сифатида сувдан мақсадли фойдаланиш, сув тошқинларининг олдини олиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кабилар белгиланган.<sup>17</sup>

Хитойнинг мазкур вазирлиги қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси ва сувдан фойдаланиш борасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Вазирликнинг асосий бошқармаларидан бири бўлган ирригация, дренаж ва қишлоқ сув таъминоти бошқармаси ўз ваколатлари доирасида сув ва тупроқ муҳофазасини районлаштириш ва режалаштиришни ташкил этади, ер мелиорацияси соҳасида техник шартлар ва стандартларни шакллантиради, сув ва тупроқ сифатини кузатиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади, сув ва тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш, ижро этилиши учун жавобгар ҳисобланади. Йирик дарё ва кичик сув ҳавзаларини бошқариш ҳамда ирригация ва мелиорация иншоотларини қурилишини мувофиқлаштириш каби вазифаларни амалга оширади.<sup>18</sup>

Шунингдек, “Ер мелиорация тўғрисида”ги низомда давлат ер мелиорация соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва техник янгилекларни рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди ҳамда мелиорациянинг илғор технологияларини омдалаштиради<sup>19</sup> деб белгиланган. Хитойда қишлоқ хўжалиги мелиорация ишларини ташкил этилишида давлат бундай кенг ваколатларни ўз зиммасига олишини давлатнинг ўзига хос бошқаруви билан боғлаш мумкин.

Хитойнинг қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясини ташкил этишда бошқа давлатларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, қишлоқ хўжалиги ерларини мелиоратив ҳолатини яхшилаган ердан фойдаланувчиларга имтиёзлар, субсидиялар берилиши ёки мелиорацияга доир қонунчилик талабларини бузганлик учун молиявий жарималар ва жавобгарлик қўлланилиши кабилар.

“Ер мелиорация тўғрисида”ги низомнинг 34-моддасида табиий офатлар натижасида зарарланган ерлар ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки деҳқонлар томонидан қайта ўзлаштирилса, бундай шахсларга маҳаллий халқ ҳукумати туман даражасида ёки ундан юқори даражада субсидиялар бериши, 43-моддасида мелиорация ишларини амалга ошириш мажбуриятини олган ердан фойдаланувчи ўз мажбуриятларини бажарилиши бўйича текширувдан бош тортса ёки бундай текширувни ўтказишга тўсқинлик қилса ёхуд бу борадаги ҳужжатларни сохталаштиришга йўл қўйган бўлса маҳаллий ер ресурслари бўлими бундай шахсларга қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича кўрсатма берган ҳолда молиявий жарима, ҳаттоки жиноий жавоб-

гарликкача таъсир чорасини қўллаши мумкинлиги белгиланган.<sup>20</sup>

### Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хитойнинг қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини амалга оширишнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин:

*қишлоқ хўжалиги ер мелиорация ишлари Қонун билан белгиланган аниқ икки йўналишда ташкил этилади;*

*ер мелиорация ишлари асосан давлат томонидан амалга оширилади;*

*ердан фойдаланувчилар учун имтиёзлар ва қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.*

Қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясининг Япония ва Хитой тажрибаси сингари алоҳида қонун билан тартибга солиниши, ер муносабатлари борасида ҳар қандай янги қарашлар шаклланишидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясини амалга оширишнинг аниқ ташкилий чора-тадбирлари белгиланишига замин яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.Горбунов. Мелиорации сельскохозяйственных земель – нормативно-правовое, научное и кадровое обеспечение // Аграрная политика: проблемы и решения 12/2012. С 3-13.
2. “Ерларни яхшилаш тўғрисида”ги Қонун. 1949 йил. <https://elaws.e-gov.go.jp>
3. “Ер мелиорация тўғрисида”ги низом. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг 22.02.2011 йилдаги 145-сон Қарори. <http://www.lawinfochina.com>
4. “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги Акт 25.11.1949. <http://www.irishstatutebook.ie>
5. “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги Қонун. 16.10.1997. Й 938-Is. <http://www.cawater-info.net>
6. “Мелиорация тўғрисида”ги Қонун. 22.01.2010. <https://mvd.riga.lv>
7. “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги Қонун. 9.12.1993. № 1-323. <http://www.fao.org>
8. “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги Қонун. 20.04.1994. <http://extwprlegs.fao.org>
9. Takashi Hirano, Taketo Nasu, Daisuke Beppu. Agricultural law in Japan: overview. <https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com>
10. Evaluation of Agricultural Policy Reforms in Japan OECD 2009. [www.oecd.org/japan](http://www.oecd.org/japan)
11. General Information. <http://www.fao.org>
12. Водные проблемы Восточной Азии (Китай, Япония, Корея) (Информационный сборник НИЦ МКВК, вып. 12, 2000) Стр. 30
13. Япониянинг “Ерларни яхшилаш тўғрисида”ги Қонуни. 1949 йил. <https://elaws.e-gov.go.jp>
14. Япониянинг “Ерларни яхшилаш тўғрисида”ги Қонуни. 126-модда. 1949 йил. <https://elaws.e-gov.go.jp>
15. “Ер мелиорация тўғрисида”ги низом. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг 22.02.2011 йилдаги 145-сон Қарори. <http://www.lawinfochina.com>
16. “Ер мелиорация тўғрисида”ги низом. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг 22.02.2011 йилдаги 145-сон Қарори. <http://www.lawinfochina.com>
17. Рысбеков Ю.Х., Рысбеков А.Ю. Управление водными ресурсами в Китае. Информационный сборник. 2014. №41. Стр. 14.
18. Водное хозяйство Китайской Народной Республики. Информационный сборник. 2013. №37. Стр. 18.
19. “Ер мелиорация тўғрисида”ги низом. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг 22.02.2011 йилдаги 145-сон Қарори. <http://www.lawinfochina.com>
20. “Ер мелиорация тўғрисида”ги низом. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг 22.02.2011 йилдаги 145-сон Қарори. <http://www.lawinfochina.com>



**Хожи-Мурод  
ИСАКОВ,**  
кандидат  
юридических  
наук

# СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ И НОРМОТВОРЧЕСТВО

**Согласно статьи 11 Конституции Республики Узбекистан, система государственной власти Республики Узбекистан основывается на принципе разделения властей на законодательную, исполнительную и судебную. Судебная власть, являясь самостоятельной ветвью власти, сегодня не обладает нормотворческой функцией, тогда как иные ветви власти наделены правом вынесения нормативно-правовых актов.**

Так, Законодательная палата и Сенат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, как органы законодательной власти, по вопросам, отнесенным к их ведению, принимают постановления. Кенгаши народных депутатов, будучи представительными органами власти в областях, районах и городах также обладают правом принятия нормативно-правовых актов. Кабинет Министров в качестве главного субъекта исполнительной власти – принимает постановления, распоряжения и иные акты нормативно-правового характера. Даже, хокимы районов и городов в пределах предоставленных им полномочий принимают решения, которые обязательны для исполнения всеми предприятиями, учреждениями, организациями, объединениями, а также должностными лицами и гражданами на соответствующей территории.

Хотя статья 110 Конституции Республики Узбекистан, определяя особый статус Верховного суда в судебной системе страны, устанавливает общеобязательность судебных актов на всей территории Республики Узбекистан, данная конституционная норма, главным образом, касается судебных решений по рассмотрению дел по существу и не охватывает организационно-ведомственных, административных аспектов деятельности судебной власти, требующих такого же императивного подхода.

Так, ввиду того, что судебная власть не обладает нормотворческой функцией, она не в состоянии урегулировать возникающие между судами и третьими лицами вопросы вне процессуального порядка. Более того, судебная власть не наделена административными ресурсами по регулированию правоотношений, возникающих между субъектами иных ветвей власти.

Данный пробел в законодательстве препятствует своевременному и эффективному разрешению возникающих проблем непосредственно самой судебной властью без соблюдения действующих процедур нормотворчества.

В соответствии со статьей 111 Конституции Республики Узбекистан Высший судейский совет является органом судейского сообщества и оказывает содействие в обеспечении соблюдения конституционного принципа независимости судебной власти в Республике Узбекистан. Именно ввиду этой функции, в целях дальнейшего усиления независимости судебной власти целесообразно наделить Высший судейский совет правом вынесения решений в виде нормативно-правовых актов по организационно-правовым и иным межведомственным вопросам. Установление данного полномочия обозначит и укрепит независимую позицию судебной власти и обеспечит единообразие подходов в решении организационно-правовых вопросов судебного администрирования.

Согласно статьи 83 Конституции Республики Узбекистан право законодательной инициативы принадлежит Президенту Республики Узбекистан, Республике Каракалпакстан в лице ее высшего представительного органа государственной власти, депутатам Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Кабинету Министров Республики Узбекистан, Конституционному суду, Верховному суду, Генеральному прокурору Республики Узбекистан и реализуется посредством внесения законопроекта субъектами права законодательной инициативы в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Как мы видим, Конституционный суд и Верховный суд наделены правом законодательной инициативы, тем самым высшие судебные органы страны косвенно включены в законодательный процесс. Вместе с тем, возникает вопрос относительно того, насколько правильным является наделение этих судебных органов правом законодательной инициативы? На наш взгляд, предоставление права законодательной инициативы этим органам является логическим продолжением установившейся еще в советское


время нормы, предполагающей наличие права законодательной инициативы у Верховного суда. Так, статьей 105 Конституции Республики Узбекистан, принятой 19 апреля 1978 года на внеочередной шестой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан девятого созыва, было предусмотрено, что "Право законодательной инициативы в Верховном Совете Республики Узбекистан принадлежит Президиуму Верховного Совета Республики Узбекистан, Совету Министров Республики Узбекистан, Каракалпакской автономной республике в лице ее высшего органа государственной власти, постоянным и иным комиссиям Верховного Совета Республики Узбекистан, депутатам Верховного Совета Республики Узбекистан, Верховному суду Республики Узбекистан, Прокурору Республики Узбекистан. Правом законодательной инициативы обладают также общественные организации в лице их республиканских органов."

Однако, если учесть то, что в соответствии со статьей 110 Конституции Республики Узбекистан Верховный суд является высшим органом судебной власти в сфере гражданского, уголовного, экономического и административного судопроизводства, то есть государственным органом, осуществляющим правосудие, такая постановка вопроса считается не совсем верной.

Ведь, суть правосудия заключается в применении законов, а не в их инициировании. Отдельные вопросы применения норм права разъясняются путем издания постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. Согласно статьи 22 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда рассматривает материалы обобщения судебной практики и дает судам разъяснения по вопросам судебной практики в целях обеспечения единообразного применения законодательства. Данное положение вполне достаточно для влияния Верховного суда на правоприменительную практику и процесс толкования закона.

Наиболее дискуссионным вопросом является также наделение правом законодательной инициативы Конституционного суда Республики Узбекистан. Представляется, что, если исходить из содержания норм статьи 108 Конституции Республики Узбекистан, к ведению Конституционного суда относится разрешение дел, связанных с осуществлением судебного конституционного контроля.

Сущность независимого судебного конституционного контроля строится на древнем принципе – "никто не может быть судьей в своем собственном деле". В свете этого, не совсем ясно, как действовать, в случае если кто-либо из субъектов обращения в Конституционный суд обратится с вопросом о конституционнос-



ти нормы закона, инициированного самим же Конституционным судом? Кто будет осуществлять контроль в отношении такого акта законодательства или же его конституционность не подлежит сомнению?! Подобное участие в законодательном процессе способно вовлечь Конституционный суд в политический процесс, что будет напрямую противоречить самой природе этого государственного органа, как защитника и хранителя духа и буквы конституционных норм. Более того, поскольку Конституционный суд осуществляет толкование положений Конституции, определение соответствия норм закона Конституции, следовательно, его активное участие в реформировании подверженного частым изменениям законодательства представляется нецелесообразным.

